

**ТОШКЕНТ ТҮҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХАЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**Енгил саноат технологиялари
ва жиҳозлари (енгил саноат
маҳсулотлари технологияси)**

**ЧАРМ ВА МЎЙНА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШДА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАР**



ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2021

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: ТТЕСИ т.ф.д., проф. Т.Қодиров

Тақризчи: ТТЕСИ т.ф.н., доцент Н.Мирзаев

Ўқув-услубий мажмуа Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат инститўти Кенгашининг 2019 йил 6 декабрдаги 5-сон қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	12
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ	18
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	80
V. ГЛОССАРИЙ	136
VI. АДАБИЁТЛАР	137

I. ИШЧИ ДАСТУР КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўнималарини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни Чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги замонавий техника ва инновацион жиҳозлар. Мўйна ва тери маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги замонавий техника ва инновацион жиҳозлар. Чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги замонавий технологиялар. Мўйна ва тери маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги замонавий технологиялар. Чарм-мўйнани физик-механик, кимёвий ва эксплуатацион хоссалари. “Ўзчармпойабзal” уюшмаси таркибидаги корхоналар технологик жараёнлари. “Ўзчармпойабзal” уюшмаси таркибидаги корхоналар технологик оперциялари. “Ўзчармпойабзal” уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг тайёрлаш ва чарм ишлаб чиқаришнинг ҳўллаш-ивитиш жараёнлари. “Ўзчармпойабзal” уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг тайёрлаш ва чарм ишлаб чиқаришни ошлаш жараёнлари. “Ўзчармпойабзal” уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг тайёрлаш ва чарм ишлаб чиқаришнинг пардозлаш жараёнлари. “Ўзчармпойабзal” уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг мўйна ишлаб чиқаришнинг тайёрлов олди ва ошлаш жараёнлари. “Ўзчармпойабзal” уюшмаси таркибидаги

корхоналарнинг мўйна ишлаб чиқаришнинг бўяш ва пардозлаш жараёнлари. “Ўзчармпойабзал” уюшмаси таркибидаги корхоналарининг чиқиндилари, уларни қайта ишлаш, рекуперация ва экологик муаммолар. “Ўзчармпойабзал” уюшмаси таркибидаги корхоналар технологик жараёнлари ва операцияларининг қиёсий таҳлилини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Чарм ва мўйна ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар модулининг мақсад ва вазифалари:

Модулнинг мақсади: Чарм ва мўйна ишлаб чиқаришда инновацион технологиялари, илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Модулнинг вазифаси: Чарм ва мўйна ишлаб чиқаришда инновацион техника ва технологияларининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш йўналишлари ҳамда уларнинг таҳлили, тўқимачилик ва енгил саноатдаги хорижий техника ва технологиялар, улардан фойдаланишдаги муаммолар, тўқимачилик ва енгил саноат ва дизайн йўналишида юқори сифатли кенг ассортиментдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, соҳа бўйича замонавий кам операцияли техника ва технологиялар, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жаҳон бозорида рақобатбардошлигини тъминлашда соҳа йўналишидаги техника ва технологияларига инновацияларни жорий этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

“Чарм ва мўйна ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- чарм-мўйнани физик-механик, кимёвий ва эксплуатацион хоссаларини;
- чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги замонавий техника ва инновацион жиҳозларини;
- мўйна ва тери маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги замонавий техника ва инновацион жиҳозларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги замонавий технологияларини ишлатиш;
- мўйна ва тери маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги замонавий технологиялардан фойдаланиш **кўнигмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- чарм ишлаб чиқаришнинг хўллаш-ивитиш, ошлаш ва пардозлаш усулларидан амалиётда фойдаланиш;
- мўйна ишлаб чиқаришнинг тайёрлов олди ва ошлаш, бўяш ва пардозлаш жараёнларини ташкиллаштириш;
- чарм ва мўйна чиқиндиларини қайта ишлаш ва рекуперация қилиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- “Ўзчармпойабзал” уюшмаси таркибидаги корхоналарида юзага келиши мумкин бўлган экологик муаммоларни олдини олиш;
- чарм ва мўйна маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги замонавий технологияларни таҳлил қилиш ҳамда қўллаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Чарм ва мўйна ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар” курси маъруза, амалий ва кўчма машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади

Модулининг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Чарм ва мўйна ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар” модули мазмуни ўқув режадаги “Мода индустрисида брэндинг” ва “Кийимларни ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар” ўқув модуллари билан узвий

боғланган ҳолда педагогларнинг тўқимачилик ва енгил саноат соҳалари бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар тўқимачилик ва енгил саноатда замонавий жиҳозлар ва инновацион технологиялардан фойдаланиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Аудитория ўқув юкламаси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амалий машгулот	Кўчма машгулот
1.	Чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги замонавий техника ва инновацион жиҳозлар.	2	2	-	-
2.	Мўйна ва тери маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги замонавий техника ва инновацион жиҳозлар. Чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги замонавий технологиялар.	2	2	-	-
3.	Мўйна ва тери маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги замонавий технологиялар. Чарм-мўйнани физик-механик, кимёвий ва эксплуатацион хоссалари	2	2	-	-
4.	“Ўзчармпойабзал” уюшмаси таркибидаги корхоналар технологик жараёнлари. “Ўзчармпойабзал” уюшмаси таркибидаги корхоналар технологик оперциялари.	2	-	2	-
5.	“Ўзчармпойабзал” уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг тайёrlаш ва чарм ишлаб чиқаришнинг ҳўллаш-ивитиш жараёнлари. “Ўзчармпойабзал” уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг тайёrlаш ва чарм ишлаб чиқаришни ошлаш жараёнлари.	2	-	2	-
6.	“Ўзчармпойабзал” уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг тайёrlаш ва чарм ишлаб чиқаришнинг пардоzлаш жараёнлари.	2	-	2	-

7.	“Ўзчармпойабзал” уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг мўйна ишлаб чиқаришнинг тайёрлов олди ва ошлаш жараёнлари. “Ўзчармпойабзал” уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг мўйна ишлаб чиқаришнинг бўяш ва пардозлаш жараёнлари.	2	-	2	-
8.	“Ўзчармпойабзал” уюшмаси таркибидаги корхоналарининг чиқиндилари, уларни қайта ишлаш, рекуперация ва экологик муаммолар.	2	-	-	2
9.	“Ўзчармпойабзал” уюшмаси таркибидаги корхоналар технологик жараёнлари ва операцияларининг қиёсий таҳлили.	2	-	-	2
ЖАМИ		18	6	8	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги замонавий техника ва инновацион жиҳозлар.

Терини дастлабки қайта ишлаш замонавий техникалари. Чарм ярим маҳсулотини ишлаб чиқаришда хўллаш ивitiш ва ошлаш замонавий ускуналари. Чарм ярим маҳсулотларини пардозлаш замонавий техникалари. Чарм маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги инновацион жиҳозлар.

2-мавзу: Мўйна ва тери маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги замонавий техника ва инновацион жиҳозлар. Чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги замонавий технологиялар.

Мўйна терини дастлабки ишлов бериш замонавий техникалари. Мўйна ярим маҳсулотлари жараёнларини хўллаш, мездралаш ва ошлашнинг замонавий ускуналари. Мўйна ярим маҳсулотларини бўяш-пардозлашнинг замонавий техникалари. Мўйна маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги инновацион жиҳозлар. Териларни тайёрлаш ва дастлабки ишлов бериш замонавий “хавфсиз” технологиялари. Турли ассортиментдаги чарм ишлаб чиқаришдаги замонавий хўллаш-ивитишнинг “яшил” жараёнлари. Тери тўқималарини ошлаш ва тўлдиришнинг замонавий “экологик тоза” технологиялари. Чарм маҳсулотларини пардозлашнинг ресурстежамкор компакт технологиялари.

З-мавзу: Мўйна ва тери маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги замонавий технологиялар. Чарм-мўйнани физик-механик, кимёвий ва эксплуатацион хоссалари

Мўйна териларни дастлабки ва қайта ишлов бериш замонавий “яшил” технологиялари. Мўйна ва тери маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги замонавий ошлаш олди ва ошлашнинг “хавфсиз” жараёнлари. Мўйна териларини бўяшнинг замонавий “ресурсстежамкор” технологиялари. Мўйна маҳсулотларини пардозлашнинг “экологик тоза” технологиялари. Чарм, мўйна тери хом-ашёси, ярим маҳсулотлари ва тайёр маҳсулотларни синовларга тайёрлаш, ўртacha пробани танлаш. Чарм-мўйна тайёр маҳсулотларни механик хоссалари. Чарм-мўйна тайёр маҳсулотлари хоссаларининг регламентланиши. Чарм-мўйна тайёр маҳсулотлари эксплуатацион ва бошқа хоссаларига қўйиладиган умумий талаблар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. “Ўзчармпойабзал” уюшмаси таркибидаги корхоналар технологик жараёнлари. “Ўзчармпойабзал” уюшмаси таркибидаги корхоналар технологик оперциялари.

«Osiyo-mo`ynasi» МЧЖ технологик жараёнлари. «Меховая мода» ишлаб чиқариш корхонасининг технологик жараёнлари. «Osiyo-Charm-Fayz» МЧЖ технологик жараёнлари. «Ulkan-Laziz» МЧЖ технологик жараёнлари.

2-амалий машғулот. “Ўзчармпойабзал” уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг тайёрлаш ва чарм ишлаб чиқаришнинг ҳўллаш-ивитиш жараёнлари. Ўзчармпойабзал” уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг тайёрлаш ва чарм ишлаб чиқаришни ошлаш жараёнлари.

«Charm-attor» МЧЖ тайёрлаш технологик оперциялари. PENG-SHENG ҚҚ тайёрлаш жараёнлари. «Шоҳайдаров» ишлаб чиқариш корхонасининг ҳўллаш-ивитиш жараёнлари. «Osiyo-Charm-Fayz» МЧЖ ҳўллаш-ивитиш технологик операциялари. «Charm-attor» МЧЖ ишлаб чиқаришида ошлаш жараёнлари. PENG-SHENG ҚҚда ошлаш жараёнлари. «Ulkan-Laziz» МЧЖ ишлаб чиқариш корхонасининг ошлаш жараёнлари. «Osiyo-Charm-Fayz» МЧЖда ошлаш жараёнлари.

3-амалий машғулот. “Ўзчармпойабзал” уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг тайёрлаш ва чарм ишлаб чиқаришнинг пардозлаш жараёнлари.

«Charm-attor» МЧЖ ишлаб чиқаришида пардозлаш жараёнлари. PENG-SHENG ҚҚда пардозлаш жараёнлари. «Шорахимов» МЧЖ ишлаб чиқариш корхонасининг пардозлаш жараёнлари. «Osiyo-Charm-Fayz» МЧЖда пардозлаш жараёнлари.

4-амалий машғулот. “Ўзчармпойабзал” уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг мўйна ишлаб чиқаришнинг тайёрлов олди ва ошлаш жараёнлари. “Ўзчармпойабзал” уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг мўйна ишлаб чиқаришнинг бўяш ва пардозлаш жараёнлари.

«Osiyo-mo`ynasi» МЧЖ мўйна ишлаб чиқаришнинг тайёрлов олди жараёнлари. «Меховая мода» чиқариш корхонасининг тайёрлов олди жараёнлари. «Osiyo-mo`ynasi» МЧЖ мўйна ишлаб чиқаришнинг ошлаш жараёнлари. «Меховая мода» чиқариш корхонасининг ошлаш жараёнлари. «Osiyo-mo`ynasi» МЧЖ мўйна ишлаб чиқаришнинг бўяш жараёнлари. «Меховая мода» чиқариш корхонасининг бўяш жараёнлари. «Osiyo-mo`ynasi» МЧЖ мўйна ишлаб чиқаришнинг пардозлаш жараёнлари. «Меховая мода» чиқариш корхонасининг пардозлаш жараёнлари.

Кўчма машғулот мазмуни

“Ўзчармпойабзал” уюшмаси таркибидаги корхоналарининг чиқиндилари, уларни қайта ишлаш, рекуперация ва экологик муаммолар.

«Osiyo-mo`ynasi» МЧЖ ва «Меховая мода» мўйна ишлаб чиқариш корхоналарининг чиқиндилари. «PENG-SHENG» ҚҚ ва «ANKA» МЧЖ ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш. «Charm-attor», «Osiyo-Charm-Fayz» МЧЖ ишлаб чиқаришида чиқиндиларни рекуперациялаш. “Ўзчармпойабзал” уюшмаси таркибидаги корхоналарининг экологик муаммолари.

“Ўзчармпойабзал” уюшмаси таркибидаги корхоналар технологик жараёнлари ва оперцияларининг қиёсий таҳлили

«Osiyo-mo`ynasi» МЧЖ ва «Меховая мода» мўйна ишлаб чиқариш корхоналарининг технологик жараёнларининг қиёсий таҳлили. «PENG-SHENG» ҚҚ ва «ANKA» МЧЖ ишлаб чиқариш корхоналар технологик оперцияларининг қиёсий таҳлили. «Charm-attor», «Osiyo-Charm-Fayz» МЧЖ ишлаб чиқаришида корхоналар технологик оперцияларининг қиёсий таҳлили. “Ўзчармпойабзал” уюшмаси таркибидаги корхоналарининг техник-иктисодий қиёсий таҳлили.

Үқитиш шакллари

Мазкур модул бўйича қуидаги үқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.



-ўқитувчи ҳар бир тингловчи (ёки ўқувчи)га **ФСМУ** технологиясининг тўрт боскичи ёзилган қофоз варакларини таркатади ва якка тартибда уларни тўлдиришни илтимос килади.

-ўқитувчи баҳс мавзусини белгилаб олади;

-якка тартибда иш тугагач, тингловчилар кикчик гурухларга бўлиниб, ўқитувчи кичик гурухларга **ФСМУ** технологиясининг тўрт боскичи ёзилган ватманларни тарқатади;

-кичик гурухларга ҳар бирлари ёзган қофозлардаги фикр ва далилларни катта форматда умумлаштирган ҳолда тўрт боскич бўйича ёзишлари таклиф қилинади;

-ўқитувчи кичик гурухларнинг ёзган фикрларини жамоа ўртасида хикоя қишишларини сўрайди;

-машғулот ўқитувчи томонидан билдирилган фикрларни умумлаштириш билан яқунланади.(15 дақиқа ажратилади).

ФСМУ технологияси 1-саволга жавоб намунаси

Ф- фикрингизни баён этинг: Бу системада асосан ўрта толали чиплар олинади.

С- сабабини изоҳланг: Пневмомеханик йигириш усули карда системасида ишлатилганда технологик жараёнларнинг 4 боскичи қисқартирилиб пилтадан бевосита ип олинади.

М- кўрсатган сабабингизни асословчи мисол келтиринг: Улардан сурп, сатин, чит каби бежирим газламалар ва трикотаж буюмлари тайёрланади.

У – фикрларингизни умумлаштиринг: карда системасида чизиқий зичлиги $15,4 \div 40$ текс ($N = 25 \div 65$) бўлган иплар олинади.

Муаммоли саволлар:

1. Карда системаси қандай йигириш системаси?
2. Қайта тараш системаси қандай йигириш системаси?

3. Аппарат системаси қандай йигириш системаси?

"ЁЗМА ЮМАЛОҚ СТОЛ" МЕТОДИ

1. Биргаликда ўрганиш усулига асосланади.
2. Қоғоз ва ҳар хил рангдаги қаламлар керак бўлади.
3. Гуруҳ аъзолари атрофида қоғоз ва қалам сурилиб борилади.
4. Иштирокчилардан биттаси ўртага ташланган масалага оид фикрини ёзади.
5. Гуруҳдошига узатади.
6. У ҳам ўз фикрини бошқа рангдаги қаламда ёзиб кейинги иштирокчига беради;
7. Ранглар турли булиши ҳар бир иштирокчининг шахсий фикрини, масала юзасидан иштирокини аниқлаш учун керак бўлади.
8. Фикрлар жамланиб, муҳокама қилиниб муаммонинг ечими топилади.


"ЁЗМА ЮМАЛОҚ СТОЛ" УСУЛИНИ ҚЎЛЛАШ УЧУН ГУРУХЛАРГА ТОПШИРИКЛАР

1-гурух учун топшириқ

1. Тукув дастгоҳида ўрнатилган қўшалок «ТАРО» тизими арқоқ билан bogliq нуқсонларни бартараф этишда қандай амаллар бажаради?
2. Италиянинг «Сомет» тукув дастгоҳида ўрнатилган «Сомет» компьютер тизимида қандай технологик кўрсаткич автоматик бошқарилади?
3. «Сомет» тукув дастгоҳида ўрнатилган «Сокос» тизими ёрдамида қайси амаллар автоматик бошқарилади?

2-гурух учун топшириқ

1. Сокос» тизимида қандай амаллар автоматик тарзда бажарилади?
2. Электрон жаккард машинасида нақш имкониятини кенгайтириш «Ромио системс» мажмуасининг вазифалари нималардан иборат?
3. Ромио системс» мажмуаси таркиби нималардан ташкил топган?



“Нима учун?” методи

“Нима учун?” деб аталган усул бу бутун мулоҳазалар занжиридир, уларнинг мақсади эса муаммонинг бошланғич сабабини очишdir. Демак сиз очик-ойдин кўриниб турган муаммони таърифлашдан бошлайсиз. Кейин “Нима учун?” саволи билан стрелкани чизасиз ва ундан кейин саволга миянгизга келган жавобни ёзасиз. Ушбу жараён сиз муаммонинг яширин сабабига етиб бормагандигача давом этади

Фойдаланиши бўйича тавсиялар.

1. Ҳар бир боғланишни излаш (жавобни «чунки») миянинг ўнг ярим палласининг ишини кўзда тутади, яъни биринчи миянгизга келган жавобларни ёзиб бориш керак.

2. Сиз қайси пиктограммалардан фойдаланишни: доирами ёки тўғрибурчакми


ўзингиз танлашингиз керак. Ҳамма нарса қайси шакл ижод ва илҳом билан ассоциация орқали фикран боғланишига боғлиқдир.

3. Ижодий фикрлашни кучайтириш мақсадида сиз чизик шаклида бўлмаган

схемадан фойдаланишингиз мумкин (юқоридаги мисол чизик шаклидаги схемани кўрсатади. Масалан, шунга ўхшаш схемани бурама чизик кўринишида кўрсатишингиз мумкин (дастлабки ўринни варақнинг ўртасига жойлаштириш ёки тескарисига варақнинг четларига) ёки мулоҳазалар занжирини ўнгдан чапга қараб жойлаштириш мумкин.

4. Стрелка фикрлашнинг йўналишини билдиради. Қайси ўриндан (вазиятдан)

бошлашимизни ва натижа сифатида нимага эришишимизни билиш жуда муҳим.



Кластер

Кластер (тутам, боғлам) – ахборот харитасини тузиш йўли, барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида гояларни йиғиши.

Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги, ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва очиқ жалб этишга ёрдам беради.

Кластерни тузиш қоидаси билан танишадилар. Доска ёки ватман қоғоз варагининг ўртасига асосий сўз ёки 1-2 сўздан иборат бўлган мавзу номи ёзилади.

Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида мавзу билан боғлиқ сўз ва таклифлар кичик доирачалар “йўлдошлар” ёзib қўшилади. Уларни “асосий” сўз билан чизиклар ёрдамида бирлаштирилади. Бу “йўлдошларда” кичик йўлдошлар бўлиши мумкин. Ёзув ажратилган вақт давомида ёки гоялар тугагунича давом этиши мумкин.

Мухокама учун кластер билан алмашадилар.

Пинборд техникаси

Пинборд (инглизча: пин – маҳкамламоқ, боард - доска) – таълим техникаси бўлиб, унинг мазмуни баҳс-мунозара ёки муҳокама методларининг амалий методлар билан боғлиқлик жиҳатида кўринади.

Пинборда техникасини амалга ошириш босқичлари

1. Тайёрлов босқичи.

Муаммоли савонни ўртага ташлаш ва тезкор савонлар билан йўналиш бериш.

2. Муаммоли савонни таҳлил қилиш.

Савонга оид тузилмани ва таянч тушунчаларни баён қилиш.

4. Умумлаштириш.

Гурух сардорлари гурух аъзолари билан маслаҳатлашган ҳолда, ахборотни тизимлаштириш, гурухлаштириш билан шуғулланадилар. Чизиклар, стрелкалар ёрдамида гояларнинг алоқадорлик жиҳатларини кўрсатадилар.

3.Хулосаларни баён қилиш.

Ўқувчи ўз жавобларини маҳсус карточка ёки қоғозга ёзib доскага маҳкамлайди.

Мавзунинг ҳар бир бўлими учун муаммоли саволлар:

1. Моки баҳя қатори ҳосил қилишда моки қайси турдаги ҳаракатларни қилиши мумкин.
2. Нима учун ҳозирда саноатда асосан тебранувчи ва айланувчи мокили тикув машиналар қўлланилиб келинмоқда?
3. Нима учун тебранувчи мокили тикув машиналарни тезлиги 3500 мин^{-1} гача чегараланган?

«Т - схема» техникаси

- бу технология мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар муаммо характеристидаги мавзуларни ўрганишга қаратилган; бунда уларнинг ҳар бири алоҳида нукталардан мухокама этилади. Масалан: ижобий ва салбий томонлари, афзаллик ва камчиликлари, бир ғоянинг икки томони, фойдали ва зарарли жиҳатлари; танқидий; таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлаш муваффақияти ривожлантиришига ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имкон яратади;


Т-схема қонун-қоидалари билан танишиб чиқади. Якка таркибда ёки жуфт-жуфт: бўлиб Т-схемани тўлдиради

Ўз ғояларини ёзма равишда ўнг ва чап тарафларида ёзиб чиқадилар. Ғоялар қарама-қарши бўлиши мумкин.

Схемадаги ғоялар таққосланиши ва якка тартибда жуфт-жуфт ҳолда ёки тўлдирилиши мумкин.

Ҳар бир тингловчи ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин.

**Моки баҳяли кашта тикиш автоматларинининг фзалликлари ва камчиликларини
Т-схема жадвали асосида тўлдиринг**



Афзалликлар	Камчиликлари

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР

1 маъруза

**ЧАРМ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ЗАМОНАВИЙ
ТЕХНИКА ВА ИННОВАЦИОН ЖИҲОЗЛАР**

РЕЖА:

1. Терини дастлабки қайта ишлаш замонавий техникалари.
2. Чарм ярим маҳсулотини ишлаб чиқаришда хўллаш ивitiш ва ошлаш замонавий ускуналари.
3. Чарм ярим маҳсулотларини пардозлаш замонавий техникалари.
4. Чарм маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги инновацион жиҳозлар.

Терини дастлабки қайта ишлаш замонавий техникалари.

Чарм ва мўйна корхоналарида тери тайёрчарм ёки мўйнага айланиши учун жуда кўп технологик жараёнлардан ўтиши керак. Бу жараёнлар маҳсус аппарат ва машиналар ёрдамида ўтказилади.

Суюқликларда ва эритмалар ёрдамида борадиган жараёнлар чанларда, баркаслар ва барабанларда олиб борилади. Механик ишловлар эса мездралаш, 2га ажратувчи машиналар, навал ҳайдаш, соч ҳайдаш, рандалаш, пресслар, юзасини ўлчовчи машиналар ёрдамида амалга оширилади.

Чарм ва мўйна корхоналаридаги жиҳозлар технологик вазифасига қараб қўйидаги асосий гурухларга бўлинади:

1- гурух – суюқлик ва эритмаларда чармга доналаб ёки партия билан ишлов бериладиган жиҳозлар (chan, барабан, баркаслар)

2-турух – хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларга доналаб механик ишлов берувчи жиҳозлар (хамма машиналар ва агрегатлар).

3-турух – қури тувчи ва намловчи қурилмалар.

4-гурух – ёрдамчи ишлаб чиқариш жиҳозлар (ёрдамчи эритмалар ва чиқиндиларга ишлов берувчи жиҳозлар)

5-гурух – (механизация) чарм ва мўйна корхоналаридаги механизациялашган ва автоматлашган қурилмалар. (сортлаш агрегатлари, автоюкловчилар).

6-гурух – асосий цехлардаги ёрдамчи жиҳозлар (транспорт қурилма, эритмалар ўтувчи жиҳозлар).

Суюқлик ва эритмаларда ишлов берувчи жиҳозлар қўйидагиларга бўлинади:

1.Кўзғалмас, бунда тери ва ярим тайёр маҳсулот харакатланмайди (чанлар).

2. Суюқлиги харакатда бўлган қўзғалмас жихозлар (баркаслар).

3. Қўзғалувчан, бунда жихозларни харакатга келтирувчи деталлар мавжуд (ҳамма барабан ва шнек аппаратлари).

Ярим тайёр маҳсулотларнинг машиналарда ишлов бериш хусусиятига, машиналар қўйидаги подгруппаларга бўлинади:

А) Теридан мездра, жунни олувчи машиналар (мездровчи машина, жунхайдовчи машина, шетинатортувчи машина).

Б) Сиқувчи ва разводка машина (механик ва гидравлик пресслар, разводловчи машиналар).

В) Тери қалинлигини тўғриловчи машина, рандаловчи ва силлиқловчи машиналар).

Г) Териларни ёғловчи, тўлдирувчи, бўёқ билан қопловчи машина ва агрегатлар (бўёвчи машиналар, ёғловчи, золсизлантирувчи эритмасини суртовчи машина ва агрегатлар).

Д) Терини тортиб юмшатувчи машиналар. (тортиб-юмшатувчи машиналар).

Е) Терини пардозловчи машиналар (дозмалловчи машиналар, сиқиши пресслари).

Ж) Тери юзасини ўлчовчи машиналар.

Бундан ташқари чарм ва мўйна ишлаб чиқариш корхоналарида ёрдамчи ва чиқиндиларга ишлов берувчи цехлар мавжуд бўлиб, бундаги жихозлар қўйидагиларга бўлинади.

1) Кимёвий станция жихозлари (эритмалар тайёрлаш, дозировка қилиш, иситиш ёки совутиш жихозлари).

2) Жунга бирламчи ишлов бериш жихозлари.

3) Мездрадан елим тайёрлаш жихозлари.

Технологик жараён ўтказиладиган асосий омиллар.

Суюқлик ва эритмаларда хом ашёга ишлов берилганда, унга таъсир қилувчи омиллардан бири суюқлик коэффициентидир. Суюқлик коэффициенти бу суюқлик ҳажмининг ишлов берилаётган хом ашё массасига нисбати ҳисобланади.

$$C.K. = \frac{V_c}{P}$$

V_c – суюқлик ҳажми

P - ишлов берилаётган хом ашё ёки яримтайёр маҳсулот массаси.

Кейинги омиллар бу суюқликда ишлов берилаётган хом ашёга механик (ишлов берилади), кучлар таъсир этади, яъни баркасларда парраклар, осма барабанлар эса айланиши билан таъсир этирилади.

Машиналар эса хом ашё ва яримтайёр маҳсулотларга валлари билан таъсир этади.

Машина валларини қўйидаги асосий гурухларга бўлинади.

1. Ишчи валлар, механик ишлов берувчи.

2. Қисувчи валлар, терини ишчи валга қисувчи валлар.
3. Тарнспортловчи валлар, терини ҳаракатга келтирувчи валлар.
4. Бошқарувчи, тинч ҳолатдан валларни иш ҳолатига келтирувчи ва аксинча.
5. Тарнсмиссион ҳаракатни двигательдан валларга берувчи валлар.

Бу валларнинг ҳаммаси айниқса ишчи валлар терига бевосита таъсир этади. Мездрани олиб ташлайди, жунни, навални ҳайдайди, 2 га бўлади, рандалайди, силлиқлайди ва ҳоказо. Бу таъсирлар терининг физико-механик хоссасини ўзгартиради. Ишлов берилаётган пайтда тери ғижимланиши, қатланиши мумкин ва бунда терига сифатли ишлов бериш мумкин бўлмайди. Шунинг учун камчиликни бартараф қилиш учун ишчи валлар 2 томонлама винт шаклида ясалади.

Чарм ва мўйна корхоналари жиҳозларини механизациялаш ва автоматлаштириш учун ўтказувчи машина ва агрегатлардан фойдаланилади. Пардозлаш цехларида бўяйдиган, қуритадиган, лак билан қопланадиган агрегат мавжуд. Бу агрегатдан чиқсан чармлар прессларга юборилиб бирданига прессланади.

Терининг сифатига, машина ва аппаратда ишлов берилаётган пайтда таъсир қиласи. Терига ишлов берилаётган пайтда, уни албатта ёйган холда машинага берилади. Бўлмаса терига сифатсиз ишлов берилади.

Машинага ишлаш учун, техника хавфсизлик қоидасини биладиган, берилган машинада ишлашни ўрганган ишчи рухсат этилади.

Чарм яrim маҳсулотини ишлаб чиқаришда хўллаш ивitiш ва ошлаш замонавий ускуналари.

Терига ишлов беришда, хом аше тозалаш, ювиш ва консервалаш жараёнини щитиши керак.

Гўшт комбинатларида мол териларида гўшт, ёғ ва навал қолдиқлари бўлади. Бу қолдиқлар терини сифатли консервалашга тўқсинглик қиласи. Шунинг учун бу қолдиқларни тозалаш керак. Аввалам бор тери навалдан тозаланади, кейин эса гўшт ва ёғ қолдиқларидан тозаланади. Бундан ташқари тери туёқлардан, дум, бош суюклари, қулоқ ва лаблари олиб ташланади. От териларидан яна дум соchlари, ёллари олинади.

Навални тозалаш учун териларни стеллажларга жунини юқорига қилиб ёядилар ва тузлукнинг кам концентрацияли эритмаси билан қўллайдилар. Териларни устма-уст 25-30 тадан қилиб ёйилади 45 мин катта терилар учун, 30 мин кичик хом ашё учун.

Навал, гўшт ва ёғ қолдиқларидан терини мэздралаш машинасида амалга оширилади. Мэздраловчи машиналар бўлмаган корхоналарда маҳсус пичок

билин тозаланади. Навал ва гўшт қолдиқларидан тозалангандан кейин, ювиш жараёни боради.

Ювиш жараёнида теридан қон, чанг, навал қолдиқлари ювилади, Терилар столларда баркасларда ва катта заводларда шнекли барабанларда ювилади.

Ювиш. Стол узунлиги 2,25-2,5 м, эни 1,75-2 м, баландлиги 0,5-06м бўлиб 10-15° қияликда жойлашган. Стол устида эса душ жойлаштирилади. Тери жун қисмида 2 мин, мездра томонидан 1 мин ювилади. Ювилган терилар осилади ва суви оқади. Ёзда 0.5 с, қишида 1 соат осилтириб қўйилади. Ювиш жараёнида сувнинг ҳарорати 20-25°C бўлади. Тери ювиб бўлгандан кейингина консерваланади.

Териларни консервалашдан мақсад терини чиришдан сақлаш. Консервалаш асосида физикавий (сувсизлантириш, осматик босимни ошириш, қуёш нурлари таъсири ва б.к.) ва кимёвий (нейтрал тузларнинг таъсири) факторларга асосланади. Консервалашда ишлатиладиган NaCl ва кислоталар бактерияларни ўлдирмайди фақат уларнинг ривожланишини тўхтатади.

Антисептиклар эса бактерияларни ўлдиради. Антисептиклар сифатида: парадихлорбензол, нафталин, кальцирланган сода, натрий кремний фторлиап бошқа ишлатилади.

Териларни бирламчи ишлов бериш учун қўйидаги технологик машиналар ишлатилади: мездралаш, навалҳайдаш, рандаловчи, (тузлар) машиналар, ювиш ва гидродинамик қурилма, тарози, тери юзасини ўлчовчи машиналар.

Териларни тузлаш учун маҳсус механизациялашган қурилмалардан фойдаланилади. Бу механизм барабанларни консерваловчи моддалар билан тўлдирувчи аппарат, териларни барабанга солувчи ва оловчи машиналардан иборат.

Териларни ювиш ва ҳўллаш учун механизациялаштирилган қурилма териларни навал ва туз кристаллдан тозаланади.

Қурилманинг тузилиши ва ишлатиши.

Қурилма 2 та бетонланган чан баркасдан иборат. Чан-баркаснинг катталиги 2.5x2.8x1.5 м, бу чан-баркасларда харакатланувчи парраклар мавжуд. Чан-баркаслар ичида харакатланадиган темир кассета бўлади. Кассетанинг кранга бириктирилган. Кран чан-баркас устидаги металл рамада жойлаштирилган. Стеллажларда жойлашган терилар автоюкловчи машиналар ёрдамида, сув билан тўлдирилган чанлардаги кассеталарга солинади. Кассетага солинадиган терилар, уларнинг масса ва катта-кичилигига қараб 100-200 донани ташкил қиласиди. Чан-баркасдаги сув парраклар ёрдамида аввал бир кейин иккинчи томонга 5-6 дақиқа айлантирилади.


Терилар ювиб бўлингандан кейин кран тростни ўзига айлантириши натижасида кассета кўтарилади ва терилар тахта стеллажларга тушади. Бунда

терилардан сув оқади. Сувлар оқиб бўлингандан кейин тери кейинги технологик жараёнга юборилади.

Консервалаш стеллажларда олиб борилади. Стеллажда тери ёйилади ва унга туз ёки тузлик эритмаси сепилади. Стеллажлар катталиги 275x275 см баландлиги 30 см бўлади. Стеллаж устига 3 см қалинликда туз сепилади.

Консервалаш усуллари: хўлтузлаш, қуруқ тузлаш, кислотали-тузли консервалаш, пикеллаш, қуритиш ва музлатиш.

Чарм ва мўйна ишлаб чиқариш корхоналарида бирламчи ишлов бериш, навлаш ва партияларни ташкил этиш учун маҳсус потокли линиялар мавжуд. Бу линиялар кундан-кунга такомиллаштириб борилади. Линияларда, туз кристалларидан тозалаш қиртишлаш, четларни қирқиши, сортлаб комплектлаб, партиялар ҳосил қилиб автомашинага юклаш каби ишлаб бажарилади.



Расм 1. Бирламчи ишлов бериш ва комплектовка қилиш учун ПКС-1 яримавтомат линияси.

1-кўтарувчи қурилмада терини қўйиш; 2-терини ёйиш майдони; 3-тери кўтаргич; 4-туз кристалларини олиш машинаси; 5-конвейер; 6-монорельсли тарози; 7 ва 8-сортловчилар учун кўтарувчи қурилма; 9-териларни буклаш ва осиш конвейер; 10-териларни массасига қараб ташловчи майдон; 11-электродвигатель.

ПСК тизимнинг техник кўрсаткичлари.

Конвейернинг унумдорлиги терилар сони бўйича бир соатда, дона -800

Конвейер занжири ҳаракат тезлиги м.с - 0,12-0,25

Узатманинг қуввати, квт. - 13

Тизимдаги жиҳозларнинг оғирлиги, кг. - 33140

Шундай линиялардан бири ПСК-1 линияси ва КАС-9 линияси. Бундай линиялар ишчилар меҳнатини енгиллаштиради.

Линия монорельсли конвейердан, юк кўтарувчи чанлардан, терини осиб кўядиган майдончадан, туздан тозаловчи машинадан, тарози,


сортировщикларни кўттарувчи қурилмадан, қия лентали конвейердан, терини 2 марта ўлчаш майдони ва поддонлардан иборат.

Линиянинг ишлаши. Линия токка ўлчангандан кейин терилар юк кўттарувчи қурилмалар ёрдамида кўтарилади ва занжирларга қистирилади. Конвейернинг ҳаракати натижасида туздан тозаловчи машина тери келади. Ундан кейин тери тарозиларга келиниб уларнинг массалари ўлчанади. Ўлчанган терилар сортлаш майдончасига келиб, бу ерда у икки томондан текширилади. Текширилган терилар 2-марта тарозига юборилиб, вазни ўлчанади. Бу вақтда оператор териларни олд оёғи ва бўйин қисмини юқорига қилиб қистирилади. Энига 2 га қатланган терилар ёки поддон ёки конвейерга бориб тушади. Терилар билан тўлган поддонлар электропогрузчик ёрдамида складга ёки заводларга юборилади.

Конвейер КАС-9 автоматлашган линия бўлиб, хўл тузланган кичик хом ашёга мўлжалланган. КАС-9 линияси ҳаракатланувчи тростдан, ҳаракатланувчи ва тортувчи станциядан ташкил топган ишлаб чиқариш куввати 320 та тери /соатда.

Ишлаш принципи. Сортловчи тери сифатини аниқлаб уни у илгакча илиб адресловчи кнопкани босади. Илгак номери терилган контейнерга борадида ва терини ташлайди. Поддонга тушган терилар сонини счетчик ёрдамида ҳисобланади.

Бундай линиялар ишчиларнинг меҳнатини осонлаштиради, оғир меҳнатни енгиллаштиради.



Расм 2. КАС-9 сортловчи конвейерининг схемаси.

1-приводли шахобча, 2-келадиган йўл, 3-тортувчи шахобча, 4-чангак, 5-траспортловчи қурилма, 6-бошқарувчи пулт ва терини ёрлиқловчи стол, 7-козелот. 8-тери майдонини ўлчовчи стол, 9-сортловчи стол


КАС-9 конвейернинг техник кўрсаткичлари.

Конвейернинг унумдорлиги, терилар сони бир соатда дона - 800

Контейнерлар сони,	дона	- 32
Контейнернинг габарит ўлчамлари, мм		
узунлиги	- 1250	
эни	- 1000	
Иш органларнинг ҳаракт тезлиги, м.с	- 0.17	
Электроритмасининг куввати, квт.	- 1	
Конвейернинг ўлчамлари, мм.	3200x2200x4000	
Конвейернинг оғирлиги контейнерлар билан бирга, кг.	8000	

Чарм ярим маҳсулотларини пардозлаш замонавий техникалари.

Қиртишлаш жараёни ошлаш жараёнидан кейин бажарилади. Ўтган асрнинг охиригача тери қўлда струга асбоби ёрдамида қиртишланар эди. Струга –металли рама бўлиб, унга икки томони тезланган пичоқлар винтлар билан ўрнатилган. 1885 йилда қиртишловчи машиналар яратилган бўлиб, унинг асосий схемаси ҳозирги машиналарда ҳам сақланиб қолинган. Тери қаттиқ силлиқ валга ётқизилиб, чап ва ўнг томонли винли пичоқлари бор бўлган пичоқли валга қистирилади. Ярим тайёр маҳсулотни пичоқли валга яқинлаштириш осон бўлиши учун қаттиқ силлиқли вал ҳаракатланувчи ричаги ўрнатилган. Қисувчи пичоқли вал орасидаги тиркиш қаттиқ таянч орқали ўрнатилади. Пичоқли валнинг пичоқларини тезлаш учун чархловчи диск мавжуд.



Расм 11. Қиртишловчи машинанинг ишчи органлари.

1-тери, 2-қаттиқ силлиқ вал, 3-пичоқли вал, 4-ҳаракатланувчи рама, 5-қаттиқ таянч, 6- пичоқли вални чархловчи ускуна.

Қиртишлаш жараёнининг сифати терининг намлигига ва механизм ҳолатига боғлиқ. Қиртишлаш жараёнига келган ярим тайёр маҳсулотнинг намлиги 55-60% дан ошмаслиги керак. Ундан ортиқ намли ярим тайёр маҳсулот валаг ёпишади, агар кам бўлиб қуруқ бўлса, вал билан ишқаланиши натижасида куйиши мумкин. Ўтмас пичоқлар терини кесиб олиб унинг сифатини пасайтиради. Тери пичоқли валга катта тезликда берилса унинг устида чизиқлар ҳосил бўлади. Шуларни назарга тутган ҳолда қиртишловчи машиналарнинг оптималь асосий параметрлари қуидагилар:

МСГ-600К машинасининг техник тавсифи

Пичоқли валнинг айланниш частотаси	15-20м/с
Терининг валга берилиш тезлиги	0.01-0.40м/с
Бирта пичоқ бериладиган катталик.....	0.3-1.0мм
Айланма кучланиш	4-15Н

Олдин ишлаб чиқарилган қиртишловчи машиналарнинг иш жойининг кенглиги 450-900мм бўлса, ҳозирги даврга келиб иш жойланинг кенглиги 1200-2800мм га teng. Гидравлик қиртишловчи МСГ -600К машинаси кичик терилар: бузоқча, бузоқ ярим териларни ва катта териларнинг айрим майдонларни қиртишлаш учун мўлжалланган. Машина асосдан пичоқли вал, чархловчи механизм, қисивучи вал механизмидан, урувчи вал, электр жиҳоз, гидро жиҳоз, эҳтиёдловчи қисмдан иборат.

Машина асоси рамадан ва иккита чўянли тиргакдан иборат, улар ўз-аро траверс билан боғланган. Тиргаклар пулат тунука билан уралган булиб, поддон ҳосил киласди. Унга тери кириндилари тушади.

Пичокли валда 10 жуфт пичолар мавжуд. Валнинг икки четига электродвигателдан харакатни юборадиган клиноремен узаттичлар шкивлар билан бириктирилга.

Чархловчи механизм куйидаги деталлардан иборат: машина тиргаклари орасида траверслар булиб, траверс буйлаб тезловчи тош харакатланади. Чархловчи механизмда алохида электродвигател мавжуд.


Кисувчи ва ушловчи валла харакатланувчи рамада жойлаштирилган. Бу рама валларни пичокли валга якинлаштириш ва бу харакат оёқ педали оркали бошқарилади. Бу валнинг механизмида кисувчи ва пичокли валлар орасида тиркиши ушлаб турувчи ва 2 вални паралеллигини таъминловчи курилма бор. Урувчи валда радиал жойлашган парраклар ва айланга шарикоподшибниклар мавжуд. Булар ричагларда жойлашган булиб, унинг харакатини эксцентриклар бошкаради.

Электржихоз учта электродвигателдан (пичокли вал, чархлаш механизми ва гидроутказувчи насос) иборат машинанинг магнитли ёкувчи ва учирувчи хамда бокариш кнопкалари бор. Бошқариш кнопкалари, машинанинг ўнг томонида жойлашган бошқариш пултида жойлаштирилган.

Гидроожихоз таркибига жуфт парракли насос, пластинкали філтр, эҳтиёт клапани, бошқариш цилиндири (золотник), гидроцилиндр, гидродвигател, дроссел ва монометр киради.

Бу машинада ишлаш худди ўтмас мездраловчи машиналарда ишлаш принципига ўхшайди. Фақат бунда ишчи оёқ педали ёрдамида қиртишлаётган тери қалинлигини назорат қиласди.

Қиртишловчи машиналарнинг: Чехияда ишлаб чиқарилган “Луиджи Рицци” машиналари мавжуд. Бу машиналарнинг ишлаш принципи МСГ-600К машинасига ўхшайди. Аммо “Луиджи Рицци” машиналарида гидромеханизмлари бўлади.



Расм 12. “Луиджи Рицци” фирмасининг RG-6 қиртишлаш машинасининг гидравлик схемаси.

1-ёғ, 2-фільтр, 3-шестенали насос, 4-эҳтиёт клапани, 5,10-золотник, 6-гидроцилиндр, 7-рейкали механизм, 8-гидромотор, 9-гидроцилиндр, 11-храпли ғалтак, 12,13,14,16-труба, 15,17-канал.

Хозирги замонавий қиртишловчи машиналардан бири 07171/P3 машинаси ҳисобланади. 07171/P3 машинаси 2 та таянч иборат бўлиб улар ўзаро кўндаланг траверса билан боғланган. Таянчлар пўлат тунукалар билан қопланган. 2 та таянч орасида харакатланувчи рама ўрнатилган. Бу рамага қисувчи ва берувчи валлар бириктирилган. Пастки траверса бошқариш педали ўрнатилган. Бошқариш педалига пружина бириктирилган. Машинанинг клиремен приводлари машинанинг 2 ташки четида жойлашган бўлиб, усти қопқоқлар билан қопланган.

Электродвигател машинанинг орқа қисмида жойлашган. Пичоқли вал ва چархловчи аппарат машинанинг юқори қисмида жойлашган бўлиб, усти қопқоқ билан ёпилган. Чархловчи қурилманинг харакатланувчи винтига тери қириндиси ва чанг тушмаслик учун унинг усти новасимон қопқоқ билан қопланган машинанинг чап томонидаги ричаг қиртишловчи дискни пичоқли вал томонига харакатлантиради. Ишчи қўли пичоқли ва қисувчи валга тушмаслик учун машинада эҳтиёт клапани ўрнатилган.

Чарм маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги инновацион жиҳозлар.

Силликлаш жараёни, тери юзасидаги айрим нуксонларни йукотиш ва уни буяшга тайёрлаш, хамда тари калинлигидаги нотекислиткларни бартараф килиш учун кулланиалдиган. Силликлаш билан чарм, яъни велюр, замшанинг ворсларни кутариш учун пардозлаш жараёни хам олиб борилади. Силликлаш жараёни майда донали силликловчи материаллар билан килинади. Тери яхши силликлashi учун уни хар тарафидан силликлаш керак.

Биринчи ишлаб чиқарилган силликловчи машиналарнинг иш жойининг кенглиги 200-225мм, кейинчалик 450-600ммдан 1800ммгача кегайтирилган. Силликловчи машиналарда когоз вамато билан коплаган барабанлар мавжуд. Мато ёки когоз юзаси майдаланган абразив материаллар билан қопланган. Айрим вактларда силликловчи машиналар абразивли диск ёки валиклар булади. Силликловчи машиналардаги силликловчи ускунанинг абразивли доналари тушганда ёки унинг асосидаги мато ёки когоз ииртилганда, хамда шлифловчи ускуна ёғланганда у алмаштирилади.

Ишлов берилаётган терига ёки чармга караб силликловчи ускунанинг куйидаги номерлари танланади силликланганда: чучк боласи териси учун—100-160, эчки ва куй териси—180-220.

Велюр терилари куйидаги кетма- кетлик буйича силликланади:

Чучка боласи—220,240, 320.

Эчки ва куй—180, 240, 280,320.

Терини юза қисмидан силликлаш 1 марта -100, 120, 2 марта-150, 180.

Канча силликловчи ускунанинг номери катта булса, шунча унинг доналари майин булади.

Машина валининг силликловчи шкуракасини алмаштириш учун, вални олиб, унинг эски силликловчи шкуркасини ечиб янгиси билан қопланади.

Иш жойи кенг булган машина валнинг силликловчи шкурка билан коплаш кийин. Бу холда шкуркани барабанга тортиш, резбали втулкаларда урнатилган тортувчи дисклар ёрдамида амлга оширилди. Силликловчи шкуркалар машинанинг орка томонидан туриб куйидагicha алмаштирилади. Тортувчи дисклар барабан торсига маҳкам кистирилади. Барабан размерига мос килиб кесилган силликловчи шкурка унг томони билан тортувчи дискнингустига куйиб, унинг устидан штифларга пружинали халка ёткизилади. Винтни айлантириш билан шкурка пружинали халкага кистирилади. Ричагнинг холати гайка билан урнатилади. Барабанни айлантириш билан шкурка барабан юзасига тортилади. Бунда шкурка

барабанга бир текисда тортилиши ва унинг четлари барабан юзасидаги винтли жуякларда булиши керак. Шкукани тортаётган пайтда унинг четлари бир-бирини 15ммгача ёпишиб керак. Шундай тортиб унгдан чапгача борилади ва чап томонга худди унг томондагидай килиб кистирилади.

Силликовчи машиналар 2хил тури булади: утвучи ва утмас. Бу машиналарнинг бир неча хил маркалари мавжуд. Булар: ШММК-2, МИ-1500К, 07542/p2, 07483/p3, SPO1, SRP1, SRP4, “Турнет” каби маркали машиналар. Купинча утвучи силликовчи машиналарда конвейерлари булиб, бу конвейер ярим тайёр маҳсулотни кейинги технологик жараёнга юборади. Силликовчи шкурка кия ва вертикал жойланиши мумкин. Тери машинага берилганда у резанали узатувчи ва пулат кисувчи харакатлатиравчи валлар орасига келади. Узатувчи вал терини силликовчи шкуркага кисади. Етакчи ва етакланувчи валлар силликовчи шкурка билан копланган. Силликовчи шкурка етакчи вал устидан сирпаниб тушмаслиги учун етакчи вал резина билан копланган. Етакчи вал силликовчи вал хамдир.

Терига ишлов бериш жараёнида тери пастга конвейерга тушади. Бу конвейер терини кейинги жараёнга узатади. Терилар юза кисмидан ёки баҳтарма кисмидан силликланса, мўйналар факат баҳтарма томонидан силликланди. Чарм корхоналарида ишлатиладиган машиналар мўйна учун ишлатиб булмайди. Шунинг учун мўйна корхоналарида узлари ясаган машинадан фойдаланадиоар. Чет мамлакатларда, Италия, Испания, Германияда утказувчи силликовчи машина ишлаб чиқарилади. Бу машиналарнинг асосий деталлар: силликовчи мато билан уралган барабан, таянч транспортловчи вал, ишлатилган муйнани ишчига ёки кейинги жараёнга юбориш учун реверсловчи конвейер, муйнани ва вални тозалаш учун щеткалар, ушловчи ролик ва стол. Таянч транспортловчи вал юзаси говакли резина билан копланган. Валнинг бундай холати муйнанинг хар хил калинликдаги жойларни бир хилда силликлашга имкон беради. Силликовчи машиналарда чанг ютувчи курилмалар ҳам бўлади. Силликовчи машиналарга «Вита» маркали, NVA, ТСЕ-120, “Фульминоза” -779маркали машиналар киради.

Мўйна ишлаб чиқариш корхоналарида териларни юмшатиш учун уриб юмшатувчи машиналар ишлатилади. Уриб юмшатувчи машиналарда ишлов берилган терилар тукималари сусаяди ва муйнанинг чарм кисми юмшок ва эластик булади. Хар кайси тур терилар учун маҳсус юмшатувчи машиналар мавжуд.

Суслик, каламуш, юрмонкозик терилари РМ-250 машинасида, мерлушка, эчки, куен, каракул терилари МРК ва РМ-2 машиналарида, мўйнали ва пустинли куй терилари МРП, ПРМ-4, ТММ-2 машиналарида ишлов берилади.

РМ-2 машинасида айлана шаклли пичоклар айланаётган барабанда урнатилган. Тери таянч эластик лентага ёткизилади ва айланаётган барабан ёрдамида ишлов берилади. Барабаннинг терига таъсирини педал ёрдамида

бошқарилади. Педал босилгандан кейин таянч эластик лентанинг тортилиши кучаяди ва тери барабанга маҳкаморок кисилади.

РМ-2 машинанинг асосий банд ва механизмлари куйидагилар: асос ва қопқоқ орасидаги банд, пичокли вал ва подшипниклар орасида банд, терини ишчи валга кисувчи механизм ва электромагнитли тормоз.

Машинанинг асоси узаро 7 та бод билан боғланган 2 та чуян таянчдан иборат. Таянчнинг хар бир кисми болт билан боғланган. Таянчнинг орка кисмида пичокли валнинг подшипник корпуслари урнатилган. Олд кисмида эса ёғоч стол бор. Таянчнинг орка кисмида қопқоқнинг чуян деворлари ҳам бириктирилган. Хаво сурувчи вентиляциянинг хаво утказувчи жойга трубача урнатилган. Хаво сурувчи вентиляция оркали таридан чикадиагн чанг ва кириндилар суриласди. Қопқоқнинг олд кисмида ишчи кулини пичокли валдан химояловчи мослама (козирёк) мавжуд. Пичокли вал пулат валга урнатилган чуян барабан булиб, шарикли подшипниклар ёрдамида машина асосига бириктирилган. Барабан диаметри 282мм, кенглиги 106ммга тенг. Барабан сиртида чукурлиги 50мм булган 10 та пазалар булиб, уларга чуян пластинкалар пичоклар пичок ушловчи ва винтлар оркали бириктирилди. Пичок ушловчи курилманинг узунлиги 106мм, кенглиги 60мм. Пичок ушловчининг пастки кисмида кундаланг буртиб чиккан кисми мавжуд булиб, у винт сусайгандан кейин пичок ушловчи курилмани тушиб кетишдан саклади.

Пичоклар пулат листлардан килинган булиб, калинлиги 3-4ммга тенг. Пичокларнинг ишчи томони ярим айлана шаклида булиб, радиуси 105ммга тенг. Барабаннинг икки четига фланцлар бириктирилган булиб, улар пичок ушловчи курилмани чикиб кетишдан саклади, ҳамда барабаннинг чикиб турган кисмларини ёпади, бу билан терини барабанга уралиб колишини олдини олади. Кисувчи механизм терини пичокли барабанга кисади. Механизм тяянч полотнодан ва педали ричагли курилмадан иборат. Педал ёрдамида полотно пичокли Валга кисилади. Барабан остида столда кундаланг тиркиш булиб, унинг кенглиги 130мм.

Бу тиркишда ип газламали ёки резинали ремен булиб, кенглиги 120мм га тенг. Ременнинг олдинги кисми столга, кейинги кисми эса чангакга бириктирилган. Чагак гайка билан бириктрилган булиб, шу гайка оркали ремен тортилади.

Электромагнитли тормоз пичокли валнитеизда саклаш учун хизмат килади. Тормоз пичокливалнинг очиладиган қопқоқ ва охирги учиргич билан бириктирилган магнитлиёкувчи билан блокировка килинган. Пичокли валнинг копкоги очилганда охирги учиргич электродвигател харакатини тухтатади ва шу вактнинг узида электромагнит, тормозловчи лента ёрдамида пичокли вал шкивини тормозлайди.

РМ-2 машинанинг техник тавсифи

Унумдорлиги

Коракул ва мерлушка400-450

Куй терилари	120-150
Пичокли вал	
Диаметри.....	282мм
Кенглиги.....	106мм
Пичоклар сони.....	10та
Электродвигател куввати.....	1,0-1,7кВт
Улчами.....	950x1200x1100мм
Вазни.....	290кг

Такрорлаш учун саволлар

1. Чарм ва мўйна корхоналарида қандай замонавий аппарат ва машиналар ишлатилади?
2. Технологик вазифасига қараб замонавий аппарат ва машиналар қандай гуруҳларга бўлинади.
3. Суюқлик ва эритмаларга ишлов берувчи жихозлар неча гуруҳларга бўлинади?
4. Механик ишлов берувчи машиналар неча гуруҳларга бўлинади?
5. Машиналар валлари неча хилга бўлинади?
6. Терини бирламчи ишлов бериш қандай жараёнлардан иборат?
7. Ювиш, тайёрлаш ва консервалаш жараёнларини таърифлаб беринг.
8. Консервалашнинг неча хил усуллари бор?
9. Консервалаш нима сабабдан бажарилади?
10. Териларга бирламчи ишлов бериш линиялар ишлаш принципини айтинг.
11. Қайси жараёндан сўнг қиришилаш жараёни ўтказилади?
12. Қиришловчи машиналарда қандай валлар мавжуд.
13. Қиришилаш жараёнида ярим тайё маҳсулотнинг намлиги қанча бўлиш керак?
14. МСГ-600К машинасининг ишлаш принципи ҳақида гапиринг.
15. 1.Силликлаш жараёнининг максади нима?
16. 2.Чармни силликловчи машинасининг тузилиши қандай?
17. 3.Муйнани силликловчи машинанинг тузилиши ҳакида гапиринг.
18. 4.Чарм ва муйнани силликловчи машинанинг орасида қандай фарк ва ухшашликлар мавжуд?
19. 5.Уриб-юмшатиш жараёнининг максади ҳакида маълумот Беринг.
20. 6. РМ-2 машинасининг тузилиши

**МЎЙНА ВА ТЕРИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ
ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВА ИННОВАЦИОН ЖИҲОЗЛAR. ЧАРМ
МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ЗАМОНАВИЙ
ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

РЕЖА:

1. Мўйна терини дастлабки ишлов бериш замонавий техникалари.
2. Мўйна ярим маҳсулотлари жараёнларини хўллаш, мездralаш ва ошлашнинг замонавий ускуналари.
3. Мўйна ярим маҳсулотларини бўяш-пардозлашнинг замонавий техникалари.
4. Мўйна маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги инновацион жиҳозлар.
5. Териларни тайёрлаш ва дастлабки ишлов бериш замонавий “хавфсиз” технологиялари.
6. Турли ассортиментдаги чарм ишлаб чиқаришдаги замонавий хўллаш-ивитишнинг “яшил” жараёнлари.
7. Тери тўқималарини ошлаш ва тўлдиришнинг замонавий “экологик тоза” технологиялари.
8. Чарм маҳсулотларини пардозлашнинг ресурстежамкор компакт технологиялари.

Мўйна терини дастлабки ишлов бериш замонавий техникалари.

Терига сув билан бирга унинг таркибидаги минерал ва органик моддалар ҳам таъсир қўрсатади. Терининг суюқликни шилиш хусусиятини назарга олган ҳолда, шу жараённинг тескарисидан фойдаланилади. Мисол терилардан керак бўлмаган, ортиқча тузларни ювишда ишлатилади. Шу принципга кўра ошлаш процесси боради. Бунда таниidlар ва хром тузлари эритма кўринишида тери дермасига киради ва коллагенлар билан боғланади.

Суюқликда борадиган жараёнларда териларга партия билан ишлов берилади.

Суюқлик жараёнлари чан, баркас, осма барабанлар, ўтувчи секцияли шнек аппаратлари ишлатилади.


Баркаслар ҳозирги вақтда кам ишлатиладиган аппаратурга ҳисобланади. Улар ҳам чангта ўхшаб, қзўғалмас жиҳозлар турига киради.

Баркаслар суюқлигининг айланиш хусусиятига кўра 2 гурухга бўлинади.

Баркаслар вертикал цикуляцияли ва горизонтал циркуляцияли бўлади. Горизонтал циркуляцияли баркаслар тери ишлаб чиқариш учун ишлатилмайди, улар фақат чиқиндилар мездра ва жунга бирламчи ишлов беришда ишлатилади.

Баркаслар асосан ёғоч темир бетон ва пўлатдан қилинади. Айрим жойларда баркаслар ичига кислотага чидамли плитка билан қопланади. Металли баркасда никеллаш жараёни ўтказилади. Бундай баркаслар ичи резина билан қопланади. Баркаслар юпқароқ тахталардан бажаради. Баркас 2 томони ёғочларингинг қалинлиги 50-60 мм, атрофи ёғочлари қалинлиги 75-80мм га teng. Суюқликнинг яхши циркуляция бўлимши учун баркас туби ярим айлана шаклида ясалади, баркаснинг бундай ясалиши, уни темир обручлар (ҳалқалар) билан боғлаш ҳам асон бўлади. Баркаснинг икки томонини металл ҳалқалар билан тўлиқ ўраб олинади. Қолган ҳалқалар эсча фақат ён томонларини ўраб олади.

Металл кронштейларга, аралаштиргичнинг вали ўрнатилади. Аралаштиргичда бир нечта (одатда олтита) баркаслар бўлади. Парраклар кенглиги 220-300мм, қалинлиги вал яқинига 60мм, усти 50мм. Баркасдан сув сачрамаслиги учун, унинг устига кожух (қопқоқ) мавжуд. Бу қопқоқ баркасдан зарарли газ ва парларни цехга ёйилишидан сақлайди. Қопқоқнинг юқори қисмида дераза (люк) бор бўлиб, унга тортувчи винтеляция трубаси уланган. Хом ашё солинадиган жойда қопқоқ очиладиган жой бор.



Расм 1. Баркас.

1-чўянли оғзи; 2-эшикни очувчи механизм; 3-эшикни очувчи ричаг; 4-баркас; 5-суюқлик тўкиладиган маҳсус чуқурлик; 6-контейнер; 7-терилар; 8-настил; 9-чангак; 10-ўқ; 11-тишли сектор; 12-червякли узатгич; 13-айлантирувчи ричаг;

Баркаслар техник характеристикиаси.

1. Сигими.....	5м ³
2. Аралаштиргич диаметри.....	1.3 м ³
3. Парраклар размери:	
Узунлиги.....	2.32м
Кенглиги.....	0.22м

Баркаснинг ички ўлчами:

Узунлиги.....	2.5м
Кенглиги.....	2.0м
Баландлиги.....	1.6м
5. Аралаштиргич двигателининг қуввати	2.7 кВт

Баркаснинг таги ярим айлана бўлгалиги сабабли, улар кўндаланг ётқизилган (ўрнатилган) балкаларга ўрнаштирилади. Баркасдан сувни оқизиб юбориш осон бўлиши учун балкалар 0.122 радиус қиялиқда жойлаштирилади.

Баркаса парраклар валини жойлаштирилаётган вақтда, унинг айланиш частотаси, суюқликка кириш чуқурлиги, ҳамда суюқлик ва унга солинадиган хом ашё нисбати (с.к.) назарда тутилади. Парракларнинг узунлиги тўғри олинмаса, унда хом ашё ёки ярим тайёр маҳсулот, суюқликнинг ҳаракатига қарамай, баркаснинг тагига бориб қолиши мумкин. Натижада сифатли ишлов берилмайди.

Тажрибада қуйидаги нисбатли қўлланилади: суюқликнинг хом ашёга ниасбати 1:4, аралаштиргич диаметри (-0.9) корпус чуқурлиги 0.9 га teng, аралаштиргич суюқликка $\frac{1}{4}$ қисмигача бўлиши керак.

Золлаш жараёнида аралаштиргичнинг айланиш частотаси $0.7\text{-}1 \text{ c}^{-1}$ қолган жараёнларда $1.1\text{-}1.4 \text{ c}^{-1}$, айланиш йўналиши юқоридан пастга.

Баркаслар биттадан ёки гурухлаб (2та ва 3 тадан) жойлаштирилади. Уларда умумий узатгич ва аралаштиргичлар учун вал бўлади. Бунда аралаштиргичлар алоҳида ёқиладиган ва ўчириладиган механизмлар билан таъминланган.

Баркасларда қопқоқ бўлганлиги сабабли уларга хом ашё ёки тайёр маҳсулот қўлда солинади. Лекин хом ашёни олиш эса, баркаснинг ён томонидаги люк орқали амалга оширилади. Бу люк атрофи чўян рейкалар билан ўралган бўлади, люк нинг пўлат қопқоғида очиб- ёпувчи механизмлар ўрнатилган. Люк қопқоғини қўлда ричаг ёрдамида очиб- ёпилади. Люк очилганда н кейин ўрнатилган. Люк қопқоғини қўлда ричаг ёрдамида очиб- ёпилади. Люк очилгандан кейин ярим тайёр маҳсулот сув билан бирга контейнерга келиб тушади. Контейнер кран ёрдамида юқорига кўтарилади ва кейинги жараёнга юборилади.

“Коретан” замонавий аппарати.

“Коретан” аппарати хром ошланган чармларни бўяш, мойлаш ва ошга тўйинтириш жараёнлари учун қўлланилади. Аппарат ишчи эритмалар солинадиган ваннадан иборат. Ванна ичида перфорирланган барабан

харакатларнади. Барабан учта секцияга бўлинган бўлиб, хар бири алоҳда тўлдирилади. Перфорирланган барабан 1 минутда 4 марта тебранади. Ишчи эритмалар автоматик ўлчагичлар оркали юборилади.

“Коретан” аппаратининг техник тавсифи.

Барабан диаметри,мм.....	1500
Узунлиги,мм.....	1200
Электродвигатель куввати,кВт.....	9
Ўлчамлари, мм.....	2600x1975x2240

Мўйна яrim маҳсулотлари жараёнларини мездралаш ва ошлашнинг замонавий ускуналари.

Чарм ва мўйна ишлаб чиқариш корхоналарида терини мездралаш учун пичноқли валлари мавжуд мездровчи машиналар ишлатилади. Бу валлардаги пичноқлар спирали чап ва ўнг томонга йўналган бўлади.

Ишлов бериладиган терилар характеристикасига қараб мездровчи машиналар 4 типга бўлинади: 1- кичик терини мездровчи, 2- ўртача терини мездровчи, 3 катта териларни мездровчи, 4 тери хом ашё заводларида катта териларни мездровчи машинлар.

Бу машиналар орасида принципиал фарқ йўқ, фақат булар харакатловчи органлари, таянч кенглиги билан фарқ қиласи.

Кичик териларни мездралаш учун машина қўйидагича тузилган (5р)

Пичноқли ва ҳаракатлантирувчи валлар қўзғалмас бир хил жойлашган, резинали вал эса ёкиш механизми ёрдамида ўз ҳолатини ўзгартиради. Бу вал пичноқли ва ҳаракатлантирувчи валларга яқинлашиб, терига ишлов берилгандан кейин яна ўз ҳолатига кайтади


Ўртача терилар кичик терилардан катта бўлганлиги сабабли ўртача териларни мездровчи машиналарда ҳаракатлантирувчи валлар 3 та бўлади: 2 та тишли вал ва узатувчи резинали вал.

Катта териларнинг қалинлиги ҳар жойида ҳар хил бўлади шунинг учун уларни кичик ва ўртача териларни (тозаловчи) мездровчи машиналарда мездралаб бўлмайди. Бу машиналарнинг резинали валлари етарлича эластик эмас, бунда катта териларнинг қалин қисми кераклигидан кўп мездраланади, юпқа чойлари мездраланмасдан қолади. Бундай терилар юзаси эластик бўлган қурилмада мездраланади. Эластик қурилма сифатида маҳсус кареткада жойлаштирилган пневматик вал ишлатилади. Кареткага жойлаштирилган пневматик вал резинали вал билан бирга пичноқли вал томон ҳаракатланади. Тери ҳаракатланувчи валлар орасига қисилгандан кейин пичноқли валга берилади.

Катта терилар хом ашёсини мездровчи машиналарда 2 та пичноқли вал мавжуд, бири мездра олиш учун, иккинчиси навал ҳайдаш учун мўлжалланган.

Пичноқли валларни тезлаб туриш учун тезловчи қурилма мавжуд. Ҳозирги даврда гидравлик приводлари бор бўлган машиналар ишлатилмоқда. Мездралаш машиналарида гидравликдан фойдаланиши, машинанинг

ишлатилиши осон бўлади, терини ишлов бериш сифати яхшиланади, машинанинг ишлаб чиқариш унумдорлигини 15-30% га оширади, машина ишлаш ҳавфсизлигини оширади.



Расм 2.Ўтмайдиган мездраловчи машиналарнинг ишчи механизмларнинг жойланиш схемаси.

А-кичик хом ашёни мездраловчи машина. б-ўртача хом ашёни мездраловчи машина. в-пневма таянчи. г-2та пневматик таянчли. Д-катта хом ашёни мездралаш ва навални ҳайдовчи машина.

1-Пичоқли вал, 2-транспортловчи вал ,3-резинали вал, 4-тери, 5-транспортловчи вал, 6- пневматик вал, 7-каретка, 8-амортизатор, 9- пичноқли вал, 10-шлифловчи бруслар.

Электрогидроприводли машиналарнинг афзаллиги шундаки гидравлик системалари машинанинг ички бўшлиқ қисмида жойлашади ва ишлаб чиқариш цехларида камроқ жойни эгаллайди. Мисол, “Луиджи Рицези” (Италия) машинасида, таянч ва 2 таянчни бириттирувчи траверси орасида ёғ баки, филтр, ёғ сатхини кўрсатувчи шкала, ёғ солувчи ва ёғни тўкиб олиш люклар жойлашган.

Орёл илмий тадқиқот-институти томонидан ишлаб чиқсан, кичик териларни мездралаш учун ишлатиладиган ММП-1800К.

ММП-1800К машинаси кичик териларни мездралаш учун мўлжалланган бўлиб, қуйидаги деталлардан тузилган: асос, 2 та пичноқли

мездраловчи валлар, ҳаракатланувчи резинали валлар блокидан, (ғадир-будир) тишли ҳаракатланувчи ва ёювчи валлар, мездраловчи валнинг пичоқларини тузлаш учун тезловчи аппарат, конвейер, гидро ва электроўтказгичлар.

Машина асоси умумий рамага пайвандланган 2 та таянчдан иборат. Таянчнинг мустаҳкамлигини ошириш учун улар ўзаро тезловчи аппарат траверси билан боғланган. Таянчлар орасида мездрани олиш учун лотоклар жойлаштирилган. Таянчларнинг ўнг ва чап томонида рамага пайвандлаган тумбалар мавжуд. Чап тумбада ҳаракатланувчи вал ва конвейренинг тезликлар коропкаси (қуттиси) жойлашган. Ўнг томондаги тумбада пичоқли вал электродвигатели жойлашган ва унинг юқорисида бошқариш пулти ўрнатилган. Ўнг томондаги тумба орқасида гидроприводнинг насос станцияси мавжуд.

Мездраловчи юқори ва пастки валлар ўзаро устма-уст вертикал жойлашган бўлиб, ишчи томонидан тезловчи аппарат траверси билан тадикланган. Юқори пичоқли вал қаттиқ муфта ва мехавик орқали электродвигателга боғланган.

Пастки пичоқли валнинг ўнг цапфасида клинорелин ўтказувчи шкив билан бириктирилган маҳовик электродвигател билан боғланган.

Валнинг чап қисми муфта ёрдамида тишли ҳаракатланувчи вал ва конвейернинг асосий валларнинг тезлик қутиси приводлари билан боғланган. Резинали ҳаракатланувчи валлар пастки ва юқори резинали валлардан иборат. Резинали ҳаракатланувчи валлар пастки ва юқори резинали валлардан иборат. Резинади валларни пичоқли мездраловчи валга яқинлашиш ва узоқлаштириш учун, ҳар бир валга ҳаракатлантирувчи механизм ўрнатилган.

Ҳаракатлантирувчи механизм корпус ва унда жойлаштирилган гидроцилиндрдан иборат. Гидроцилиндрнинг трубкаси 2 томонлама тишли рейка билан бириктирилган, тишли рейканинг 2 томонида, пастда ва юқорида, тишли фалтаклардан олади.

Пичоқли ва резинали ҳаракатланувчи валлар орасидаги зазор иш жойидан туриб маҳовиклар билан регулировка қиласи. Резинали ҳаракатланувчи валлар ўз ҳаракатини, шу валларнинг ўнг томонида жойлашган тишли фалтаклардан олади.

Тишли ҳаракатлантирувчи вал ва ёювчи валлар терини ҳаракатлантириш ва ёйиш учун мўлжалланган.

Ёювчи вал 8 та чап ва ўнг винтли жойлашган пичоқлардан иборат.

Конвейер (ишлатилган) тозаланган териларни машинадан олиб чиқади. Конвейер пластик лента ва унда энига ўрнаштирилган планкалардан иборат.

Электрожиҳоз 4 та электродвигатели ишга киритади: 2 та мездраловчи пичоқли вал, ёйиш вал, тезловчи аппарат, насос шаҳобчаси.

Машина қўйидагича ишлайди: машина ёқилгандан кейин ишчи терини бўйин қисми билан ёйиб машинага юборади ва педални босади. Тери тишли ҳаракатлантирувчи валдан ёювчи валга юборилади ва ҳар қандай бурмалар

тахланади. Педал босилгандан кейин резинали ҳаракатланувчи вал терини пичоқли мездраловчи валга қистиради шу билан бирга тишли транспортловчи валга ҳам қистирилади ва шунда мездралаш содир бўлади. Тери пастга, ҳаракатланувчи конвейерга бориб тушади.

Терининг дум қисми машинадан ўтгандан кейин, фотоэлементлар вақт-релеси орқали қисувчи валларга ўз жойига қайтишга буйруқ беради.

Машина кейинги терини қабул қилишга тайёр бўлади.

07186/P2 машинаси.

07186/P2 машинаси ўрта ўлчамли хом ашёларни ва гўлакни мездралаш учун қўлланилади.

07186/P2 машинасининг техник тавсифи.


Иш	жойининг
кенглиги,мм.....	1800
Унумдорлиги, тер/с.....	180
Электропривод қуввати,кВт.....	16
Ишчи сони.....	1
Ўлчамлари,мм.....	3450 x1650x1550
Вазни,кг.....	3180

Мўйна яrim маҳсулотларини бўяш-пардозлашнинг замонавий техникалари.

Яrim тайёр маҳсулотдан суюқликни сиқиши учун гидравлик пресс П-902, ўтмас валли сиқувчи машиналар МОВ-К, 07316, PRC, ўтказувчи валли сиқувчи машиналар ВОПМ-1800-К, PRC 07599/P1 ва ҳоказо машиналар ишлатилади. Ўтказувчи сиқувчи ВОПМ-1800-К машинаси қуйидаги деталлар иборат: сиқувчи валлар, канопли сиқувчи ленталар, монометр, гидроцилиндр, ричаг, шестерналар, тутиб турувчи валлар, йўналувчи роликлар, редуктор, электродвигател, занжирли узатгич, ёғли акумулятор. ВОПМ -1800-К машинаси яrim тери ва катта терилардан суюқлик сиқиши учун мўлжалланган. Машинада ишлашда тери тутиб турувчи валда ётқизилади ва канопли лента ёрдамида сиқувчи валда юборилади. Сиқиб чиқарилган суюқликнинг ярми канопли лентага шимилади, ярми эса, поддонга тўкилади. Ишланган тери машинанинг орқа қисмидан конвейер орқали чиқарилиб юборилади.

ВОПМ машинасининг техник тавсифи.

Иш жойининг кенглиги.....	1800 мм
Ишлаб чиқариш қуввати (яrim тери).....	170-250дона
Электрордвигател қуввати.....	7.5 кВт
Ўлчами.....	3175 x2450x2020
Вазни.....	3410кг



Расм 3. Ўтувчи сиқувчи машиналарнинг схемаси.

а-Кунцевск чарм заводида ишлатиладиган сиқувчи машина. б- ВОМП-1800К машинаси.

1-Юқори сиқувчи вал, 2-канопли прокладка, 3-пастки сиқувчи вал, 4-канопли тасма, 5-ёювчи пичоқли вал, 6-сиқувчи вал, 7- гидравлик цилиндр, 8-ричаг (коромыслы) 9-пневматилиндр штоклари, 10-пайпастлагич(щуп), 11-поддон. 1,3-юқори ва пастки сиқувчи вал, 4,12-матоли конвейер тасмаси, 11-поддон, 13-таянч валли.

Мўйна маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги инновацион жиҳозлар

Жунни таровчи, кесувчи ва уриб тозаловчи машиналари терининг жун кисмига пардоз бериш учун фойдаланилади.

Хамма мўйналарга ишлов бериш жараённида, уларнинг жун кисми албатта тараш жараёнини утади. Хар хил мўйналарнинг жун кисмига караб таровчи машиналар хам хар хил булади. Хаар қандай мўйнани таровчи машиналар мавжуд, куй терилари, куён, тулки, писең терилари учун таровчи машиналар ишлаб чиқарилган.

Мўйнали ва пустин куй териларини ишлов бериш учун ЧМ-4-120М маркали таровчи машиналар мавжуд. Машинада ишлаётган пайтда, машина 3500м/с кувватга эга булган хаво ютувчи аспирацион тармокка уланилиши

керак. Машинанинг асосий кисмлари куйидагилар: асоси, таровчи барабан, узатувчи ва ушловчи курилмалар, таровчи барабанни тозаловчи курилма.

Машинанинг асоси 2 та чуюн таянчдан иборат. Унг томон таянчда шкаф булиб, бу шкаф ичида электрожихоз урнатилган. Шкафнинг юкори кисмида бошқариш пулти жойлашган. Таровчи барабан подшибникларда урнатлган булиб, уз харакатини клиниремен утказувчи оркали электрожихоз олади. Куй териларни тараш вактида барабан ишчига караб харакат килади, барабанни тозалашда карама-карши томонга харакат килади. Муйнани машинага узатиш, ушлаш выя машинадан чиқариш узатувчи курилма ёрдамида амалга оширилади. Узатувчи курилма конвейер ваузтувчи валдан иборат. Ушловчи курилма метали тор ва кияловчи валдан иборат. Металли торлар қўй терисини таровчи валга уралиб колишдан ва ишлов берилган терини кайтадан ишчига йуналтирилган.

Таровчи барабани тозаловчи 2кифтли ричагдан иборат булиб, унинг бир кифти электромагнитга, иккинчиси планка билан боғланган. Планканинг олдинги каторида 3 катор нишлар урнатилган. Нишларда пружинали пластинка урнатилган булиб, планка бурилганда нишларни соchlардан тозалайди. Ишхолатида нишлар таровчи барабаннинг игнали лентасига 8-10мм кириб туриши, тинч холатида эса ундан 10-12мм оркарокда туриши керак.

Машинада ишлаш куйидагича булади. Куй териси узатувчи курилманинг конвейери устига жун кисми билан юкорига килиб ёйилади. Конвейер муйнани кисувчи

валга якинлаштиради, ундан эса узатувчи валларга юборади. Узатувчи валлардан чиккан мўйна, ушловчи курилманинг торларига келади ва ундан кейин ишлов бериш зонисига келиб, таровчи вал ёрдамида тарапади. Ишлов берилган мўйна торлар оркали ишчига кеалди.

ЧМ4-120M таровчи машинанинг тавсифи.

Унумлорлиги.....	157та/с
Иш жойи кенглиги.....	1200мм
Тараш чукурлиги.....	0-35мм
Конвейер тезлиги.....	11м/мин
Игнали лента №.....	4
Куввати.....	4,75кВт
Таровчи барабан тури.....	4AM100L4Y3
Куввати.....	4кВт
Айланиш частотаси.....	25
Катталиги.....	1860x1420x 1000мм
Вазни.....	720кг
Ишчи сони.....	1 киши

Мўйналарни кесидан максад жунни бир текисда булиши ва унга пардоз беришдан иборат.

Кесувчи машиналарнинг асосий ишчи органлари: спирал шаклида жойлашган пичокли вал, кузгалмас стационар пичок ва конвейер. Машинанинг ишлаш жараёнида спирали вастационар пичоклар худи кайчига ухшаб харакатланади.

Спирали пичокларнинг ишчи юзасида (насечка) жуякча булиб, усоchlарни пичок юзасидан сирпанишга йул қўймайди. Куй териilarни кесиш учун СМ-1200М ва КСМЗ-120 машиналари ишлатилади.

СМ-1200М машинаси КСМЗ-120 машинаси базаси асосида яратилган юулиб, ундан фарки шундаки пичокли вал ва конвейер алоҳида узатувчилар билан жихозланган. Машинанинг пичокли валлрида бирламчи кесиш учун 10та пичок ва охирги кесиш учун 16та пичок булади.

СМ-1200М машинаси куйидаги деталлардан иборат: пичокли вал приводи, пичокливал, стационар пичок, узатувчи конвейер, сочни кесиш баландлигини назорат килувчи механизм, вакуум кутиси, вакуум кутиси вентилятори, конвейер пиводи, пастки (чикарувчи) конвейер.


СМ-1200 машинасининг техник тавсифи.

Унумдорлиги.....	500та/с
Иш жойининг кенглиги.....	1200мм
Узатувчи конвейер тезлиги.....	14-11,5м/мин
Чикарувчи конвейер тезлиги.....	17,5м/мин
Привод электродвигателнинг куввати.....	2,2кВт
Конвейер электродвигателининг куввати.....	25кВт

Пневматик уриб-тозаловчи машина тузилишининг оддий, шунинг учун бундай машиналар мўйна фабрикасининг механик устахонасида тахланса ҳам бўлади. Бу машина катта ва уртacha катталиктаги териilarга ишлов беришга мулжалланган.

Пневматик уриб тозаловчи асосий булиб, ундан марказдан кочувчи вентилятор урнатилган. Бу вентилятор ремен узатувчи оркали электродвигателдан хараактни олади. Асосийнинг юкори кисмида конус шаклини кути булиб, у тугри бурчакли труба оркали вентилятор билан боғланган. Куттининг олдинги кисмида люк жойлашган. Люк оркали ишчи ишлов берилётган терини солади. Люкнинг катталиги қопқоқ оркали назорат килинади. Вентилятор ёкилганда каробканинг люкдаги зарядланган хаво хосил булади. Люк олдига олиб келинаган тери хаво ёрдамида тортиалди, аммо ишчи уни куйиб юбормайди. Хаво окими натижасида тери харакатга келади. Кокиши натижасида теридан чанг чикади ва вентилятор ёрдамида чанг туплаш жойига келиб тушади. Ишлов берилаётган терининг улчамларига караб машинанинг иш жойининг кенглиги 500-1000ммгача булиши керак. Вентилятор приводининг электродвигатели куввати 1,7-2,8кВт га teng.

Уриб-юмшатувчи машинанинг бир неча хил турлари бор. Булар: Францияда ишлаб чиқарилган «Ревита-Фрюс», икки валикли Уриб-юмшатувчи КМ2-500 машинаси ва бошкалар.




Расм 4. “Ревита-Фрюс” машинаси

«Ревита-Фрюс» машинасида хамма турдаги муйнаданчангини кокиш учун мулжалланган. Бундан ташкари бу машинада муйнадан килинган тайёр маҳсулотлардан чангни кокиш учун фойдаланилади.

«Ревита-Фрюс» машинасининг ишлаш принципи ёпиқ системасида доимий фильтрланувчи кучли ҳаво оқимиининг харакатидан иборат. Бу ҳаво оқими терини машина деворларига уриб кокиши амлга оширади. Шу билан бирга терига кучли ва тез ҳаво оқими таъсири натижасида чарм қимининг юмшатиш жараёни боради. Терининг жун қисми ҳам ҳаво оқими натижасида таралади, кўтарилилади ва ҳар қандай чангдан тозаланади. Терини машинадан олишдан олдин парадихлорбензол буғлари билан ишлов берилади. Бунинг сабаби парадихлорбензол терини қуя уришдан сақлайди.

Уриб юмшатувчи машина ёпиқ камерадан иборат бўлиб ичида катталиги 160x 800мм бўлган иш столи жойлаштирилган.

Машинанинг олд қисмida териларни киритиш учун люк мавжуд. Ишчи столининг охирида ҳаво ўтувчи очик жойи бор. Ҳаво оқими марказдан қочувчи вентилятор ёрдамида ҳосил қилинади. Чангланган ҳавони тозалаш учун машинадан икки қаватли фильтр ўрнатилган. Фильтрда чанг ва соchlар сақланади. Тозалangan ҳаво сопло орқали яна камерага келади.



Расм 5. “Ревита-Фрюс” машинасининг ишлаш схемаси.

1-асос, 2-стол, 3-люк, 4-ҳаво ўтувчи тиркиш, 5-вентилятор, 6-фильтр, 7-тозаланган ҳаво ўтувчи жой.

“Ревита-Форс” машинасининг техник характеристикаси

Иш жойининг кенглиги -----	800 мм
Электродвигатель қуввати -----	2 кВт
Ишлаб чиқариш унумдорлиги -----	25-30
Катталиги -----	800 x1600 x 1000
Вазни-----	- 170 кг

Териларни тайёрлаш ва дастлабки ишлов бериш замонавий “хавфсиз” технологиялари

Ҳайвонларнинг терисини сиртига микроорганизмлар сувдан, ҳаводан, тупроқдан, гўнгдан, териларнинг ҳар хил предметларга, инвентарларга, омборхона деворларига тегиб туришидан ўтади. Янги шилинган 1 см² тери сиртида ўртacha 200-300 млн микроблар бўлади.

Янги шилинган териларда учрайдиган микрорганизмлардан, ўзига хос характерли гурухларни ажратиш мумкин.

Протеус гуруҳи - кучли протеолитик қобилияйтга эга бўлган спорасиз ҳаракатчан таёқчалар. Ушбу гуруҳ микроблари оқсилларни охирги босқичтacha парчалайди.

Коли гуруҳи- ичак микрофлорасининг вакили бўлиб, терига гўнгдан тушади. Бу гуруҳ микроблари ҳаракатчан ва ҳаракатсиз қисқа грамосалбий таёқчалардан ташкил топган бўлиб, пептонларни аминокислоталаргача парчалаб, индолаларнинг ҳосил бўлишига олиб келади.

Спора ҳосил қилувчилар гуруҳи - споралар ҳосил қилувчи ҳаракатчан таёқчалардан ташкил топган бўлиб, юқори чидамлилиги билан ажралиб туради.

Ушбу гуруҳ протеолитик хоссаларга эга бўлиб, оқсилларни охирги босқичгача парчалайди.

Кокклар гуруҳи – одатда бошқа микробларга нисбатан камроқ миқдорда учрайди. Бу гурухга микрококклар ва сарсиналар киради. Улардан кўпчилиги турли хил пигментлар (сариқ, жигар, қизил, оқ ва бошқа) ишлаб чиқаради. Кокклар қисман парчаланган оқсилларнинг бўлинишига олиб келади.

Флюорессиrlар гуруҳи- кокклар гурухи каби, бошқа микробларга нисбатан терида кам миқдорда учрайди. Микроблар терига асосан сувдан ўтади. Улар таёқчалардан ташкил топган бўлиб, ёғларнинг парчаланишига олиб келади. Ушбу гуруҳ микроорганизмларининг кўпчилиги психрофиллар (нисбатан паст ҳароратда яшаб, ривожланадиган организмлар) ҳисобланади.

Юқорида кўрсатилган гурухларнинг микроблари аероблар (атмосферадаги кислород ҳисобига яшовчи организмлар) ҳисобланади. Бундан ташқари терида анаероб, шунингдек могорлар учрайди.

Ачитқилар гуруҳидан одатда ёввойи ачитқилар (оқ, қора ва қизил) учрайди.

Ош тузининг микрофлораси тузли эритмаларда ривожланувчи микроблардан ташкил топган. Улар ош тузига уни қазиб олишда ва ташиш вақтида тушган. Ош тузида асосан фақат кўп миқдорда ош тузи бўлган жойларда ривожланувчи микроорганизмлар-галофилларнинг (тузхўрлар) вакиллари ўрин олган. Кўпчилик галофиллар учун ош тузининг оптимал киймати 20-25 % ни ташкил этади. Галофиллар кучли протеолитик қобилиятга эга. Кўпчилик галофиллар пигмент ишлаб чиқаради.

Ош тузида учрайдиган бошқа гуруҳ 1 % дан 20 % гача ош тузи сақлаган муҳитда ўсувчи микроорганизмлардан ташкил топган.

Улар ош тузининг миқдори 0,5 % бўлганда яхшироқ ўсади. Микроорганизмларнинг бундай тури солетолерантлар деб номланади.

Ҳайвон сўйилгандан ва моддалар алмашинувчи тўхтагандан сўнг, унинг тўқималарида, жумладан тери қопламасида, структура элементлари ва тўқималардаги ҳар хил кимёвий компонентларининг парчаланиши натижасида мураккаб кимёвий жараёнлар рўй беради. Ушбу жараёнларни икки гурухга: автолиз ва чириш жараёнига синфлаш мумкин.

Автолиз - деб ҳайвон тўқималарининг ферментлар таъсири остида парчаланиш жараёнига айтилади. Ушбу ферментлар айнан шу тўқималарнинг ферменти бўлиб, уларнинг сони нисбатан кичик бўлсада, аммо улар тўқималар парчаланиши жараёнининг ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Тўқималарда жойлашган ферментлар моддалар алмашинуви жараёнларида фаол қатнашиб, тирик ҳайвонларнинг тери қопламасига маълум турдаги фойдали амалларни бажаради. Алмашинув маҳсулотлари тўқималардан доимо чиқарилиб турилади; тўқималар этарли даражада кислород билан таъминланади.

Ҳайвон сўйилгандан ва танадан тери шилиб олингандан сўнг ҳам тери тўқималарида мураккаб биокимёвий жараёнларнинг кечиши давом этади. Аммо кисларод келишининг тўхташи ва моддалар алмашинувининг тўхташи натижасида тўқималардаги ферментлар (протеазалар, карбогидразалар, эстеразалар ва бошқалар) парчаланиш реаксияларини тезлаштиради. Шунингдек тўқималардан парчаланиш маҳсулотларининг чиқарилмаслик ҳолати ҳам, юқоридаги реаксиянинг тезлашишига қўмаклашади. Органик кислоталарнинг йигилиши натижасида мұхитнинг реаксияси ўзгаради, pH кўрсатгичи пасаяди, яъни кўпгина протеазаларнинг таъсири учун оптималь ҳисобланган қийматга эришади. (катепсиннинг оптimal таъсири pH 4-5).

Автолиз фақат тўқималардаги оқсилларни парчалаш билан чекланмайди, ферментлар таъсирида углеводлар, ёғлар ва бошқа органик бирикмалар ҳам парчаланади.

Ферментларнинг таъсири натижасида бир қатор охирги маҳсулотлар ҳосил бўлиши билан борадиган тўқималарнинг чуқур парчаланиши содир бўлади. Бунда тўқималарнинг кимёвий таркиби ва структураси ўзгаради. Ферментлар таъсири остида аввало, чидамлилиги нисбатан кичик оқсиллар, яъни эпидермиснинг шиллиқ қаватини ва соч халтачаларининг хужайрали элементларини ҳосил қилувчи оқсиллар парчаланади. Бунинг оқибатида соч тери дермасидан осонгина ажralишни бошлайди ва «сочнинг тўкилувчанлиги» каби нуқсоннинг ҳосил бўлишига олиб келади.

Тери ферментларининг таъсири остида автолиз жараёнининг чуқур ривожланиши фақат асектик шароитларда, яъни микробларни ўлдириш ва уларнинг жароҳатга тушишини олдини олишга қаратилган чора тадбирлар кўрилмагандан содир бўлиши мумкин. Одатда бу жараён тез ривожланувчи микроорганизмлар билан ёнма-ён бориб, улардан анча ўзиб кетади.

Чирии - деб микроорганизмлар ажратадиган ферментлар таъсирида тўқималарнинг парчаланиш жараёнига айтилади. Кўрсатилган микроорганизмларни чиритувчи микроблар деб номлаш қабул қилинган. Оқсилларнинг чириш оқибатида парчаланиши кўпроқ аҳамиятга эга. Уларнинг парчаланишига олиб келадиган микроорганизмлар протеолитик микроорганизм деб номланади.

Бактерияларнинг кўпгина турлари ва моғорли замбуруғлар оқсилларни парчалаш қобилиятига эга.

Чириш – мураккаб жараён бўлиб, унинг натижасида тўқималарнинг алоҳида компонентлари янада оддийроқ моддаларга парчаланади. Чиришнинг бориши ва охирги маҳсулотларнинг таркиби, оқсилларнинг таркиби ва тузилишига, чириш жараёни борадиган шароитга, шунингдек чиришга олиб келувчи микроорганизмларнинг турига боғлиқ бўлади.

Одатда оқсилли субстратларда микроорганизмлар бошланишида секин ривожланади. Эҳтимол бунга сабаб, кўпгина турларнинг юқори тартибли оқсилларга таъсир этиш қобилиятига эга эмаслигидир. Бир оз вақт ўтгандан сўнг, тўқималарда автолиз жараёнининг ривожланиши ва оқсилларнинг

парчаланиши натижасида озроқ микдорда дастлабки маҳсулотларни ҳосил бўлиши билан чиритувчи микрофлоранинг шиддатли ўсиши бошланади.

Чириш жараёнида турли хил парчаланиш маҳсулотлари: органик кислоталар (чумоли, сирка, мой, пропион ва бошқалар), спиртлар (пропил, бутил, амил ва бошқ.), фенол, скатол, индол, меркаптанлар ва бошқа моддалар ҳосил бўлади.

Бошланиш даврида терилардаги чириб парчаланишнинг характерли белгиларидан бири, тўқималар сиртининг шиллиқланиши ҳисобланади. Тажрибавий текширишлар билан оқсилларнинг чирикли парчаланишини аминлар, аммиак, водород, олтингугурт ва мой кислоталар микдорининг ошиши бўйича аниқлаш мумкин.

Чирикли жараённинг ривожланиши натижасида (агар бу жараён тўхтатилмаса) дерма ва эпидермиснинг структураси бузилиб, у ёки бу нуқсонларнинг ҳосил бўлишига олиб келади.

Ҳайвон тўқималарининг бузилишини олдини олиш мақсадида, автолиз ва чириш жараёнларининг ривожланиши учун ноқулай шароит яратиш зарур. Бунга чирикли микрофлорани бартараф этиш ва ферментларни инактиватсиялаш йўли билан ёки микробларнинг ҳаёт фаолиятини кескин тўхталадиган ва ферментлар фаоллигини пасайтирадиган шароит яратиш йўли билан эришиш мумкин.

Хом-ашёни консервалаш бир неча хил усуллар: механик, биологик, кимёвий ва физик усуллари билан амалга оширилади.

Бузилишга қарши чораларда кенг қўлланиладиган механик усуллардан бири, суюқ маҳсулотлар ва хом-ашёни филтрлаш ҳисобланади. Бу услугу консерваловчи эритмаларни регенератсиялашда қўлланилади.

Биологик усулларнинг моятини фойдали ва заарли микрофлоранинг антоганизмидан фойдаланиш ташкил этади. Биологик усуллар асосан чиритувчи микрофлорага қарши кураш чораларида ва айниқса коракўл териларини ачитиш йўли билан консервалашда кенг қўлланилади.

Консервалашнинг кимёвий усуллари кенг тарқалган бўлиб, қатор моддаларнинг (тузлар, кислота, ишқор, антисептиклар ва ҳоказо) антисептик хоссаларидан фойдаланишга асосланган.

Консервалашнинг физиковий усуллари термик ишлов бериш, сувсизлантириш, нурли энергиянинг таъсири, ултратовуш, ультрабинафша нурлар ва радиоактив элементларнинг таъсирини киритиш мумкин.

Чарм ва мўйна хом-ашёсини ишлов беришда асосан консервалашнинг кимёвий ва физиковий усулларини қўллаш мумкин. Кўп ҳолларда қўшма усуллар, яъни ҳил принципларга асосланган усуллар қўлланилади.

Бу услугу нисбатан кенг тарқалган бўлиб, консервалашнинг оддий усули ҳисобланади. Сувсизлантириш асосан қуритиш йўли билан, атсетон ёки спирт таъсирида, кимёвий реагентлар билан ишлов бериш орқали амалга оширилади. Консервалаш услуги сифатида сувсизлантиришнинг самарасини ҳал қилувчи муҳим шарти, бу хом ашё таркибидаги қолдиқ намлик микдори ҳисобланади. Хом-ашё турига қараб бу микдор 2 дан 16 % гача бўлиши керак

Бактериялар ҳали ривожланиши мумкин бўлган минимал намлик 20-30 % ни ташкил этади. Могор намлик миқдори 13-15 % ва ундан юқори бўлгандан ривожланади. Бунда унинг кейинги ривожланишига нисбатан, споралардан (ноқулай шароитда сақланиб қолишни таъминловчи ҳужайра) гифларнинг (шохланган иплар) ўсиб чиқиши ва митселий (замбуруғтана) ҳосил бўлиши учун юқорирок намлик миқдори талаб этилади.

Сувсизлантириш (қуритиш) йўли билан чарм ва мўйна хом-ашёсининг кўпгина турлари (упука, бўталоқ, мўйнабоб ва пўстинбоб қўй терилари) консерваланади.

Бу услуб ҳам кенг тарқалган консервалаш услуби ҳисобланади. Бу усулни амалга ошириш учун хлоридлар, сульфатлар ва бошқа моддаларнинг эритмалари ишлатилади. Чарм ва мўйна хом-ашёсини ишлов беришда ош тузининг концентранган эритмаларидан фойдаланилади. Ушбу эритманинг консерваловчи таъсири юқори осмотик босим ҳосил қилишга қаратилади. Бунинг оқибатида микробларнинг ҳалокати ёки улар ҳаёт фаолиятининг оғирлашуви кузатилади.

Плазмолиз ҳодисаси (ҳужайрадаги сувнинг чиқиби кетиши натижасида, ҳужайра таранглигининг йўқолиши) атроф-муҳитнинг осмотик босими, микроб ҳужайрасининг босимидан кўп бўлган дакиқада содир бўлади. Кўпгина чиритувчи бактериялар танасининг осмотик босими (50:60) 0,1 мПа дан ортмайди. Ўз навбатида, концентранган ош тузи эритмасида микроорганизмлар ўз ривожини тўхтатиши керак.

Турли ассортиментдаги чарм ишлаб чиқаришдаги замонавий ҳўллашибитишнинг “яшил” жараёнлари

Механик операциялар чарм ва мўйна маҳсулотининг сифатига катта таъсир этади. Лекин унинг таъсири кимёвий жараёнлар таъсирига нисбатан камроқдир. Механик операцияларга қуйидагилар киради:

1. Тери устидаги жунни механик усулда қирқиб олиш. Масалан, эчки ва қўй териларининг жуни узун бўлса, уни қирқиб олиб кейин бу териларни чарм олиш учун ишлатилади. Сочларни қирққандан кейин, қолдиқ соchlарини чарм олиш жараёнида, яъни кул суви билан ишлов беришда бутунлай йўқотиш керак. Натижада кул суви суюклигига Na_2S (сульфит натрий) концентрацияси каттароқ бўлиши керак.

Терилардан жунларни қирқиши эса электр машинкалар орқали олиб борилади. Бу жунларни тўқимачилик саноатида сифатли хом-ашё даражасида ишлатиш мумкин.

Механик операциялардан бири, бу теридаги жунларни мустаҳкамлигини пасайтиргандан кейин, уларни жун ажратиш машинаси билан тозалашдир.

Мездрадан тозалайдиган машиналарда тери ости тўқималарини ажратиб олиш.

Тери тўқималарини ошлаш ва тўлдиришнинг замонавий “экологик тоза” технологиялари

Терилар ишлов берилган пайтда асосан механик операциялардан кейин, қўлтиқ ости терилари, қўл, бўйин, дум терилари ҳар томондан чўзилиб, кесилиб қирқимлар ҳосил қилиши мумкин. Бу ортиқча қисмлар кейинги ишлов беришни қийинлаштиради, шунинг учун ҳам кейинги ишлов беришдан олдин териларни контурларини текислаш учун кўл пичоқи билан ортиқча нарсалар кесиб ташланади. Бу жараённи тери юзасини тозалаш пайтида ҳам бажариш мумкин.

Хозирги кунда мустақил Республикаизда табиий чармларга бўлган талаб кун сайин ўсиб боришини, ҳалқимизнинг табиий чармларга бўлган эҳтиёжини қондириш ва иктисад муаммолари, яъни четдан келтириладиган маҳсулотларни ўрнига Республикаиз корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга алмаштириш муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда, Республикаизда ишлаб чиқариладиган сувда эрувчан реакционактив синтетик полимерларни ахтариб топиш ва уларни чарм саноатида қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Чарм саноати жараёнлари учун янги сувда эрувчан синтетик полимерларни қўллашнинг назарий ва амалий аҳамияти катта, бу эса ўз навбатида полимерларни хоссаларини ўрганишни ва чарм хом ашёларига ишлов беришни такомиллаштиришни тақозо этади.

Чарм саноатида булгори ва таглик чармлар ишлаб чиқаришда асосан поликонденсация йўли билан олинган синтетик ошловчилар ишлатилади. Бу синтетик полимерлар билан ишлов берилган чармлар емирилишга чидамлилиги, сув ўтказувчанлигининг пасайиши, топографик қисмлари бўйлаб бир хил хоссага эга бўлишилиги, кимёвий реагентлар ва микроорганизмлар таъсирига чидамлилиги, яхши тўлиқлиги билан ажralиб туради.

Реакционактив синтетик полимерлар моддалар билан ошлаш жараёнида уларни чармга киритишда улар нафақат коллаген билан балки, коллаген билан боғланган ошловчи моддалар билан ҳам боғланишлар ҳосил қиласди. Қўлланиладиган полимерлар ва ошловчи моддалар табиатига қараб ҳар хил мустаҳкамликка эга бўлган, кимёвий боғланишларга ҳам олиб келадиган боғланишлар ҳосил қиласди.

Чарм маҳсулотларини пардозлашнинг ресурстежамкор компакт технологиялари

Ошлашдан кейин, чарм ошловчи модда рангига эга бўлади. Мисол олайлик, хром билан ошлашда чарм кўм-кўк, оч-яшил, яшил-бинафша, яшил-кул рангларга эга бўлади. Хром билан ошланган чармнинг ранги хром комплексларининг таркибига, тузилишига боғлиқ бўлади. Ўсимлик ва синтетик ошловчилар билан ошланган чарм жигар ранг тусига эга бўлади.

Алюминий, цирконий, титан тузлари ва формальдегид билан ошланган чармлар оқ рангда бўлади.

Пойафзалнинг устки қисми учун чарм, атторлик, қўл буюмлари чармларини бўяшда, улар бир хил текисдаги рангга эга бўлади. Баъзи чарм турлари табиий рангда ишлаб чиқарилади. Яъни ошлашда қанақа рангга эга бўлса (астарли чарм, пойафзалнинг остки қисми учун ва техник чармлар) шу рангда ишлаб чиқарилади. Пойафзалнинг юқори қисми учун чармни ранглаш икки босқичда амалга оширилади:

- 1 босқич – шўнғитиб;
- 2 босқич - қоплаб бўяш.

Баъзи бир чарм турлари учун, масалан: астарли, баҳмалсимон, велюр, қўлқоп чармлари шўнғитиш усули билан бўялса, астарсиз чарм эса, факат қоплаб бўялади.

Шўнғитиб бўяш усули бўёвчи-мойловчи осма барабанларда ёки ванналарда чармнинг юза ва баҳтарма томонларини бўяшда қўлланилади. Бунда бўёқларнинг бир қисми дермага ҳар хил қалинликда диффузияланади. Велюр чармлари учун бир томондан иккинчи томонга ўтказиб бўяш талаб этилади.

Чармни бўяшда органик моддалар ишлатилади. Бўёқлар деб шундай моддаларга айтиладики, бу бўёвчи моддалар жадал бўядиган ва ўз рангини бошқа материалларга бериш қобилиятига эга бўлади.

Рангдорлик назариясининг асосий ҳолатлари.

Бизни атрофимизни ҳар хил жисмлар ўраб олган ва улар ҳар хил бўялган, шунда савол туғилади, бу ранглар нимага боғлиқ? Бу ранглар жисмнинг кимёвий молекулаларни тузилишига ва уларга тушадиган ёруғлик нурларини характерига боғлиқ экан.

Агар оқ нур, бирор бир жисмга тушиб бутунлай тарқалиб кетса, бу жисм бизнинг кўзимизга рангсиз бўлиб кўринади. Агар тушган нур жисм билан ютилса, бу ранг қора бўлиб кўринади. Агар тушган нурни бир қисми ютилиб, қолгани қайтарилса, бу ранглар бизнинг кўзимизга рангли бўлиб кўринади. Ранг кишига эстетик таъсир этиб, хис-туйғуларимизни уйғотиши ёки тинчлантириши мумкин.

Мисол учун сарик, қизил ранглар тўлқинлантирувчи ранг ҳисобланса, кўк, яшил тинчлантирадиган рангларга киради. Ҳар хил ранглар кишиларга ҳар хил таъсир этиб, хурсандчилик бағш этади.

Рангларнинг уйғунлиги материалларнинг хусусияти ва юза тузилишига боғлиқ. Рангларни оч-тўклиги уни сифатини аниқлайди. Ранг жуда тоза бўлиши ва унга тўйинган тўйинмаганлик "хира", «кучсиз», «кучли» каби ранг туси қўшиб айтилади.

Масалан, оқиши-қирмизи, кучли қирмизи, хира қизил, баланд қизил ва бошқалар.

Жуда кўп турли рангларни қўшиб бошқа бир чиройли ранглар олиш мумкин. Колористлар (рангларни уйғунлаштирувчилар) чарм заводларида рангларни қўшиш қонунларини ва керакли бўёқни олишни билиши зарур.

Ажойиб, чиройли рангларни билиш калорифернинг (бўёқ олувчининг) иши хисобланади.

Моддалар ранги нималарга боғлиқ?

Органик моддаларнинг назариясини биринчи бўлиб Витта назарияси асосида кўриб чиқилган, бунга асосан органик моддаларга рангни пайдо бўлиши улардаги хромофоралар гурухига боғлиқ.

(- N = N -), (-NO₂), (>C=O).

Бироқ, рангли бирикмалар ўз молекуласида хромофорни сақласа ҳам бўёқлар бўла олмас экан. Бўёқлар бўлиши учун молекуласида яна ауксохром бўлиши керак экан яъни, - NH₂, -OH.

Кейинроқ аниқланишича, бўёқларни хромофор гуруҳи бўлмаслиги ҳам бўлиши мумкин экан. Бунда Витта назарияси ўз кучини йўқотади. Ранглилик, моддаларни ёруғлик нурини ютиши билан боғлиқлиги аниқланган.

Бўёқлар молекуласида углероддан ташқари N, S, O жуфтли электронлар атоми мавжуд бўлиб, бошқа атомлар билан кимёвий боғланган эмас. Бу эса, бўёқлар молекуласидаги электронларни аралашибига олиб келиб, уларни тез қўзғатишга сабаб бўлади, ҳамда молекулаларнинг тез тўлқинланиш системасида иккита қўш боғланишининг бўлиши ташки электронларни тез харакатлантиради.

Шундай килиб, ранглар назарияси асосига органик бирикмалар молекулаларнинг электрон тузилиши ётади. Бу эса, асосан молекулаларнинг ҳар хил узунлиқдаги тўлқинларни ютишибига олиб келиши билан боғлиқ бўлади.

Чарм учун ишилатиладиган бўёқларга қўйиладиган талаблар.

Чармни шўнғитиши усули билан бўяшда бўёқларга қўйиладиган талаблар:

- сувда яхши эрувчан бўлиши;
- чармни юзасини тез ва текис ранглаши;
- ёруғлик ва иссиқликка чидамли бўлиши;
- хўл ва қўруқда ишқаланишга чидамли бўлиши ;
- ишлов берилаётган яриммаҳсолотга салбий таъсир этмаслиги;
- мой эмульсияси ва pH таъсири остида ўз рангини ўзгартираслиги;
- ишда қулайлиги ва хавфсизлиги;
- транспортировкаси қулай ва арzon бўлиши каби талаблар қўйилади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Баркасларда суюқликнинг харакатланишига қараб неча хил бўлади?
2. Баркаслар нимадан ясалади?
3. Уларнинг тузилиши ва ишлаш принципларини айтинг.
4. Баркасларнинг техник характеристикасини айтинг.
5. Ишлов бериладиган терилар характеристикасига қараб мездраловчи машиналар неча турга бўлинади?

6. Катта, кичик, ўрта териларни мездраловчи, машиналар орасида қандай фарқ бор?
7. ММП-1800К машинасининг тузилиши ҳақида гапиринг.
8. Жунни кесувчи ва таровчи қандай машиналарни биласиз?
9. Бу машиналарнинг тузилиши ва ишлаш принципини айтингю
10. Уриб-тозаловчи машиналарнинг турлари ва тузилиши ҳақида гапиринг.
11. Уриб-тозаловчи машиналарнинг ишлаш принципини айтинг.
12. Чарм, мўйна хом ашёси ва ош тузининг микрофлораси ҳақида сўзлаб беринг?
13. Тўқималарнинг деб нимага айтилади?
14. Тўқималарнинг чириши деб нимага айтилади?

**МЎЙНА ВА ТЕРИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ
ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР. ЧАРМ-МЎЙНАНИ ФИЗИК-
МЕХАНИК, КИМЁВИЙ, ЭКСПЛУАТАЦИОН ВА БОШҚА
ХОССАЛАРИ**

Режа:

1. Мўйна териларни дастлабки ва қайта ишлов бериш замонавий “яшил” технологиялари.
2. Мўйна ва тери маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги замонавий ошлаш олди ва ошлашнинг “хавфсиз” жараёнлари.
3. Мўйна териларини бўяшнинг замонавий “ресурсстежамкор” технологиялари.
4. Мўйна маҳсулотларини пардозлашнинг “экологик тоза” технологиялари.
5. Чарм, мўйна тери хом-ашёси, ярим маҳсулотлари ва тайёр маҳсулотларни синовларга тайёрлаш, ўртacha пробани танлаш.
6. Чарм-мўйна тайёр маҳсулотларни механик хоссалари.
7. Чарм-мўйна тайёр маҳсулотлари хоссаларининг регламентланиши.
8. Чарм-мўйна тайёр маҳсулотлари эксплуатацион ва бошқа хоссаларига қўйиладиган умумий талаблар.

Мўйна териларни дастлабки ва қайта ишлов бериш замонавий “яшил” технологиялари.

Турли хил микроорганизмлар ўз хаёт фаолиятини фақат шу хилдаги микробларга мувофиқ келувчи мухит реаксиясида намоён этади. Ферментлар ҳам худди шундай, ўз фаоллигини айнан шу ферментларга таалуқли мухит реаксиясида намоён этади. Демак, мухит реаксиясини, яъни кислоталик ёки ишқорлик даражасини ўзгартириб, микроорганизмлар ривожланиши ва ферментларнинг таъсири учун ноқулай шароит яратиш мумкин. Мухит реаксиясини шартли равишда pH символи сифатида ифодалаш қабул қилинган. Мухитнинг pH и ўзгарганда, ҳужайранинг сиртида электр заряди ўзгаради. Бу эса ўз навбатида алоҳида ионларнинг ҳужайра қобиғига сингувчанлигининг ўзгаришига олиб келади. Оқибатда, маълум шароитларда ҳужайранинг озиқланиши умуман тўхташи мумкин.

Кўпгина моғорли замбуруғлар ва ачитқилар учун кучсиз кислотали мухит (pH 3,0-6,0) анчагина қулай; бактериялар нейтрал ёки кучсиз ишқорий мухитда (pH 6,5-8,0) унумли ўсади. Микроорганизмларнинг кўпчилик турлари учун кислотали мухит ишқорий мухитга наслбатан ҳалокатли хисобланади. Айниқса чирикли шакллар мухитнинг кислотали томонга ўзгаришига сезгир бўлади.

Мухит реаксиясининг ўзгаришидан мўйнабоб ва пўстин қўй териларни кислота-тузли усул билан консервалашда, коракўл териларни ачитишда фойдаланилади. Бундан ташқари бу усул консерваловчи эритмаларни сульфат ва хлорид кислоталари билан регенератсиялашда, сибир яраси,

оқсим ва бошқа касалликлар билан заарланган тери хом-ашёсини дезинфексиялашда қўлланилади.

Кўпгина кимёвий моддалар микроорганизмларга ҳалокатли таъсир этади. Бир қатор моддалар ферментларнинг инактиваторлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳайвон хом-ашёсини консервалашда бактеритсид ёки бактериостатик хоссалари билан фарқланувчи кимёвий моддалар қўлланилади ва улар антисептиклар деб номланади.

Антисептиклар микроорганизмлар учун заҳарли бўлиши ва консерваловчи самарани таъминлаши зарур, сувда ва ош тузининг эритмасида яхши эриши, терининг тери тўқимасига, ишлов бериш жараёнлари ва ишлов берилган чарм ва мўйна сифатига ёмон, ноқулай таъсир кўрсатмаслиги керак. Кўлланиладиган антисептиклар ишловчиларга хавфсиз бўлиши лозим.

Чарм ва мўйна хом-ашёсини консервалашда натрий кремний фторид ва натрий фторид, парадихлорбензол, нафталин, оксидафенолят ва пентахлорфенолят, рух хлориди, бор кислотаси ва танакор, натрий гипохлорид, парахлорметакрезол ва крезоллар асосидаги препаратлар, хлорамин каби антисептиклар қўлланилади.

Хом-ашёни заарсизлантириш ва дезинфексиялаш, консерваловчи эритмаларни регенератсиялашда хлорид кислотаси, сульфат кислотаси, ўювчи натрий, натрий бисульфит ва пиросульфит, алюминий сульфатлар қўлланилади.

Мухит ҳарорати микрорганизмлар ривожланиши ва ферментларга таъсир этиш эҳтимоли билан биргаликда, уларнинг жадаллигини ҳал қилувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ҳар бир микроорганизм тури, айнан шу турга хос оптимум ҳарорат билан тавсифланади.

Микроорганизмларнинг спорасиз шакллари ҳароратни 60-70 °С гача кўтариб, уни 10-30 минут давомида сақлагандага ҳалокатга учрайди. Спорали шаклларни бартараф этиш учун ҳароратни 120-125 °С гача кўтариб, 30 минутдан кам бўлмаган вақт талаб этилади. Ферментларни 55-60 °С дан юқори бўлган ҳароратда инактиватсиялашади.

Чарм ва мўйна хом-ашёсини консервалашда ўта юқори ҳароратни қўллаш мумкин эмас. Чунки 45-50 °С да коллагеннинг структурасида мураккаб ўзгаришлар кузатилади. 64-66 °С да терининг тери тўқимаси пишиб қолади. Аммо бу услуб ишлатилган консерваловчи эритмаларни регенератсиялашда кенг қўлланилади. Бунда эритмадаги микрофлорани бартараф этиш ва эрувчан оқсилларни коагулясиялаш мақсадида эритма қисқа муддатда қайнатилади.

Паст ҳарорат микроорганизмларнинг ҳалокатига олиб келмайди. Аммо улар ўз ҳаёт фаолиятини намоён эта олмайдиган ҳолатда бўлишади. Кўпчилик микроорганизмлар нолдан қуйи ҳароратда қўпаймайди, лекин баъзи турлари айниқса замбуруғлар паст ҳароратда ҳам қўпайиши мумкин. Ферментларнинг таъсири паст ҳароратда тўхтамайди, аммо унинг фаоллиги сезиларли даражада пасаяди.

Паст ҳароратларни чарм ва мўйна хом-ашёсини сақлашда, айниқса иссиқ вактларда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу усул териларни яхши сақланишига кўмаклашади, чунки паст ҳароратда галофил (тузсевар) микроорганизмларнинг ривожланиши кузатилмайди.

Кўпгина микрорганизм турлари (айниқса бактериялар) қоронғида ўсади ва ёруғликка муҳтож эмас. Бевосита қуёш нурлари уларни ўлдиради, тарқоқ қуёш нурлари у ёки бу даражада уларнинг ривожланишини секинлаштиради.

Қуёш спектрининг фаолроқ қисми ультрабинафша нурлар ҳисобланади. Айниқса, тўлқин узунлиги 250-260 мкм ни ташкил этган ультрабинафша нурлари жуда катта бактериотсидлиги (бактерияларни ўлдириш хусусияти) билан ажралиб туради.

Қуёш ёруғлиги ва УБ-нурларнинг таъсиридан чарм ва мўйна хом-ашёсини қуритиб консервалашда фойдаланилади. Аммо териларни бевосита қуёш нурлари остида қуритиш тавсия этилмайди, чунки бунда тери тери тўқимасининг ҳаддан ташқари сувсизланиши ва қуриб кетишии рўй бериши мумкин. Қуритиш тери юзасига катта бурчак остида тушадиган ҳолатда ўтқазилса, самарали бўлади. Рентген нурларининг фақат юқори дозалари таъсир этганда микроорганизмлар ҳалокатга учрайди. Радиоактив нурлар, айниқса α - ва γ – нурлар бактериотсидлик хоссаларини намоён этади.

Хом ашёни сувда ишлов бериш (кўп ҳолларда электролитлар қўшилади) *ивитиши* дейилади. *Ивитешининг мақсади* - консерваланган териларни максимал даражада тоза сўйилган ҳолатга келтиришдан иборат. Ивитеши жараёнида хом-ашёдан консервалаш моддалари, қон, ифлосликлар ва эриган оқсиллар (албуминлар ва глобуминлар), ажралиб чиқади. Тери оқсиллари сув билан ўзаро бирикиб, унга бўқади.

Ивитеши жараёнида тери оқсиллари сув билан боғланиб икки хил боғланиш пайдо қиласиди: биринчи боғланишда сув тери оқсили билан боғланиб иссиқлик ажратади, бу гидратация суви деб аталади. Гидратация суви оқсилларнинг 20-60% гача сувни боғлаб олади. Бу гидратация суви - 20°C ҳароратда музламайди ва бирор нарсани ўзида эритмайди. Баъзи олимларнинг айтишича гидратация суви коллагендаги қутбли гурухлар билан мустаҳкам боғланади.

Иккинчи турдаги сув бўқтириш суви бўлиб уларни механик таъсир ёрдамида осон ажратиш мумкин.

Ивитеши тўғри олиб бориши: хом-ашёning қалинлиги ва майдони бўйлаб текис ивилишини; оқсил моддаларини камроқ ажралиб чиқишини; туз ва консервалаш моддаларини бутунлай хом-ашёдан ажралиб чиқишини ҳамда хом-ашёни бактериядан ва жун тушишидан (айниқса, мўйна териларидан) ҳимоя қилишини таъминлайди.

Ивитеши жараёни қуидагиларга:

- а) консерваланган хом ашёнинг турига
- б) хом ашёнинг хоссаларига ва ҳолатига
- в) ивитеши суюқлигининг таркиби ва ҳолатига


г) ҳарорат, суюқлик коэффициенти, ивитиш давомийлиги ва механик таъсиrlарга боғлиқ.

Кислота ва ўрта туз аралашмасидан иборат бўлган аралашмани **пикел** деб аталади. Бу аралашама билан ишлов беришни **пикеллаш** дейилади. Пикеллаш қўйидаги пайтларда ишлатилади:

1. Консервалаш усули.

2. Тери тўқималарини бўктириш ва уларга кислотали мухит бериш учун (ошлишдан олдин). Бундан кейин ошлиш пайтида хромли бирималарнинг асослиги ўзгарамади.

3. Мўйна олиш пайтида тери тўқималарининг структурасини ўзгартириш ва уларни фибрилляр ҳолатга айлантириш учун. Бундан ташқари ошлиш жараёни осонлаштириш учун. Пикеллашда асосан H_2SO_4 ва $NaCl$ ишлатилади. Ярим маҳсулотни пикел аралашмасига солгандан кейин тери тўқималари кислота ва тузларни шилиб олади. Биринчи даражада тери тўқималари юзаларига шилишса аста-секин бутун қатламига ўтади. Кислотанинг тери тўқимасидан бир ярим фойиз миқдори оқсил билан боғланиб пайдо қиласди.



R - оқсил қолдиғи

Пикел таркиби ош тузи, тери тўқималарини жуда ҳам бўкиб кетмаслигига ёрдам беради.

Пикеллаш унуми қайтар ҳисобланади. Пикелланган тери тўқимасини сувга ботирганда туз чиқиб кетади. Боғланган кислота тез чиқолмайди, натижада тери тўқималари бўқади.

Мўйна олиш жараёнида мўйнадаги жунлар тери тўқималарини структурасини ўзгартиришга халақит беради. Шунинг учун пикеллаш жараёнида бу жараён бажарилади. Шунинг учун ҳам чармга нисбатан мўйнани пикеллаш жараёни кўпроқ чўзилади ва бъязи вақтларда пикеллангандан кейин ярим маҳсулот жовонларда ётқизилади. Кислотани оқсилга таъсири натижасида кимёвий ўзгаришлар ҳам ҳосил бўлади (юқори молекулалар кимёси).

Кимёвий ўзгаришлар натижасида водород ва электровалент боғланишлар парчаланади, натижада тери тўқималари микро структуралари алоҳида-алоҳида ажралиб туради ва бир-бирига елимланмайди.


Пикеллаш натижасида туз таъсирида ярим маҳсулот ўз таркибидаги сувини йўқотади (обезвоживание).

Натижада алоҳида фибрилларлар ва уларнинг боғламларининг ҳажми камаяди. Фибрилларлар оралиғи катталашади. Натижада ошлиш жараёнида ошловчи моддаларнинг диффузияланиши осонлашади.

Пикеллаш кислотали муҳитда бўлиши учун pH 5-6 оралиғида бўлади. Яъни маҳсулотларни юза томонларида эса pH ундан ҳам паст бўлиши мумкин.

Арпа суви билан ишлов бериши (ачитиши) усули анча қийин ва мураккаб бўлиб, бунда биокимёвий жараёнлар боради. Бу усулга ўхшаган усулларни нон ачитқилари билан ҳам ишлов бериш дейилади. Баъзи вақтларда "киселлаш" деб ҳам юритилади. Бу усул қўй, эчки ва моллар терисини ишлов беришга ишлатилмайди. Чунки пикеллаш усули жорий этилгандан кейин, у кваслаш усулини сиқиб чиқарди. Ҳозирда бу усул асосан қоракўл терилари ва олмахон терисини ишлов беришда ишлатилади. Кваслаш усулининг афзаликлари шундаки, бу усул натижасида юқори сифатли маҳсулот олиниб, унинг механик мустаҳкамлиги пасаймайди ва терининг пластиклиги сақланиб қолади.

Ачитиши усулининг камчиликлари булар асосан жараённинг давомийлигини, озиқ-овқат маҳсулотларининг сарфланиши, ҳамда жараённи назорат қилинишининг қийинчилиги ҳисобланади. Кваслаш суюқлиги қўйидагича тайёрланади. Жуда ҳам майдаланмаган арпани 40°C даражадаги сувга эритиб, уни 12 соат ушлаб турилади. Натижада бу маҳсулот ачиради. Кейин унга ош тузи билан бирга ўн қўшилади ва ачиш натижасида оқсиллар ва углеводлар парчаланиб органик карбон кислоталар ҳосил қиласида. Натижада сут кислотаси 3-5 г/л ва газ ҳолатидаги маҳсулотлар ҳосил бўлади. Бундан ташқари қандли моддалар қўйидагича парчаланилди:



Бундан ташқари ачитки суюқликка бактериялар актив фаолият кўрсатиб спиртлар ва мағор қолдиқлари ҳосил қиласида. Ярим маҳсулотни ачитиши натижасида:

1. Ферментлар таъсир этади.
2. Органик кислоталар таъсирида пикелланади.
3. Тери тўқимаси юмшаяди.

Фибриллар эса алоҳида-алоҳида ажралади. Бунга газларнинг пайдо бўлиши қўшимча ёрдам беради. Бундан ташқари ачитишида натижасида жун билан тери тўқимасидаги боғланиш сусаяди ва бу ачитиши жараёнини тугашини билдиради.

Ачитишига таъсир этувчи омиллар

1. pH муҳити. Бунга асосан pH 7 га яқин бўлиши керак, чунки агар pH камайиб, кислотали муҳит бўлиб қолса ферментларнинг активлиги пасаяди.

2. Ҳарорат бу асосан 37-40°C орасида бўлиши керак. 30° дан пасайса ёки 40° дан кўтарилса бактерияларга салбий таъсир этади.

3. Жараён давомийлиги. Жараён давомийлиги тери тўқимаси микроструктурасини ўзгариради ва унинг мустаҳкамлигини пасайтиради

ёки тери билан жун оралиғидаги мустаҳкамликни сусайтиради. Мухитда ош тузининг қўшилиши органик кислоталар таъсирида терининг бўкиб қолишидан сақлайди.

Ачитиш жараёни деб асосан ачитқи эритмаси билан ишлов беришга айтилади ва у 120-144 соат давом этади. Ачитқи эритмаси қуидагича тайёрланади:

Ярма қилинган арпани сув билан аралаштириб 45 даражали ҳароратда сақланади. Аралашадиган сув микдори арпанинг 75 фоизини ташкил қилиши керак. Бундан ташқари бу аралашмага эски тайёрланган ва ишлатилган ачитқилар қўшилади. Натижада бир, икки кеча кундузда 37-40⁰С ҳароратда арпа уни ачиди. Асосан сут кислотаси ҳосил бўлади. Сут кислотасининг микдори сирка кислота ҳисобида ҳисобланганда 3-4 г/л ташкил этади. Бундан кейин эса тайёрланган ачитқини сув билан аралаштирилиб, 110 г/л концентрацияли эритма тайёрлаймиз ва унга 50-60 г/л гача ош тузи ҳам аралаштирамиз, суюқлик коэффициентини 8 деб олиб ёки тенглаштириб қоракўл териларини шу суюқликга соламиз. Қоракўл териларини барабанларда ёки баркасларда ишлов бериш мумкин.

Ҳар доим кваслаш жараёнида суюқлик коэффициенти, ҳарорат, кислоталар микдори ва бактерияларнинг активлигини назорат қилиш керак. Тери тайёр бўлганлигини фақат органолептик усул билан текширилади. Қоракўл териларининг ағдарма томони оқ тусда бўлиб, уни қатлаб сиққандা оқ чизик пайдо бўлади. Текширишни иккинчи усули тери тўқималари билан жунни мустаҳкамлигини билиш учун, теридаги қўлтиқ ости жунлари ёки оёқчалар, бўйинлардаги жунни тортиб билиш мумкин. Агар ачитиш жараёни тугаган бўлса, жунни мустаҳкамлиги бу жойларда сусаяди. Ачитиш эритмасида кислоталар микдори кам бўлса, у жараён охиригача етказилмайди ва тери сифати пасаяди. Бунга эҳтиёт бўлиб минерал кислоталардан оз микдорда қўшиш керак.

Ачитиш эритмасига ферментлар кўпайиб кетса тери тўқималари ва жун орасидаги боғланиш сусайиб кетади. Бу анча нуқсонларга олиб келиши мумкин. Бу ҳолатни яхшилаш мақсадида жуда кам микдорда туз қўшиб, мухитни ўзгартириш мумкин.

Ёғсизлантириш. Агар терида ёғ микдори жуда кўп бўлса ва у нотекис жойлашган бўлса, бу ишлов беришга ҳалақит беради. Тери тўқимасини кесиб кўндаланг кесимини текширганимизда ёғ микдори баҳтарма қисмига кўпроқ бўлишини кўрамиз. Тери таркибидаги ёғ моддалари чарм ва мўйнани ранглашда ҳалақит беради. Мўйнани ишлов беришда жун ёғли бўлса, ранглашда ҳар хил доғлар пайдо қиласди. Жунларни ёғли жойлари рангланмайди. Агар тери таркибида ёғлар кўп бўлса, унда бу ёғлар кислород билан реакцияга киришиб, оксидланиб тери мустаҳкамлигини пасайтиради. Шунинг учун ҳам ёғсизлантириш мухим роль ўйнайди.

Мўйна ишлаб чиқаришда, мўйнани ёғсизлантиришда мўйна бири-биридан ажralиб жунида ялтироқлик пайдо қиласди. Тери таркибидаги ёғлар текис ёйлади. Ёғсизлантиришдан кейин жунни таркибида, 1,5 -2% ёғ

микдори бўлади. Агар бу ёғ микдорини олиб ташласак, мўйнани сифати ёмонлашади ва унинг ялтироқлиги йўқолиб, қуруқ ва синувчан бўлади. Бундан ташқари унинг ишқаланишга чидамлиги йўқолади.

Мўйна ва тери маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги замонавий ошлаш олди ва ошлашнинг “хавфсиз”жараёнлари

Республикамизнинг чарм ишлаб чиқариш саноатига ошловчи моддалар энг керакли бўлиб, жуда кўп микдорда ишлатилади. Чарм ишлаб чиқариш заводига 98% ошловчи моддаларни четдан, яъни импорт ҳисобидан келтирилади.

Ошлаш жараёни - чарм саноатида энг муҳим жараён, яъни физик-кимёвий жараён ҳисобланади. Ошлаш жараёнида терининг дерма структуралари шаклланади, натижада тери чармга айланади.

Ошлаш жараёнида дерма структурасида шундай ўзгаришлар вужудга келадики, бу ўзгаришлар чирийдиган терини чиримайдиган хусусиятга айлантиради. Ошлашган тери тўқимаси бир қатор янги хусусиятларга эга бўлиб, бу хусусиятлар ошлашга қадар бўлмаган эди.

Ошлаш жараёнида дерма қўйидаги муҳим хусусиятларга эга бўлади:

1. Дерманинг иссиқликга чидамлилиги ошади;
2. Дермани қуритишда, унинг ҳажми, майдони ва қалинлиги кам тортилади;
3. Структураларнинг ғоваклиги ошади;
4. Дерманинг сувга бўкиши камаяди;
5. Эркин ҳолатда чармни чўзганда, унинг мустаҳкамлиги ошади;
6. Сувли ҳолатда дерманинг деформацияланиш даражаси пасаяди;
7. Ферментлар ва бошқа гидрозланадиган агентлар таъсирида дерманинг мустаҳкамлиги ошади;
8. Дерма микроструктураларининг ёпишқоқлиги пасаяди;
9. Чармни ейилишига чидамлилиги ошади (қаттиқ чармлар учун).

Ошлаш деб, коллагеннинг (дерманинг) ёки бошқа оқсилиларнинг шундай маҳсус моддалар билан ишлов беришга айтиладики, бу моддаларнинг молекулалари бир вақтнинг ўзида бир неча оқсилилнинг (коллаген оқсилиниң молекуласи учта полипептид занжиридан ташкил топган ва ҳар бир полипептид занжири ён томонларида қутбли гурухлар мавжуд бўлиб, ошловчи моддалар мана шу қутбли гурухлар билан боғланишлар ҳосил қиласи) полипептид занжиридаги қутбли гурухлари билан реакцияга киришиб, бу боғланиш коллаген элемент структуралари орасида қўшимча қўприклар ҳосил қиласи, яъни структуралар тикилади.

Тери тўқимаси - дерма деб юритилади. Дерма асосан, коллаген, ретикулин ва эластин оқсилиларидан ташкил топган. Дерманинг 90% дан кўп қисмини коллаген оқсили ташкил қилгани учун дермани ёки тери тўқимасини коллаген деб юритамиз. Коллаген структурасида қўшимча тикилишларга олиб келадиган, яъни занжирлараро боғланишларни ҳосил қиласи тикилишларга ошловчи моддалар ёки ошловчилар деб айтилади.

Қўйидаги схемада дерма структурасида қўшимча боғланишлар ҳосил қилган ошловчи молекулалар зарраларининг структурада қандай жойлашиши кўриш мумкин.

	Ошланмаган Дерма	
	Чуқурлатиб ошлишдан сўнг	Чармни юқорида кўрсатилган хусусиятга эга бўлиши, бу занжирлараро янги боғланишлар ҳосил бўлгани натижаси
	Юзлама ошлишдан сўнг	

Кисман сув массасини аниқлаш. Шундай занжирлараро боғланишларга олиб келадиган моддаларга ошловчи моддалар ёки ошловчилар деб айтилади.

Турли хил ошловчиларнинг ошилаш хусусияти. Чармни ошлишда кимёвий табиатидан турли хил бўлган ошловчи моддалар қўлланилади. Бу моддаларнинг коллаген билан боғланиш характеристини қўйидаги гурухларга бўлиш мумкин:

1. Ошловчилар, коллаген билан ковалент боғланишлар ҳосил қилса, бундай гурухларига кўпроқ альдегидлар киради, жумладан формальдегид, глутар альдегиди ва бошқалар.

2. Ошловчилар, коллаген билан асосан водород боғланишлар ҳосил қилса, бу гурухларга таниидлар киради.

3. Ошловчилар, коллаген билан координацион боғланишлар ҳосил қилса, бу комплекс ҳосил килувчиларнинг тузлари деб тушунилади (Cr, Al, Ti ва бошқаларнинг асосли тузлари).


Бу боғланишлар тури, ошилашда у ёки бу моддалар билан кўп ёки кам боғланишлар микдорини кўрсатади. Шу билан бирга, ошловчи молекула бир вақтнинг ўзида коллагеннинг актив маркази билан табиатан турли бўлган боғланишлар ҳосил қиласди, аникрофи турли мустаҳкамликка эга бўлган боғланишлар. Ҳосил бўлган боғланишлар микдори ҳам ҳар хил ва бу боғланиш ошловчи моддалар табиатига bogлиq.

Буни қўйидагича тушуниш мумкин: турли хил ошловчи билан ошланган коллаген, юқорида айтиб ўтилган хусусиятларга асосан эришади, лекин бу хусусиятларнинг даражаси ҳар хил, бу эса қўлланиладиган ошловчиларга боғлиқ. Масалан, ўсимлик таниндлари билан ошланган дермани иссиқликка чидамлилиги 850°C га етса, хром асосли тузлар билан ошланган чармнинг иссиқликка чидамлилиги 140°C га етади ёки ўсимлик ошловчилари билан ишланган чармни ейилишини 100 % деб қабул қилсак, хромли чармларни ейилишга чидамлилиги 140 % дан ошади. Чарм хоссаларига нафақат ҳосил бўлган боғланишлар микдори, балки бу боғланишлар структуранинг қайси жойида ҳосил бўлгани ҳам таъсир кўрсатади.

Ошлиш жараёнида дерма структурасида ҳосил бўлган боғланишлар ҳолати. Ошлиш жараёнида молекулалараро ва ички молекуляр боғланишлар ҳосил бўлади.

Биринчи ҳолатда боғланиш учламчи полипептид занжирлари орасида ҳосил бўлади, учламчи полипептид занжири бирта коллаген молекуласини ташкил қиласди. Иккинчи ҳолатда боғланиш ички молакуляр кўприк орқали вужудга келади.

Боғланишларнинг схема кўриниши



Бошқа ҳоларда боғланиш учламчи полипептид занжирлари орасида пайдо бўлиб, коллагеннинг дағал элементлари ўртасида ҳосил бўлади, бу элементлар субфибрillар деб айтилади.

Биз кўриб чиқадиган боғланишлар дерма структура элементларининг қаерида қанча ҳосил бўлади, структуранинг турли қисмларида қандай зичлика жойлашади, буни қўйидагича изоҳлаш мумкин:

-ошловчилар, қўпинча коллаген билан, юза структуралари элементлари билан боғланиб, ички структурада, ошловчи етиб боролмайдиган жойлар бор, деб кўргина олимлар фикр юритишади.

Чуқурлашиб кириш қобилиятига формалдегид эга. Бу ошловчи, бошқа ошловчилардан кичкина молекуляр оғирлиги билан фарқ қиласди. Ошловчилар дермага жойлашиб, коллагеннинг қутбли гурухлари билан кўндаланг боғланишлар ҳосил қиласдими, ёки йўкми деган савол туғилади. Бунга жавобан шундай дейиш мумкин: Ҳа, ошлашда бир вақтнинг ўзида коллаген структура элементларида ички молекуляр ва молекулалараро боғланишлар ҳосил қиласди. Бунда ошловчи моддалар нафақат боғланишлар ҳосил қиласди, балки сувда эримайдиган моддалар коллаген структураларида

ўтириб қолади. Бу эса, чарм учун муҳим аҳамиятга эга. Бундай ҳолат кўпроқ ўсимлик ошловчилар билан ошлашда ва цирконий минерал ошловчилар билан ошлашда вужудга келади. Ошлашга қадар дерма структурасида бир неча кўндаланг боғланишлар мавжуд бўлади. Бу боғланишлар ошлаш жараёнида ўзини қандай тутади ва қандай ўзгаради деган савол тутилади. Маълум бўлишича, бу боғланишлар баъзида сусаяди ёки бузилади. Бу ҳолат кўпинча ошловчи моддаларнинг кимёвий табиатига ва ошлашнинг олиб борилиш шароитларига боғлиқ бўлади.

Ошлашнинг муҳим кўринишлари. Ошлашнинг амалга ошишини аввало, оқсилларнинг молекуляр массасининг ўзгаришидан били мумкин. Ошлашда оқсиллар молекуляр оғирлигини ўзгариши, масалан, тухум альбумини эритмасини формальдегид билан ишлов берилганда коллоид зарраларининг молекуляр оғирлиги бир неча бор ошади, агар желатин эритмасини хром тузлари билан ишлов берилса, коллоид зарраларининг молекуляр оғирлиги 50% га ошди.

Ошлаш натижасида коллагеннинг бир неча хоссаларининг ўзгаришини кўриб чиқамиз.

Механик хоссаларнинг ўзгариши. а) мустаҳкамлик. Ошланган ва ошланмаган коллагеннинг мустаҳкамлик хоссалари бир хил эмас. Ошланмаган коллагенда кам миқдорда кўндаланг боғланишлар мавжуд бўлади, коллагенни чўзишда, структура элементлари бузилиб чўзилаверади. Ошлашда эса, коллаген структурасида кўшимча боғланишлар ҳосил бўлиб, бу ҳодиса анча пасаяди, яъни коллагеннинг мустаҳкамлиги ошаверади, бу эса тажрибада тасдиқланган.

Масалан: ивитилган коллагенни, шартли модул эластиклигига ва чўзилишига ошлашнинг таъсирини қуидаги орқали кўриш мумкин.

Жадвал

Хўл коллагеннинг шартли модул эластиклиги ва йиртилишига ошлашнинг таъсири

Коллаген	Шартли модул эластилик, кгс/мм ²	Нисбий йиртилиши, %
Ошлашгача	50	100
Ошлашдан сўнг	—	—
А) формальдегид билан	59	130
Б) таниидлар билан	57	320
В) хром тузлари билан	64	340

Адабиётларда икки хил қарашлар мажуд бўлиб, бунга иккиламчи ўзгаришлар мисол бўла олади. Бу мавхумликка Закатова ва Михайлов иш тажрибалари аниқлик киритди.

Ивитилган дермага ошловчи модда миқдорининг керакли миқдордан ўтиши, чўзишда мустаҳкамликни пасайишига олиб келган, бу қуидаги маълумотда кўрсатилган.

жадвал

Куруқ оқсил массасига нисбатан Cr ₂ O ₇ нинг миқдори, %	Шартли бирликда, чўзишда мустаҳкамлик чегараси
1,1	100
2,1	117
3,1	115
10,4	98

б) Ошлаш натижасида коллагенниң деформацияланиши.

Ошлаш қўпроқ коллаген қаршилигига, сиқилиш деформациясига таъсир кўрсатади.

жадвал

Дерма коллагенининг (ивиган) сиқилиш деформациясига ошлашнинг таъсири

Кўрсаткич (Р=1,2 кг/см ² 1 мин давомида)	Ошланганга қадар коллаген	Ошлашдан сўнг коллаген		
		TH	CH ₂ O	Cr тузи
Умумий деформация $e = \frac{\Delta l}{l} 100 \%$	49,6	11,4	38,3	29,3
Лаҳзада йўқотилишга нисбатан деформация, % $\varepsilon_1 = \frac{\varepsilon - \varepsilon_0}{\varepsilon} 100$	43,3	62,3	84,3	90,3
Эластиклик натижаси $\frac{\varepsilon_0 - \varepsilon_1}{\varepsilon} 100$	42,6	17,5	12,3	6,1
Қолдик деформация $\frac{\varepsilon_1}{\varepsilon_0} 100$	14,1	20,2	2,9	3,7


ε - умумий деформация

ε_0 - юқдан бўшатилгандан кейинги деформация


ε_1 - бир соатдан кейин юқдан бўшатилгандан кейинги деформация

Демак, ошлашда коллаген сиқилиши камаяди, лаҳзада йўқотилишга эластиклик деформацияси ошади.

Ошланган коллагенниң қуритишдаги ҳолати. Ошлаш тери тўқимасини қисқаришини (ташқи куч таъсирида) камайтиради, энг муҳими ички кучланиш ҳаракатига қисқариш камаяди. Қисқариш терини қуритишда намлик буғланиши билан капилляр босим таъсири остида вужудга келади.



Капилляр босим кучи таъсирида коллаген структура каркаси деформацияланади ва структура элементлари бири-бирига яқинлашади, сиқилиш, қисқариш ҳосил бўлади.



Қисқариши камайтириш учун коллагенни сувсизлантирадиган моддалар билан ишлов бериш керак. Бу эса, каркас қаршилигини ошириш билан амалга оширилади. Сувли дермани қуритиш жараёнида маълум ҳажм ҳосил бўлади ва бу ҳажмни "ҳажмнинг шаклланиши" деб белгилаймиз. Буни миқдоран баҳолаш мақсадида қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланамиз:

1. Тахминий солиширима оғирлик.

2. Дермани шакллантириш ҳажми коэффициенти:

$$V_{sh} = \frac{V_{куруқ\ дерма}}{V_{даст.\ ҳул.\ дерма}} \cdot 100\%$$

бунда, V - дермани шакллантириши ҳажми, %;

$V_{куруқ\ дерма}$ - қуруқ дерманинг ҳажми, см^3 ;

$V_{даст.\ ҳул.\ дерма}$ - дерманинг ҳўл ҳолатдаги ҳажми, см^3 ;

3. Ҳажмий чиқиш V_g (100кг коллагенга тенг ҳажм) тушунилади.

4. Чармнинг ғоваклиги.

Турли хил ошловчилар билан ошланган дерманинг юқорида кўрсатилган кўрсаткичларини ўзгариши қуйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвал

Турли хил ошловчиларнинг дермани шакллантириш кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Ошлашга қадар	Ошлашдан сўнг		
		Таниид	Формаль-дегид	Ср тузлари
Тахминий солиширима оғирлик	1,28	0,72	0,63	0,57
Ҳажмни шакллантириш коэф., %	25,6	100,5	52,5	68,0
Ҳажмий чиқиш, см^3	92	306	191	225
100г коллагенга органик ошловчилар миқдори, %	–	119,9	3,0	5,2

Жадвалдан қўриниб турибдики, таниидлар кўпроқ шакллантириш қобилиятига эга экан.

Ошланган коллагендан нам чиқиб кетиш жараёнида қисқариш кучи камаяди, лекин бутунлай йўқолиб кетмайди. Қуритиш жараёнида коллаген структура элементлари бир-бири билан боғланса, улар ёпишмайди. Бу эса, ошлаш унумининг муҳим қўринишидир.

Ошланган дермада структура элементлари бир-бири билан яқинлашади, қутбли гурухлар эса яқинлашиши харакатига эга бўлади.

Дермани ошлашдан сўнг унинг ҳароратга чидамлилигини ошиши, ошлашнинг муҳим қўринишиларидандир. Дермада ҳосил бўладиган қўшимча кўндаланг боғланишлар, пишиш ҳароратининг ошишини кўрсатади.

Жадвал

Дерманинг пишиш ҳароратига ошлашнинг таъсири

Намуналар характеристи	Пишиш ҳарорати, °C да
pH = 5,0 – 8,0 тери тўқимаси	60 – 68

Чарм ва мўйна ишилаб чиқаришида инновацион технологиялар

Танидлар билан ошланган чарм	66 – 90
CH ₂ O билан ошланган чарм	75 – 90
Cr тузлари билан ошланган чарм	80 – 120

Чармни гидротермик деструкциясида унинг майдони 40% гача қисқаради, мустаҳкамлиги эса йўқолади. Ошланган дермани сувда иситиб, гидротермик деструкцияланганда ўзгаришлар юзага келади, бу ўзгаришлар эса чармнинг мустаҳкамлигини пасайтиради.

Жадвал

Тажриба қўрсатгичлари

T, °C	Иссиқликда мустаҳкамликнинг йўқолиши, % да		
	1 суткада	2 суткада	3 суткада
40	0	0	0
50	12,0	68,2	60,7
60	20,0	73,0	100
70	87,6	100	–

Чармнинг таркибида ошлашда кирган кислота гидротермик мустаҳкамликка кучли таъсир қўрсатади. Дермани иситишида молекулаларо боғланиш (водород боғланиш) бузилади, бу эса коллаген молекулалар занжирини йўналишини ўзгартиради, баъзи пептит боғланишларида қисман гидролизланиш ҳосил бўлади. Пишиш хароратини ошириш билан бирга кучли боғланишлар ҳам аста - секин бузилади. Сувсиз ҳолда чармга иссиқлик таъсир қўрсатганда ҳам мустаҳкамлик пасаяди.

Мўйна териларини бўяшнинг замонавий “ресурсстежамкор” технологиялари.

Жараёнлар мақсади - ҳайвон мўйна жун қопламларини сифатли бўяшидан иборат. Бунга эришиш учун қуйидаги шароитлар яратиш лозим:

- бўёқни жун ичига чуқурроқ киритиш.
- бўёқларни жун структурасида яхши мустаҳкамлаш.

Бундай мақсадларга тайёрлов жараёнлар: нейтраллаш (ўлатма ишқорлаш) ва дорилаш ёрдамида эришилади.


Ўлатма нейтраллаш. Жараён мақсади - мўйна териларини турли моддалар билан турли режимларда ишлов беришдан иборат, яъни жун ва терига керакли pH қийматини бериш, шу билан бирга кейинги ўтказиладиган жараёнлар боришини осонлаштиришдан иборат.

Бунда жун ҳар хил ёғ ифлосликлардан ва бошқа иллатлардан тозаланади ва кейинги бўяш жараёнида бўёқ моддаларининг диффузияланишини осонлаштириради.


Жун оқсиллари яъни кератинлар, ишқорли муҳитга жуда сезгир бўлганлиги учун улар бу шароитда тез гидролизга учрайди. Жун дермага қараганда тез гидролизланади. Ишқорлар таъсири остида баъзи шароитларда коллаген структураларини чуқур ўзгаришишга олиб келиши мумкин, бу эса,

ўлатма нейтраллашда мақсад қилиб қўйилмайди. Ишқор таъсирида жун кератинидаги цистинли қўпrikнинг дисульфид боғланиши бузилади. Бу жараён қуйидаги схема орқали тасвиранади.

Дисульфид боғланишини бузилишини, биринчи навбатда терининг мальпигенли қатламида кузатиш мумкин, бу жун билан дерма боғланишини бузилишига олиб келади.



цистин қолдиғи




Сульфонли кислоталар қолдиғи

Шунинг учун, жараённи ўтказиш учун шундай реагентлар ва ишлов бериш шароитларини танлаш керакки, жун қоплами бунда заарланмасин ва унинг дерма билан боғланиши бузилмасин.

Бу жараён учун ишқорли моддалар ишлатилади, улар ҳар хил хоссаларни намоён қиласади.

FeSO_4 билан дорилашда (протравление) ўлатма нейтралловчининг ютилиши ошади, хромли дорилашда ютилиш камаяди. Хромли дорилашда ютилиш камайиши, хроматлар ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлиб у дорилаш қобилиятига эга эмаслиги билан тушунтирилади.



Хромли дорилашда, ўлатма нейтраллашни олиб бориш мақсадга мувофиқ эмас. Терилар айниқса, хром билан ошланган ва пикел билан ишлов берилган бўлса, ўлатма нейтраллашни олиб боришда эҳтиёт бўлиш керак бўлади.

Ўлатма нейтраллаш жараёни бошқа жараёнлар билан ўзаро боғлиқлигини оладиган бўлсак, бу жараён ҳамма терилар учун мажбурий технологик жараён бўлмай, балки баъзи жун қоплами яхши бўялмайдиган қўпол жунли терилар учун ўтказилади. Баъзан бу жараён келгуси жараённи секинлаштириши мумкин, мисол учун дорилаб ишлов беришда бу жараённи

ишлаб чиқариш услубидан олиб ташлаш мумкин. Масалан: дорилашда хромпик ва FeSO_4 кўлланилганда, улар жун қопламига ҳар хил ютилади.

1. Жадвал

Дориловчиларнинг жунга ютилиш характери

Ишлов бериш характери	Дориловчиларнинг ютилиши, %	
	Хромпик	Темир сульфат
Ишқорли	37,9	5,4
Ишқорли	37,9	8,7

Ўлатма нуқсонларига жун қопламининг тўкилиши ва унинг ялтироқлигининг йўқолиши киради.

Ҳамма терилар учун бу жараён мажбурий технологик жараён бўлиб, киритилмаган. Бу жараён, баъзи мўйна ҳайвонларини қўпол жунларини бўяшни яхшилаш мақсадида ўтказилади. Баъзан бу жараён келгуси жараённи секинлаштириши мумкин, мисол учун дорилаб ишлов беришда, бу жараённи кўллаш шарт эмас.

2.Жадвал

Ўлатма нейтраллашда жунга дориловчиларнинг ютилиши

Ишлов бериш ҳарактери	Дориловчиларнинг ютилиши, %	
	Хромпик	Темир сульфат
Ўлатма нейтраллашсиз	77,7	5,4
Ишқорли ўлатма нейтраллаш	37,9	8,7

Хромли дорилашда ўлатма нейтраллаш жараёнини олиб борилиши мақсадга мувофиқ эмас.

Ўлатма нейтраллаш жараёни икки усулда: шўнғитиб ёки суркаб ишлов бериш билан олиб борилади. Шўнғитиши усули суркаш усулига қараганда кўпроқ кўлланилди ва у баркасларда суюқлик коэффициенти -12, ҳарорат 25°C ни ташкил қилиб, жараён муддати 2 соатгача давом этади. Ваннада аммиакли сувнинг (NH_4OH) концентрацияси 5-6 г/л дан кўп бўлмаслиги керак. Бу жараёндан кейин терилар ишқорлардан тозаланиши учун, яхшилаш сув билан ювилади ва улар микдори назорат қилинади (фенолфталеин билан то нейтрал реакциягача). Суркаш усули билан ишлов бериш асосан иссиқкўзан, суғур, тулки мўйна терилари учун қўлланилди ҳамда улардан ўхшатиб ранглар олишда фойдаланилди. Ваннада Na_2CO_3 нинг концентрацияси 20 дан 50 г/л гача, NH_4OH ники 3 дан 20 г/л гача, жараён муддати 3-4 соатни ташкил қиласи. Кейин терилар ётқизиб қўйилиб, сўнг куруқ ва хўл қипиклар билан ишлов берилади.

Рангини ўхшатиб бўяшда (имитация) ўлатма нейтраллашни олиб боришда, факат таг жунлар тароқ билан ювилади. Натижада жун тепа қисми баланд, момик жун эса, паст рангда рангланади.

Ўлатма нейтралловчилар таъсир этиш даражаси бўйлаб кучлидан пастга қараб қўйидаги қаторда жойлашади.

NaOH-энг кучли реагент ўлатма нейтралловчи ҳисобланади.

Юқори концентрацияли эритма жун ва дерма учун хавфли бўлиб, унинг хоссаларини ёмонлашувига олиб келиши мумкин, ваҳоланки унинг унча катта бўлмаган (дозаси) миқдори эса, жун қопламини ялтиллашини кучайтиради.

NH₄OH яхши ўлатма нейтралловчи бўлиб, у ёғсизлантириш хусусиятига эга. Мўйна дермасига салбий таъсир кўрсатмайди. У ўювчанлиги ва ўткир ҳидлиги учун ишга ноқўлай ҳисобланади.

Na₂CO₃ ўлатма нетралловчи сифатида энг кўп қўлланилади. Жунни яхши ёғсизлантиради. Дермага ёмон таъсир кўрсатмайди, ялтилашига ҳам таъсир этмайди. Na₂CO₃ + NH₄OH аралашмаси билан ишлов беришда яхши натижаларга эга бўлиш мумкин, шу сабабли улар аралашмаси амалда кўпроқ қўлланилади. Баъзан аралашмага водород пероксиди солинади (ўлатма билан қисман жун қопламини оқлаш учун).

Ўлатма нейтраллашнинг нуқсонларига жун қопламининг тўкилиши, ялтироқлигини йўқолиши ва тепа жун қопламини ўралиши киради.

Мўйна маҳсулотларини пардозлашнинг “экологик тоза” технологиялари

Инфракизил нурлар билан, яриммаҳсулотларни қуритишда манба сифатида маҳсус лампалар қўлланилади. Бу усул қуритилаётган материалларга, нурланиш энергиясининг ютилиб, унинг иссиқлик энергиясига айланиб қуритишга асосланган. Тажрибаларнинг кўрсатишича инфра кизил нурлари билан қуритилган чармлар конвектив қуритиш усулига нисбатан афзалликка эга бўлиб, мўйнанинг мустаҳкамлигига унча таъсир кўрсатмайди.

Мўйна саноати жараёнлари учун янги сувда эрувчан синтетик полимерларни қўллашнинг назарий ва амалий аҳамияти катта, бу эса ўз навбатида полимерларни хоссаларини ўрганишни ва чарм хом ашёларига ишлов беришни такомиллаштиришни тақозо этади.

Пардозлаш жараёнлари ҳам чарм олишда асосий жараёнлардан ҳисобланади ва бу жараёнларда ишлатиладиган композициялар таркибида сувда эрувчан полимерлар ишлатилади.

Мўйнани пардозлашда ишлатиладиган қопловчи композициялар қуйидаги компонентлардан таркиби: қопламанинг асосий қисми ҳисобланган, плёнка ҳосил қилувчилар, пленкага керакли ранг берувчи пигментлар, пластификаторлар, эритувчилар ва бошқа ёрдамчи воситалардан ташкил топган.

Чармни пардозлашда полимеризацион пленка ҳосил қилувчилар полиакрилатлар кенг қўлланилади. Полиакрилатлар бир қатор афзалликларга эга: пигментларни яхши боғлайди, бошқа смолалар билан яхши қўшилади,


чармга юқори адгезияли пленка ҳосил қиласди. Бу пленка сув ва ёруғликга чидамли ва мустаҳкам бўлади.

Қоплама бўёқ инновацион мўйна ишлаб чиқаришда қўлланилади ва бу учун асосан энг кўп полиакрилатлар қўлланилади. Акрил кислота ва унинг эфирлари саноат учун муҳим аҳамиятга эга.

Улардан, асосан тиниқ пластмассалар ва органик шишалар тайёрланади.

Акрил кислота эфирлари полимерланишида полакрилатлар ҳосил қиласди.


Полиакрилатлар–полимерлар ёки сополимерлар бўлиб, акрил



метакрил $\text{CH}_2=\text{C}-\text{CH}_3$ кислоталарнинг турли хил ҳосиласидир, яъни шу



кислоталарнинг муракқаб эфирлари ҳисобланади:



R - спирт қолдигидан иборат: CH_3 , C_2H_5 , C_4H_9 .

Радикал ўрнида келган турли хил спирт қолдиглари иштироқида олинган полиакрилатлар пленканинг қуидаги хоссаларига таъсир кўрсатади:

- эластиックка
- совуққа чидамлиликка
- мустаҳкамликка
- ўзига намликни тортиб олишга
- қаттиқлик хусусиятларига.

R–радикалда углерод атомининг микдори ошиши билан, полимернинг юмшоқлиги, эластиклиги, совуққа чидамлиги ва ёпишқоқлиги ошади.

Метакрил кислота асосидаги плёнкалар хоссалари акрил кислота ҳосилаларига ўхшаб кетади, лекин метакрилнинг CH_3 радикали туфайли унинг асосида олинган плёнканинг қаттиқлиги юқори бўлади.

Плёнканинг хоссалари полиакрилатлар молекула занжир узунлигига ҳам боғлиқ бўлади. У қанча узун бўлса, пленка шунча юмшоқ ва яхши чўзилувчан бўлади.

Чарм, мўйна тери хом-ашёси, ярим маҳсулотлари ва тайёр маҳсулотларни синовларга тайёрлаш, ўртача пробани танлаш

Зотли қоракўл ва дурагай қўзиларидан ҳамда қоракўл қўйлари ва уларнинг дурагайларининг ичидан сўйиб олинган ва чала туғилган қўзиларнинг ишлов берилмаган ҳар хил рангдаги (қора, шерози сур, рангдор ва ола) териларга таалуқлидир.

2. Териларнинг ашёвий қўриниши.

Терилар қўйидагича бўлиши керак:

-тери қўзи томоғининг ўртасидан думининг асосигача тўғри тилини боши, думи ва оёқларининг туёғича сақланган ҳолда яхлит шилиб олинган;

-тери сатҳи қўзининг бошидан то думи ва оёқлари туёқларигача сақланган ҳолда, томоғининг ўртаси ва қорнигача узунасига бир текис кесилиб яхши шилиб олинган;

- гўшт, ёғ, тоғай ва пай қолдиқларидан тозаланган;

-тузлаб ёки тузламай, фермент – кимёвий ёки ачитиш усусларида ишлов берилган.

Тузлаб ёки тузламай қуритиш усуслари билан ишлов берилган териларнинг сатҳи ва оёқ қисмлари бурмаларсиз, текис, жун толаларининг томирларига зарар етказилмаган жун толаси ва гўшт пардаси ифлосликларидан ва қондан тозаланган, яхши ёғсизлантирилган бўлиши керак.

Ачитиш ёки фермент – кимёвий усуслар билан ишлов берилган териларнинг сатҳи текис гўшт пардаси томони оқиш доғсиз, жун тола қоплами ифлосликлардан яхши тозаланган бўлиши керак.

1. Кўхи терилари.

3.1. қоракўл териларининг тоза зотлиги қўйидаги белгилар бўйича аниқланади.

Териларнинг бутун сатҳи ҳар хил шакл ва турдаги қоракўл гули (гажаклари) билан қопланган, жун тола қопламиининг ва ипаксимонлиги ҳар хил даражада, бўйин қисмида жун толасининг узунлиги тўғриланган ҳолатда 30 мм. дан, оқ ва оқчил шерози рангли териларда 40 мм. дан ошмаслиги керак. Бош ва оёқларининг жун тола қоплами гуллар ёки мавжли сурат ҳосил қилган. Думининг асоси кенг, уч қисми ўсимтали.

Жун тола қопламиининг ранги.

Жун тола қопламиининг ранги бўйича қоракўл терилари қўйидаги талабларга жавоб бериши керак.

Чарм хом-ашёси учун ГОСТ 1134-73 мавжуд. Бу ГОСТ га асосан чарм хом-ашёси ҳайвон териси ва оғирлигига қараб қўйидагиларга бўлинади:

- кичик; - катта; - чўчқа териси.

Майдарга қўйидагилар киради: - бузоқ териси; - буталоқ териси; - тойчоқ териси; - рус қўйлари; - чўл қўйлари; - чўл эчкилари; - уй эчкилари; - ёввойи қўй ва эчкилар.

Йирик териларга қўйидагилар киради: - новвос териси - оғирлиги 13 дан 17 кг гача;

сигир териси: - енгил - оғирлиги 13 дан 17 кг гача; - ўрта - оғирлиги 17 дан 25 кг гача; - оғир - оғирлиги 25 кг дан юқори.

хўқиз териси: - енгил - оғирлиги 17 дан 25 кг гача; - оғир - оғирлиги 25 кг дан юқори.

буқа териси: - енгил - оғирлиги 17 дан 25 кг гача; - оғир - оғирлиги 25 кг дан юқори, - буйвол териси;

от териси: - енгил - оғирлиги 10 дан 17 кг гача; - оғир - оғирлиги 17 кг дан юқори.

туя териси: - енгил - оғирлиги 13 дан 17 кг гача; - ўрта - оғирлиги 17 дан 25 кг гача; оғир - оғирлиги 25 кг дан юқори.

ГОСТ 938.0-75 бўйича ўртача намуна танлаш. Физик-механик синовлар ва кимёвий таҳлил ўтказиш учун, аниқланадиган модда ёки материалдан оз миқдорда ўртача намуна олинади. Ишлаб чиқариш жараёни ёки илмий- тадқиқот ишларида ҳар қандай таҳлилни бажариш учун, таҳлил қилинаётган объектнинг ҳақиқий ҳолатига таъсир этувчи ишончли натижа муҳимдир. Унга факат диққат билан танланган ўрта намунани олиш билангина эришиш мумкин, шу сабабли танлаш қоидаси давлат стандарти бўйича лимитланади.

Мўйна саноатида одатда хом-ашё партиясининг яъни чарм ёки мўйнанинг таҳлилий тавсифи таркиб топади. Бир партия бир неча юз чарм ва ҳатто бир неча минг мўйна терисидан ташкил топиши мумкин, таҳлил учун эса, бор йўғи бир неча дона танланади.


Мўйнанинг кимёвий таркибини ва физик-механик кўрсаткичларини аниқлаш учун партияда 100 тагача мўйна бўлса-3 дона 100 тадан куп 625 тагача чарм бўлса-5 дона танланади мўйна таҳлили учун танлаш сонини ушбу формула бўйича аниқланади: $n=0,2\sqrt{x}$ бу ерда x -партиядаги мўйналар сони $n \leq 15$.

Механик ва физик хоссаларини назорат қилиш, шунингдек мўйнабоп терининг кимёвий таркибини аниқлаш учун бир сменада ишлаб чиқарилган партиядан 5 дона танланади.

Партиядаги биринчи обьект ихтиёрий олиниши мумкин колган барчаси-қатъий маълум обьектлар сонидан сўнг танланади, x/n га teng. Масалан, агар партия 625 дона хром билан ошланган чармдан иборат бўлса унда чармни танлаш сони 5 га тенг бўлади. Агар биринчи танлашда: -масалан чарм кетма-кетлиги бўйича олтинчи олинса ундан кейинги тўрт дона чарм мос равишда 131-инчи, 256-инчи, 381-инчи ва 506-инчи яъни $125=x/n=625/5$ оралиқда булади.

Танланган объектлардан ҳақиқий ўрта намунани ташкил этувчи маълум ўлчамдаги майдонлар кесиб олинади. Топографик участкалардаги тузилиш фарқлари чарм ва мўйнанинг физик-механик хоссаларига ва кимёвий таркибига таъсир кўрсатади шу сабабли давлат стандарти намуна кесиб олинадиган участкаларни қатъий меъёрлайди.

1-расмда бириктириш усули ипли ва елимли пойабзалнинг таглиги учун бел қисмидан танланган намуна чизмаси кўрсатилган.



1-расм. Бириктириш усули ипли ва елимли пойабзалнинг таглиги учун сирт қисмидан танланган намунасининг схемаси: 1-кимёвий таҳлил учун, 2-физик-механик тажриба учун тажриба учун


2-расм. Пойабзал устки қисми учун хром билан ишланган чармдан танланган намунасининг схемаси: 1-кимёвий таҳлил учун, 2-физик-механик тажриба учун

Пойабзал устки қисми учун хром билан ишланган чармдан ҳам иккита участка кесиб олинади (2-расм) мўйнабоп терисидан эса минус битта (3-расм) баъзи бир синовлар

участкани кесмасдан туриб ўтказилади. Ҳар доим намуналар галма-гал чарм (ёки, тери)нинг унг ва чап қисмларидан олинади. Теридан физик-механик синов учун кесилган барча намуналар рақамланади ва умуртқадан узунаси бўйлаб, ҳамда умуртқадан этак қисми томон кўрсаткич чизиқлар қўйилади.


Мўйнабоп териси ва пўстинбоп қўй териси участкасидаги жун эҳтиётлик билан № 000 машина ёрдамида қиришланади. Кимёвий таҳлил учун намуналар бирданига тортилиб (абсолют хатолик 0,01 г) ва кичрайтирилади. Тери физик-механик синов учун мўлжалланган намуналар

участкасининг хар бир чегараси ГОСТ 938,0-75 да кўрсатилгандай маълум тартибда жойлаштирилади (4-расм).



3-расм. Муйнабоп қўй терисида намуналарни жойлашиш схемаси. 1-физик-механик тажриба ва химиявий тахлил учун

2-буёкнинг ишқаланшига чидамлилигини аниклаш учун (кесмасдан)




4-расм. Намуналарни чарм майдонига чузилиш узунаси (1.3) ва кундаланг (2.4) буйлаб буёкни курук ва нам ишқаланшига чидамлилигини хайлов асбобида аниклаш (5) куп киррали эгилишларга чидамлилик (6.7) копламиининг ишқаланшига чидамлилигини (8 ва 9) аниқлаш учун жойлашиш схемаси.

Ошловчи экстрактлар ва синтетик ошловчилар тахлилида намуна танланадиган қадоқлар сони n , ушбу формула буйича топилади. $n=0,3\sqrt{x}$; $x<50$ булганда $n=2$, $x=50-100$ булганда $n=3$. Берилган қадоқлар бутун партия бўйлаб бир хил тақсимланиши керак. Барча қадоқларлардан олинган намуналар синчиклаб аралаштирилади сўнгра тўрт бўлакларга бўлиниб, иккитадан қарама-қарши томонлар танланади ўрта намуна тахминан 1,5 кг ни ташкил этади. Экстракт таркибидағи намлик микдори ўзгармаслиги учун намуна танлаш иложи борича қисқа вақт ичida амалга оширилади.

1. *Ассиметрик баҳрома усули.* Ўрганилаётган ҳар хил омиллар ёки технологик параметрлар натижаларини таққослаш учун чарм яримфабрикат ёки чарм топографияси таъсирини чиқариб ташлаш зарур. Бундай холларда ўрта намунани танлашда ассиметрик баҳрома усулидан фойдаланилади.

(АБУ) Бу усул қуйидаги кетма-кетликда бажарилади. Бунда зарур тадқиқотнинг сонли варианtlари белгиланади ва гурухга кирувчи ҳар бир вариант (одатда энг ками 5) учун кўзда тутилган сонли (тасма) намуналар топширилади. Намуналар сони қанча кўп бўлса, вариантни тавсифловчи ўрта қиймати шунча аниқ бўлади.

Намуналар ўлчовчи физик-механик ёки физик синовлардан олдин асбоблар ёрдамида аниқланади ва намуналарнинг барчаси тўғри туртбурчак остида ётиши керак (5-расм).



5-расм. Ассиметрик баҳрома усули бўйича ўрта намуна танлаш схемаси

Масалан, хром билан ошланган чармнинг таркибига турли хил миқдорда аминоқотронлар киритиш чармнинг чўзилувчанлигига қандай таъсир қилиншини аниқлаш талаб этилсин.


Киритиладиган қатрон миқдори гўлак массасига нисбата 4, 6,8, 10 % ташкил қилади. Шундай экан, тўртта тажриба варианти ва битта назорат варианти ҳаммаси бўлиб битта таҳлил ўтказамиз. Шундай экан, ҳар бирида олтигадан намуна бўлган беш гурух танлашимиз керак - ҳаммаси $5 \times 6 = 30$ та булади. Умуртқа чизиги ва периферия участкасидан ташқари гўлакнинг ўрта қисмида иккита тўғри туртбурчак белгиланади (5-расм) ва уларни ҳар иккинчиси ҳам teng 15 та тасма бўлиб жами 30 тасма ҳосил қилинади.

Чап томондан пастдан тепага қараб рақам қўйилади, ўнг томондан эса аксинча тепадан пастга қараб қўйилади (шу сабабли бу усул асимметрик дебномланади).

Биринчи гурухга ихтиёрий биринчи бешта тасмадан бири олинади қолганлари эса 5 оралиғида бўлади. Масалан, биринчи гурух учун 1 тасмани танласак шунда қолганлари 6, 11, 16, 21, 26, бўлади, ҳаммаси бўлиб 6 та . Иккинчи гурух намуналари эса 2, 7, 12, 17, 22, 27, учинчи гурух - 3, 8, 13, 18, 23, 28, тўртинчи гурух 4, 9, 14, 19, 24, 29 ва бешинчи гурух-5,10,15,20,25,30 ташкил этади.

Ассиметрик баҳрома усули текшириш усули текширилаётган варианatlар сони ва аниқлик даражасига қараб баъзи бир чарм ва териларга бир неча хил кўринишда қўллаш мумкин.

2. Нимталик усул. Ўтказилиши лозим бўлган тадқиқотларга кўра ярим ишлаб чиқариш шароитида нимталик усули кенг қўлланилади, унда қизиқтирган сифат кўрсаткичларнинг ўзгариши бир хил ва бошқа чарм (ёки ярим-фабрикат) нинг симметрик нимтали таққослаш йўли билан аниқланади; улардан бири-назорат учун, иккинчиси эса тажриба учун. Одатда, тажриба ва назорат учун нимталик кичик партияли танланади (10-25 дона), галма-гал ўнг ва чап нимталиклар (6-расм). Назорат учун мўлжалланган партияга стандарт қўлланма бўйича ишлаб берилади, тажриба учун мўлжалланган партияга эса ўзгартирилиб, қайсиdir жараёнларни мукаммалаштириш ёки чарм ва мўйнанинг сифатини ошириш мақсадида унинг параметрларини ўзгартириш асосида ишлов берилади.



6-расм. Нимталик усули бўйича намуна танлаш схемаси. 1-назорат,
2-тажриба нимталиги

Солишлириш қанчалик бир хил ва шунга ўхшаш чармларда олиб борилса, у ҳолда нимталик тавсифдаги оғишлар технологик жараёнига киритилган ўзгаришлар билан ўзаро боғлиқ бўлади.

Чарм-мўйна тайёр маҳсулотларни механик хоссалари.

Чарм ва мўйна тери тўқимаси сифатининг меъёрланадиган асосий тавсифи узайиш ҳисобланади. Соч учун бу кўрсатгич меъёрланмайди, чунки унчалик катта аҳамиятга эга эмас. Чарм, мўйна териси тўқимаси ва пўстинбоп қўй териси тўқимаси чўзилганида умумий, чўзиладиган ва қолган узайии аниқланади.

Умумий узайии чўзиладиган ва қолган узайиш йигиндисига teng. Умумий узайиш намунанинг чўзишдан олдинги ва кейинги узунлигининг биринчи узунлигига нисбати сифатида фоизда берилади.

Чўзиладиган узайии - намунанинг чўзилган вақтдаги ва бевосита ечиб олинган пайтдаги узунлигининг биринчи бошланишидаги узунлигига нисбати фоиз ҳисобида.

қолдиқ узайиши - намунанинг чўзилгандан кейинги узунлигининг биринчи бошланишидаги узунлигига нисбати фоиз ҳисобида.

Чўзиладиган ва қолган узайишлар шартли катталик ҳисобланади ва вақт билан боғлиқ бўлади. Агар қолган узайишни дарҳол юк олингандан кейин ўлчасак ва бир қанча вақт оралиғида ўлчаб борсак, бу қўрсатгич катталиги аввалига жуда тез, кейин эса аста-секин камаяди.

Хар хил намуналарнинг узайишини текшириш учун, маълум юзага бир хил юк билан таъсир қилиш керак. Чарм ва мўйнанинг умумий узайишини тавсифлаш учун буйлама ва кесма узайиш стандарт билан меъёrlанган.

Пойабзал ишлаб чиқариш жараёнида чарм анча чўзилади. Катта шохли мол терисидан хром билан ошланган териларнинг узайиши 20-30% ни ташқил этиши керак. Агар узайиш 20% дан кам бўлса, чарм юзасида ёриқлар пайдо бўлади.

Пойабзал ишлаб чиқариш саноати учун мўлжалланган чармлар учун қолган узайиши катта аҳамиятга эга. Чунки пойабзалнинг баъзи деталларини худди шундай эластиклик хоссаларига эга бўлган чармдан тайёрлаш мумкин.

Синалаётган намунанинг кўндаланг кесими юзасига берилаётган юк таъсирида узиладиган пайтидаги босим билан ҳарактерланадиган сифат қўрсатгичи чўзилишдаги мустаҳкамлик чегараси дейилади. Бу қўрсатгич қўйидагича аниқланади:

$$S = \kappa \cdot P/F,$$

бу ерда

s - чўзилишдаги мустаҳкамлик чегараси, Па;

P - узилишдаги юк, Н;

F - намунанинг кундаланг кесим юзаси, м².

Чарм ва мўйна териси тўқималарининг чўзилишдаги мустаҳкамлик чегараси тўқима тутамларининг деформацияси ва мустаҳкамлигига боғлиқ. Агар таъсир қилинаётган куч йўналиши тўқима тутамлар йўналиши билан тўғри келса, улар фақат узаяди. Чарм чўзилиши йўналишига бурчак остида турган тутамлар тўғри қучлар таъсирида чўзилади, кундаланг қучлар таъсирида эса қайишади. Агар чўзиш жараенида чарм фақат чўзилса, босим берilaётган куч катталигига тенг бўлади. Агар чарм ҳам чўзилса, ҳам кайишса, бунда босимлар йиғиндиси кўпроқ бўлади ва тўқима тутамлари тезроқ узилади.

Чарм намунасида қанча кўп тутамлар кайишса, чармнинг чўзилишдаги мустаҳкамлик чегараси шунча кам бўлади.

Чарм-мўйна тайёр маҳсулотлари хоссаларининг регламентланиши

Гигротермик мустаҳкамлик хўл чарм ва мўйна чарми мустаҳкамлигининг юқори ҳароратда ўзгариши билан ҳарактерланади.

Чарм ва мўйнанинг гигротермик мустаҳкамлиги 5 дан 95 гача ўзгариб туради. Бу қўрсатгич катталигига ошлаш тури таъсир қиласи. Чармнинг кислоталиги ошиши билан унинг гигротермик мустаҳкамлиги камаяди.

Тўлдирилган ва кўп ёғланган чарм яхши бўкмайди, шунинг учун гигротермик мустаҳкамлиги юқори бўлади.

Пишиш ҳарорати - чарм ва мўйна структурасининг иссиқлик ва нам таъсирига чидамлилигининг миқдорий тавсифларидан биридир.

Пишиш намуна узунлигининг маълум ҳароратгача киздирилганда камайиши билан ифодаланади. Ошлаш турига, тўлдирилганлик даражасига қараб пишиш ҳарорати анча ўзгаради.

Пишиш ҳарорати ва коллаген структурасининг хром бирикмалари билан боғланганлиги, пишиш ҳарорати ва чармнинг эластиклик хоссалари орасида тўғри боғлиқлик урнатилган. Шунингдек чармнинг механик мустаҳкамлиги билан ҳам боғлиқлик мавжуд.

Жун 100-110оС да қиздирилганда ранги ўзгаради, яъни унинг хоссалари ўзгара бошлайди. Жунни қуритишда ҳарорат 70°C дан ошмаслиги керак, ювишда эса - 45-50°C дан. 150°C гача бўлган ҳароратда куруқ жунни 4 соат давомида қиздирилганда унинг мустаҳкамлиги 8% га камаяди, 150°C дан юқорида - 25% га. Жунни сувда 1 соат кайнатганда эса мустаҳкамлиги 43% га камаяди.

Буғ ўтказувчанлик ва буғ сифими. Чарм ва мўйна тери тўқимаси буғ ўтказувчанлик ва буғни ютиш хусусиятларига эга бўлиши керак. Одам оёғи товони соатига 3-15 мл гача намлик чиқаради, бу эса пойабзал ичидаги нисбий намликни 70-80% га чиқаради. Чарм ва мўйна териси тўқимаси 50-70 фоизгача намликни ютиши ва утказиши керак. Шунинг учун буғ ўтказувчанлик ва буғ сифими - чарм ва мўйнанинг асосий гигиеник қўрсатгичларидир.

Буғ ўтказувчанлик - чарм ва мўйнанинг кўп намликка эга бўлган муҳитдан кам намликка эга бўлган муҳитга сув буғларини утказиши қобилиятига айтилади. Ҳар хил чармларнинг буғ ўтказувчанлиги ҳар хил бўлади, яъни 0,5-11,6 мг/(см²*ч).

Буғ сигими - чарм ва мўйнанинг маълум вақт ичida узига оладиган сув буғлари миқдори.

Зичлик *r* - модданинг асосий физик хоссаларидан бири бўлиб, у вазннинг ҳажмга бўлган нисбатига тенг:

Тахминий зичлик деб чарм ёки мўйна вазнинг бутун ҳажмига, яъни ғовакларни ҳисобга олган ҳолдаги ҳажмига бўлган нисбатига айтилади. Тахминий зичлик терининг майда ҳаво чиқадиган тешикчаларига, яъни терининг турига ва ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларига боғлиқ.

Хакиқий зичлик тери вазннинг ҳажмига (тери тешикчаларини ҳисобга олмаган ҳолда) бўлган нисбатига айтилади. Хакиқий зичлик тери таркибига боғлиқ: ёғловчи моддалар, тўлдирувчилар ва х.к.

Чарм ва мўйна маҳсулотларининг хўлланиши одам организмига салбий таъсир қўрсатади. Чарм ва мўйна маҳсулотларининг доимий хулланиши ва қуритилиши уларнинг хоссаларининг бузилишига ва маҳсулотнинг тез емирилишига олиб келади.

Сувга чидамлилик қўйидаги қўрсатгичларга эга:

1. Сувда хўл бўлиш - намуна юзасида биринчи томчи сув пайдо булгунча кетадиган вақт билан ҳарактерланади.

2. Сув ўтказувчанлик - 1 см² чарм тўқимасидан 1 соат вақт ичида ўтадиган сув миқдори мл да.

3. Сувда бўқии - чармнинг сувни ўзига шимиш хусусияти. Намунани сувга ботириш ва 18% намликка эга намунанинг нисбати бўйича фоизда ҳисобланади.

Сувда хўл бўлиш ва сув ўтказувчанлик биринчи навбатда чармнинг ички ва ташқи томонларининг хулланиш хусусияти билан боғлиқ. Сувда хул бўлишга шунингдек ошлаш тури, чармнинг қалинлиги ва зичлиги, ёғловчи ва тўлдирувчилар табиати, пардозлаш тури ва бошқалар таъсир кўрсатади.

Иссиқлик ўтказувчанлик. Чарм ва мўйнанинг асосий хусусиятларидан бири, бу иссиқлик ўтказувчанлик, яъни бўлардан бўлган маҳсулотларнинг иссиқлик сақлаш хоссалари. Чарм ва мўйнанинг иссиқлик ўтказувчанлик қобилияти унинг зичлиги ва ғоваклиги билан боғлиқ. Зичлиги кам, ғоваклари ҳажми кўп чармларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги, зичлиги юқори, ғоваклари ҳажми кам бўлган чармларнидан анча кам. Бир хил зичликдаги териларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги ғоваклик ҳажми қанча катта бўлса, шунча кам бўлади.

Намлик ошиши билан, айникса бўқканда, чарм ва мўйнанинг иссиқлик ўтказувчанлиги 1,5-2 марта ошади. Ёғловчи ва тўлдирувчи моддалар киритилганда курўқ чармнинг иссиқлик ўтказувчанлиги ошади. Пойабзалнинг устки қисми учун ишлатиладиган хромли чармларнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти 1 0,051-0,156 Вт/(м²*оС), хромтанинг услуби билан ошланган булгор терисиники 0,121-0,164, замшаники - 0,053 Вт/(м²*оС)га teng.

Чарм-мўйна тайёр маҳсулотлари эксплуатацияон ва бошқа хоссаларига қўйиладиган умуумий талаблар

Чарм ва мўйнанинг тавсифига унинг эстетик хоссалари киради. Эстетик хосса - нарсанинг қийматини сезиш билан қабул қилишга айтилади. Эстетик хоссага юзанинг структураси, ранг, ялтироқлик, чарм ва мўйна юзасининг хиравлиги, мўйна сочининг майнлиги, чармнинг юмшоқлиги, эгилувчанлиги киради. Чарм ва мўйнанинг эстетик хоссалари асосан пардозлаш жараёнида ҳосил бўлади.

Юзанинг структураси, ранг, ялтироқлик, хиравлик ҳам одам томонидан худди юмшоқлик, эгилувчанлик, қаттиқлик каби органолептик қабул қилинади. Чарм ва мўйнанинг кўпгина эстетик хоссалари субъектив баҳоланади. Аммо кўпинча намунавий баҳолаш ёрдамида миқдорий аниқланади.

Сув. Чарм, Мўйна чарм тўқимаси, соч қисмининг структура тузилиши, уларнинг кимёвий табиати, технологик жараёнларда ўзгариб турадиган гидрофил ва гидрофоб группалар нисбати, чарм, мўйна ва пўстинбоп қўй

териларида қисман сув ёки намлик бўлишини аниқлаб беради. Чарм таркибида стандарт бўйича 16% гача намлик бўлиши керак. Сув миқдори шунингдек атроф муҳитнинг нисбий намлиги ва об-ҳавоси билан боғлиқ. Ҳавонинг маълум ҳароратдаги ҳар қандай нисбий намлигига, чарм ёки мўйна таркибидаги намлик тўғри келади.

Намлик миқдори терининг қалинлиги, юзаси, уларнинг қаттиқ-юмшоқлик сифатига, чўзилишга чидамлилик, сиқилишга чидамлилик, ҳаво ўтказувчанлик ва бошқа кўрсатгичларига таъсир кўрсатади.

Хом-тери моддаси. Хом-тери моддаси чарм, мўйна чарм тўқимасининг асосий қисми бўлиб, хом ашёдан терига ўтган оқсил моддаларнинг миқдори билан ҳарактерланади. Чарм ва мўйна чарми тўқимаси таркибидаги хом-тери моддаси миқдорининг кўплиги, тайёр маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишини таъминлади. Аммо бунинг учун хом-ашёни сақлаш давомида хом-тери моддаларида чўқур ўзгаришлар ва хом-тери моддаларидан ҳосил бўлган толалар заарланмаган бўлиши керак (тўқималарда узилишлар ёки синиқлар учрамаслиги керак). Акс ҳолда чарм ва мўйнанинг чўзиш вақтидаги мустаҳкамлик чегарасининг камайиши ва чарм сиртқи қатламиининг тортилиши каби нуқсонларининг ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Хом-тери миқдори ҳар хил чарм ва мўйналарда ҳар хил бўлади. Масалан, 18% намлиқда пойабзалнинг остки қисми учун ишлатиладиган чармларда 40-50%, устки қисми учун 50-70%, қуён териларида 61-66%, пўстинбоп териларда 62-63% ни ташкил этади.

Ёғ моддалар.

Чарм, мўйна ва пўстинбоп терилар таркибида ёғ моддалар мавжуд. Булар хом-ашёдан ўтган ва ишлаб-чиқариш жараёнларида киритилган ёғ моддалардир. Чарм ва мўйна таркибидаги ёғ моддалар миқдори 0,5 дан 30% гача ташкил этади. Тери таркибида ёғ моддасининг ошиши билан, буғ, ҳаво ва сув ўтказувчанлиги камаяди, чўзилишга чидамлилиги ошади. Терининг топографик участкаларида ҳам ёғ миқдори ҳар хилда таркалган. Юпқа ва ғовак жойларда кўпроқ, қалин ва зич жойларда камроқ учрайди.

Минерал моддалар.

Чарм ва мўйна таркибида хом-ашёдан ўтган, консервалаш пайтида ва ишлов бериш пайтида киритилган кальций, магний, хром, алюмин тузлари кўринишидаги минерал моддалар жуда кам миқдорни, 0,5% гача ташкил этади. Чарм ва мўйна таркибидаги минерал моддалар миқдорига қараб, технологик жараёнларнинг қанчалик тўғри олиб борилганлигини аниқлаш мумкин. Чарм ва мўйна таркибидаги минерал моддалар, бошқа органик қисми ёқиб ташлангандан кейин кул шаклида колади. 18% намлиқда минерал тўлдирувчиларсиз таниidlар билан ошланган териларда 0,5-2%, минерал тўлдирувчилар билан - 3,5-5%, хромли чармларда - 4-12%, шундан 3-7% хром оксиди, кул қолади.

Чарм ва мўйна таркибида минерал моддалар кўплиги терининг оғир бўлишига олиб келади. Бу эса мўйна саноати учун тўғри келмайди.

Сувда ювилувчан моддалар. Сувда ювилувчан моддалар таниidlар ва синтетик ошловчилар билан ошланган чармлар таркибига киради. Улар ошловчи эритманинг таниidlари ва таниидмаслари, органик ва анорганик тўлдирувчилар, хом тери моддасининг бир қисмидан ташкил топган.

Таниidlар билан ошланган терилар таркибига сувда ювилувчан моддалар ошиши, унинг пишиш ҳароратининг пасайишига олиб келади, камайиши эса ошишига олиб келади. Стандарт бўйича сувда ювилувчан моддалар миқдори булғор териларда 5-6%, пойабзалнинг остки қисми учун ишлатиладиган чармларда 20-25% дан ошмаслиги керак.

Боғланган ошловчи моддалар. Боғланган ошловчилар ҳақида чарм ва чарм тўқимаси таркибидаги хром, алюминий, цирконий ва бошқа боғламаларнинг шу метал оксидига бўлган қайта ҳисоби билан фикр юритса бўлади. Боғланган ошловчилар ошлашнинг сифатини тавсифлайди.

Чармдаги боғланган ошловчилар ва хом-тери моддаси миқдорига қараб, ошланганлик сони аниқланади.

Ошланганлик сони ошиши билан терининг пишиш ҳарорати, чўзилишга чидамлилиги ошади, умумий деформация камаяди. Стандарт бўйича Кд қ 40-65%.

Минерал ошловчи моддалар. Ошланиш турига қараб, минерал ошловчи моддалар миқдори хром, алюминий, цирконий ва бошқалар оксидига қайта ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Чарм ва мўйна таркибидаги хром билан унинг қаттиқ-эгилувчанлик хоссалари, сув, кимёвий реагентлар ва микроорганизмлар таъсирига алоқаси, иссиқка чидамлилик каби қўрсатгичлари узвий боғлиқдир.

Кислоталиги. Чарм ва мўйна таркибига кислоталар эркин ва оқсилиниг функционал группалари билан боғланган ҳолда, шунингдек бошқа боғламалар таркибига бўлиши мумкин. Минерал кислоталар чарм ва мўйна тўқималарига бирданига таъсир этадиган иссиқлик ва намлиknинг тери мустаҳкамлигини камайтиришига олиб келади. Боғланмаган минерал кислоталар сақлаш пайтида мўйна ва пўстинбоп терилар тўқимасининг бузилишига олиб келади, шунингдек тиқилган маҳсулотларнинг тикишларининг ейилишига олиб келади.

Тўқиманинг асослиги. Хромли чармларни ва мўйна тери тўқималарини тахлил қилишда тўқиманинг асослиги аниқланади. Тўқиманинг асослиги, чармда мавжуд бўлган хром боғламаларининг асослигини кўрсатади. Тўқиманинг асослиги камайиши билан чармнинг пишиш ҳарорати пасяди, иссиқ сувда иситилганда юзаси кичраяди.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Чириш деб нимага айтилади?
2. Тўқималарнинг сувсизланиши қандай содир бўлади?
3. Ош тузи ва бошқа моддалар эритмасининг таъсири қандай?
4. Мухит реаксиясининг ўзгаришини айтинг.

5. Антисептикларнинг таъсирини тушинтиринг.
6. Юқори ва паст ҳароратнинг таъсири қандай?
7. Ишлов бериладиган хом ашё массаси ишлаб чиқариш
1. технологиясига қандай боғлиқ.
8. Тайёрлов жараёнларининг сурковсиз усули қандай жараёнлар кетма-кетлигини ўз ичига олади.
9. Мездралаш қайси пайтда ўтказилса, самарали бўлади.
10. Катта шохли мол терилари қандай шаклларда бичилиб ишлов берилади?
11. Яриммаҳсолотни ошлашдан сўнг ёки ошлаш фазалари оралиғида иккилаш қандай афзалликларга эга?
12. Соф зотли қоракўл терилари қандай кўринишда бўлиши керак?
13. Қоракўл териларнинг соф зотлилиги қандай белгилар бўйича аниқланади?
14. Жун тола қопламининг ранги бўйича қоракўл терилари қандай талабларга жавоб бериши керак?
15. Давлат стандартига мувофиқ чарм хом-ашёсига қандай хайвон терилари киради?
16. Стандарт бўйича тайёр чарм таркибида неча фоиз намлик бўлиши керак?
17. Намлик миқдори чармнинг қандай кўрсаткичларига таъсир кўрсатади?
18. Чарм ва мўйна таркибидаги минерал моддалар қандай тузлар кўринишида бўлади?
19. Хом тери миқдорининг чарм тўқимаси таркибида қўплиги чарм сифатига қандай таъсир қиласди?
20. Буғ ўтказувчаник кўрсаткичини тарифланг?
21. Тахминий зичлик ва хакикий зичлик орасида қандай фарқ бор?
22. Сувга чидамлилик қандай кўрсаткичларига эга?
23. Сувда ювилувчан моддалар нимадан ташкил топган?
24. Чарм ва мўйна тери тўқималарининг асослигининг камайиши пишиш ҳароратига қандай таъсир кўрсатади?
25. Чарм ва мўйна таркибида неча фоизгача ёғ моддалари бўлади?
26. Пишиш ҳарорати деб нимага айтилади?
27. Пишиш ҳароратига қандай омиллар таъсир қиласди?
28. Хромли чармларда пишиш ҳарорати чегараларини кўрсатинг.
29. Гигротермик мустаҳкамлик нимани ифодалайди?
30. Тери тўқимасини узайиши деб нимага айтилади?
31. Узайиш турлари кўрсатинг.
32. Чўзилишдаги мустаҳкамлик чегараси кўрсаткичини таърифланг.
33. Чўзилишдаги мустаҳкамлик нимага боғлиқ?
34. Мўйнанинг эстетик хоссаларига қандай хоссалар киради?
35. Эстетик хоссалар қандай баҳоланади?

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

1 амалий машғулот

“ЎЗЧАРМСАНОАТ” УЮШМАСИ ТАРКИБИДАГИ КОРХОНАЛАР ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИ ВА ОПЕРАЦИЯЛАРИ

РЕЖА

1. «Osiyo-mo`ynasi» МЧЖ технологик жараёнлари.
2. «Меховая мода» ишлаб чиқариш корхонасининг технологик жараёнлари.
3. «Osiyo-Charm-Fayz» МЧЖ технологик жараёнлари.
4. «Ulkan-Laziz» МЧЖ технологик жараёнлари.

Ишнинг мақсади: “ЎЗЧАРМСАНОАТ” уюшмаси таркибидаги корхоналар технологик жараёнлари билаан танишиш

Ишнинг баёни: «Osiyo-mo`ynasi», «Меховая мода», «Osiyo-Charm-Fayz» ва «Ulkan-Laziz» МЧЖ ишлаб чиқариш корхоналарининг технологик жараёнлари ва операциялари.

1. «Osiyo-mo`ynasi» МЧЖ технологик жараёнлари

«Osiyo-mo`ynasi» МЧЖда мўйна ишлаб чиқариш жараёнларида мўйнанинг тери тўқимаси билан бирга жун қопламининг хоссалари ҳам ўзгаради. Ишлов беришда тери тўқимаси юмшоқлик, пластиклик хусусиятига эга бўлади ва унинг сувга, терлашга, кимёвий моддалар ҳамда микроорганизмлар таъсирига чидамлиги ошади.

Мўйнабоп қўй терилари, жуни калта қилинган, табиий ёки рангланган ҳолда ишлаб чиқарилади. Қоракўл жун қопламининг устки қисмига эса маҳсус ишлов берилади ва бунинг ялтироқлиги ортади. Шунингдек, маҳсус буюртма орқали мўйнабоп қўй териларининг жун қопламига қундуз, денгиз мушуги, сув каламуши, сассиқкўзан мўйналарига ўхшатиб (имитация) ишлов берилади.

Товушкон мўйна терилари сочли (табиий ва бўялган), бир қисми қирқилган (денгиз мушугига ёки қимматбаҳо мўйна турларига ўхшатиб рангланган), бир қисми қирқилган ва жуни яхшиланиб, имитацияланади.

2. «Меховая мода» ишлаб чиқариш корхонасининг технологик жараёнлари

«Меховая мода» ишлаб чиқариш корхонасида қоракўл мўйналар асосан ташқи кўриниши белгиларига қараб таснифланади, Чунки қоракўл мўйналари бир-биридан тубдан фарқ қиласди. Бунга боғлиқ равишда, мўйна, жун қопламининг ҳолатига, рангига, ўлчамлари, нуқсонларига қараб бўлинади. Қоракўл мўйнасининг ҳамма турлари бўйича таснифланадиган ягона стандарт мавжуд эмас. Бунинг сабаби шундаки, қоракўл мўйна саноатида элликдан ортиқ турдаги тери ассортиментларига ишлов берилади. Бу териларнинг хоссалари биологик белгиларига қараб, жуда бир-биридан

тубдан фарқ қиласди. Бундан ташқари, мўйна сифатига хом ашёга бирламчи ишлов бериш ва ишлаб чиқариш усуллари ҳам таъсир кўрсатади.

МЕХОВАЯ MODA, СП Год основания:2008 г.

Продукция: Шкуры каракуля; готовые меховые изделия, утепленная рабочая одежда на меху (бушлаты).

Производственная мощность: Шкурки каракуля 100 000 шт. в год. Шубы каракулевые 1000 шт. в год.

Шапки каракулевые 3000 шт. в год. Юезрукавки каракулевые 1000 шт. в год. Бушлаты 3000 шт. в год.

Адрес: РУ, г. Бухара, ул. Пиридасттир, 14 Телефон: +998 91 416 1779
E-mail: glav-buxgalter@mail.ru

«Osiyo-Charm-Fayz» МЧЖ технологик жараёнлари

«Osiyo-Charm-Fayz» МЧЖда пойбазалнинг остки қисми учун чарм ишлаб чиқаришда, йирик шохли моллар, от териларидан фойдаланилади.

Бу чармларни ишлаб чиқаришда, ўсимлик, синтетик ва ноорганик ошловчилар ҳамда уларнинг аралашмаси қўлланилади. Бу чармлардан таглик, патаклар, баҳялар, нағаллар, охирчўплар ва бошқа пойбазалнинг остки қисми учун чарм деталлари бичилади. «Osiyo-Charm-Fayz» МЧЖ чармлари табиий кўринишда, яъни ошлашда олган рангда ёки очик рангларда ишлаб чиқарилади. Стандартга асосан, пойбазалнинг остки қисми учун чарм беш тоифага бўлинади.

I-тоифага қалинлиги 4,5мм дан юқори бўлган чармлар, II–4,1–4,5, III–3,6–4,0, IV–2,6–3,5, V–2,6 мм дан кичик чармлар киради. Биринчи уч тоифа таглик чармлар, IV ва V –патақ чармлар ҳисобланади.

«Osiyo-Charm-Fayz» МЧЖда кийим учун чармлар асосан хром билан ошланган бўлиб, қўй териларидан ишлаб чиқарилади. Бу чармлар "кийим шеврети" деб ном олган. Поябзал учун чармдан фарқли, шеврет юмшоқроқ ва чўзилувчанроқ бўлади.

Атторлик чармлари қўй, эчки, тойчоқ, чўчқа, ит ва поябзал учун яроқсиз арраланган терилардан ишлаб чиқарилади. Буларга баҳмалсимон чарм турлари киради. Лайка чарми қўй, эчки, тойчоқ ва ит териларидан алюминийли аччиқтошлар, натрий хлорид билан ишлов берилиб олинади. Атторлик чармлари текис ва мустаҳкам рангга, чиройли ташқи кўринишга, сирти мустаҳкам қатламга эга бўлишилиги билан, қўлқоп чармлари яхши чўзилувчанлиги, пластиклиги ва юмшоқлиги билан ажралиб туриши керак.

«Ulkan-Laziz» МЧЖ технологик жараёнлари

«Ulkan-Laziz» МЧЖда технологик жараёнлар асосида қуйидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади:

- а) пойбазал учун чармлар (пойбазалнинг остки ва устки қисми учун);
- б) эгар-жабдук учун чармлар (от абзаллари, одамлар ва от жиҳозлари учун чармлар);
- в) кийим-атторлик чармлар: кийим ва кийим бош ва атторлик (қўлқоп, атторлик ва сафар буюмлари учун) чармлар.

Бундан ташқари чармлар хом ашё турига, ошлаш усулига, пардозлаш характеристи ва усулига, конфигурацияси (шакли), ҳамда қалинлиги ва майдонига қараб ажратилади.

«Ulkan-Laziz» МЧЖда таглик чарми киши товонини босилган юздан ажратиб туради, товонга механик таъсирини юмшатади, пойбзалнинг устки қисмидаги чармни сув ва ахлат киришидан ва эйилишидан сақлайди. Пойбзални кийиб юришда таглик механик, физик ва кимёвий таъсирларга чалинади (грунт томонидан ишқаланиши, кўп марталаб сиқилиш ва эгилишга, ҳарорат ва бошқаларга), бу эса ўз навбатида уни бузилишига яъни эйилишига олиб келади.

«Ulkan-Laziz» МЧЖда пойбзалнинг устки ва остки қисмларини биритириш усулига қараб, таглик чармлар:

а) михли мустаҳкамланиш усулларига–оғир турдаги ишчи пойбзаллар чармiga;

б) ипли ва елимли мустаҳкамланиш усулларига – ҳар кун кийиладиган енгил пойбзаллар чармiga бўлинади.

«Ulkan-Laziz» МЧЖда пойбзал мақсадига кўра хом ашё ва терига ишлов бериш усули танланади. Пойбзалнинг остки қисми учун чармлар табиий рангда, тўғрироғи ошлашда олган ранги билан ишлаб чиқарилади. Бу чармларнинг эйилишига, кўп марталаб деформацияланишига, сиқилишига, ҳарорат таъсирига ва бошқаларга чидамли бўлиши талаб қилинади. Патак чармлар, намликка, терга ва иссиқликка чидамли бўлиши таъминланади.

Пойбзалнинг устки қисми учун чармлар рангига қараб табиий ва оқ, кўк ранглига; пардозлаш турига қараб анилинли, казеин қопламаси билан эмульсион казеинли, эмульсияли қоплама, шу жумладан ярим анилинли ва бошқа турдаги қопламаларга; қалинлигига қараб юпқа, ўрта ва қалинга бўлинади.

Пойбзалнинг устки қисми учун чармлар тагликка ва елим усули билан мустаҳкамланадиганлардан (модадаги ёки ҳар кун кийиладиган) пойбзаллар ишлаб чиқарилади. Чиройли ва кўркам пойбзаллар баҳмалсимон чармлардан (мойлар билан ошланган) ва лок чармларидан тайёрланади. Баҳмалсимон чармлар хом ашёси сифатида кийик, буғу, эчки ва қўй терилари ишлатилади. Баҳмалсимон чарм қалин бўлиб, паст тукка эга бўлади. У жуда силлиқ ва юмшоқ бўлади, табиий ёки рангли ҳолда ишлаб чиқарилади. Лок чармлари бузоқча, бузоқ, тойчоқ, айниқса кичкина эчки териларидан ишлаб чиқарилади.

Оғир ишчи пойбзалларни ва армия этикларини тикиш учун винтли ва михли усул билан мустаҳкамланадиган, хром ва ўсимлик моддалари билан ошланган булғори чармлар ишлатилади. Булғори чарми пойбзал ва шиппак турларига бўлинади. Пойбзалнинг устки қисми учун ишлаб чиқарилаётган чармнинг арраланган қисми яъни дерманинг иккинчи қатлами ҳам пойбзал учун ишлатилади. Бу чарм тери тўқимасининг ёки хромланган яриммаҳсолотнинг иккилашдан ҳосил бўлади. Арраланган (пойбзал учун) чарм қорамоллар ва чўчқа териларидан олинади. Бу чармлар қоплама бўяш

усулида бўялади. Улар силлиқ ва нақшли бўлади, рангига қараб қора ва рангли; қалинлигига қараб қалин, ўрта ва юпқа; майдони бўйлаб беш гурухга: 100 дм² ва ундан юқориларга бўлинади. Астарли чарм ошланган, лекин пойбзал учун яроқсиз бўлган чарм яриммаҳсулотлардан тайёрланади. Улар ташқи кўринишига, ошлаш усулига, пардозлаш характеристига, қоплаб бўяш хусусиятига қараб бир неча турларга бўлинади. Астарли чарм қаттиқ бўлмаслиги, яхши ошланган, бутун майдони бўйлаб ишлов берилган, синмайдиган, қоплама плёнкаси тўкилмайдиган бўлиши керак.

Тингловчилар учун топширик

1. «Osiyo-to`ynasi» МЧЖда мўйна ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?
2. Мўйнабоп терилари қандай ҳолда ишлаб чиқарилади?
3. Maxsus буюртма орқали қаелай мўйна терилари имитацияланади?
4. «Меховая мода» ишлаб чиқариш корхонасида қоракўл мўйналар қандай ташқи кўриниши белгиларига қараб ажратилади?
5. Қоракўл мўйнасининг стандартларини номланг.
6. «Osiyo-Charm-Fayz» МЧЖда ишлаб чиқариладиган чармлар ассортиментларини келтиринг.
7. «Osiyo-Charm-Fayz» МЧЖда қандай ошловчилар ишлатилади ?
8. «Osiyo-Charm-Fayz» МЧЖ пойбзалнинг остки қисми учун чармларини тоифалари ва қалинлигини келтиринг.
9. «Ulkan-Laziz» МЧЖда технологик жараёнлар асосида қандай маҳсулотлар ишлаб чиқарилади?
- 10.«Ulkan-Laziz» МЧЖда пойбзалнинг устки ва остки қисмларини нечта ва қандай бириктириш усуллари мавжуд?
11. Чарм маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қуритиш ва ҳўллаш жараёнлари қандай аҳамиятга эга?
12. Намлаш жараёнининг мақсади нимадан иборат?
13. Суви сиқилган яриммаҳсулотни намлиги неча фоизга қадар қуритиш талаб қилинади?
14. «Ulkan-Laziz» МЧЖда қуритишнинг неча усуллари мавжуд?
15. «Ulkan-Laziz» МЧЖда неча фоиз ҳавонинг нисбий намлигида қуритиш олиб борилади 7
16. Иккинчи оралиқ қуритишда эса, ярим маҳсулотнинг намлик даражаси неча % га олиб борилади?
17. Оралиқ қуритиш амалда қандай параметрларда олиб борилади?
18. Чарм ярим маҳсулотини намлашнинг қандай усуллари мавжуд?

**“ЎЗЧАРМСАНОАТ” УЮШМАСИ ТАРКИБИДАГИ
КОРХОНАЛАРИНИНГ ТАЙЁРЛАШ ВА ЧАРМ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШНИНГ ҲЎЛЛАШ-ИВИТИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА
ТЕХНОЛОГИК ОПЕРЦИЯЛАРИ ХАМДА ЧАРМ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШНИНГ ОШЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ**

«Charm-attor» МЧЖ тайёрлаш технологик операциялари

Ишнинг мақсади: “ЎЗЧАРМСАНОАТ” уюшмаси таркибидаги корхоналарининг тайёрлаш ва чарм ишлаб чиқаришниң ҳўллаш-ивитиш жараёнлари ва технологик оперциялари билаан танишиш. Чарм ишлаб чиқаришниң ошлаш жараёнлари билаан танишиш

Ишнинг баёни: «Charm-attor» МЧЖ тайёрлаш технологик операциялари. Ulkan-Laziz» МЧЖ ишлаб чиқариш корхонасининг ошлаш жараёнлари.

«Charm-attor» МЧЖ тайёрлаш механик технологик операциялари чарм маҳсулотининг сифатига катта таъсир этади. Лекин унинг таъсири кимёвий жараёнлар таъсирига нисбатан камроқдир. Механик операцияларга куйидагилар киради:


1. Тери устидаги жунни механик усулда қирқиб олиш. Масалан, эчки ва қўй териларининг жуни узун бўлса, уни қирқиб олиб кейин бу териларни чарм олиш учун ишлатилади. Сочларни қирққандан кейин, қолдиқ соchlарини чарм олиш жараёнида, яъни кул суви билан ишлов беришда бутунлай йўқотиш керак. Натижада, кул суви суюқлигига Na_2S (натрий сульфид) концентрацияси юқори бўлиши керак.

2. Механик операциялардан бири, бу теридаги жунларни мустаҳкамлигини пасайтиргандан кейин, уларни жун ажратиш машинаси билан тозалашдир.

4. Мездрадан тозалайдиган машиналарда тери ости тўқималарини ажратиб олиш.

5. Терини қалинлигига нисбатан икки ва улардан кўпроқ қаватларга бўлиш.

6. Элементларга ажратиш.



Andrey Saryushkin | zizi.livejournal.com | ladahni.ru

Теридан жунни ажратиш ва юзасини механик усулда тозалаш

«Charm-attor» МЧЖда бу жараён асосан териларга суртиш усули билан ишлов берилганда бажарилади, чунки кул сувини ёки кул суви аралашмасини терининг бахтарма томонига суртганда жуннинг тери тўқимаси билан мустаҳкамлиги пасаяди. Бу ҳолатда териларни алоҳида машиналарда жунини ажратиб олиш мумкин. Агар терига кул суви билан ишлов берилса жун қолдиқлари куйиб кетади ва уни алоҳида машиналарда ажратиб бўлмайди. Жун тозаланганидан кейин тери юзасида ифлосликлар, йиринглар ва баъзи жойларида жун қолдиқлари қолиши мумкин. Булардан тозалаш учун алоҳида тери юзасини тозалаш жараёни олиб борилади. Бу жараён асосан хромли чарм ёки поябзалинг устки қисмига чарм олиш учун олиб борилади. Бунинг сабаби шундан иборатки, агар чирк ва ифлосликлар тозаланмаса, у чарм юзасига ўтириб, унинг юзини дағал қиласади. Баъзи жойлари эса бўялмай қолади. Юзани тозалаш асосан қўл меҳнати билан олиб борилади, шунда терининг сифати анча яхшиланади.

Агар машиналар билан ишлов берилса, терининг сифати анча пасаяди, агар қўл билан ишлов берилса, бу оғир меҳнат жараёни антисанитар ҳолатда вужудга келади.

«Charm-attor» МЧЖда тери юзасини кимёвий усул билан тозалаш услуби ишлаб чиқилган. Бунда тери тўқималари оғирлигига нисбатан 5% ош тузи ва 50% сув олиниб, бир соат ичидан маҳсус аппаратларда айлантирилади. Натижада, тери тўқимаси ичидан йиринглар, сувда эрийдиган оқсилилар ва қолган ифлосликлар чиқиб кетади. Охирги вақтда ош тузи ўрнига, фосфат тузлари ишлатилияпти. Бунда оқсилиларни йўқолиши камаяди. Баъзи вақтларда ош тузи, натрий сульфати ҳамда натрий фосфати аралашмалари ишлатилади.

Жунни ҳайдаш ва тери юза сиртини тозалаш машиналари мездрил машиналарида ўхшашиб бўлиб, бу машиналарда пичоқларини чархловчи механизмлар бўлмайди.

Териларга ишлов беришда, рифли, металли транспортировка вали ўрнига резина валли машина қўлланилади ва терилар юзаси юқорига қаратилган ҳолда ишлов берилади.

МВЧГ-3200-К машинада ишлов беришда тери дастлаб жундан ажратилади ва юзаси тозаланади. Жунни ажратишда тери юзасидаги жун ўтмас пичноқли вал орқали суриласди ва тозаланади. Баъзи ҳолларда жундан тозалангандан сўнг тери юзасини тозалаш учун сув билан ювилади.

Териларга ишлов беришда, уларнинг тури ва вазнига қараб, ҳар хил маркали жундан тозалаш ва тери юза сиртини тозалаш машиналари ишлатилади.

МВЧГ-3200-К машинасининг техник тавсифи:

Ишчи органининг кенглиги	3200 мм
Бир соатдаги меҳнат унумдорлиги	140 дона кичик бузоқча териси
Қабул қиласиган умумий қувват	28,3 квт
Ишлайдиган ишчилар сони	2 та
Габарит ўлчамлари, мм	5475 x 1340 x 1640
Массаси	– 6000кг

Мездралаши

«Charm-attor» МЧЖда мездралаш жараёни терининг баҳтарма томонида қолган ортиқча ёғ ва тери остиқи қатламларидан холос этишдан иборатдир. Мездралаш натижасида терининг баҳтарма томони силлиқ бўлиб, кейинги операциялар, яъни бўкиши, кул суви билан ишлов бериш анча осонлашади. Мездралаш жараёни кўпинча ҳўл тузланган териларни ювгандан кейин ёки қуруқ хом ашёларни озгина бўктиргандан кейин олиб борилади. Тери тўқималарини мездралаш керак бўлиб қолса, уларни кул сув билан ишлов берилгандан кейин бажарилади. Ажратилган, мездралаш натижасида ҳосил бўлган қолдиқларни алоҳида бўлимларини қайнатиб, елим олинади. Йирик терилардан питир ёғини ажратиш учун ММГ-3200-К русумли мездрилаш машинаси қўлланилади.

ММГ-1800-К машинасининг техник тавсифи.

Ишчи органининг кенглиги	1800мм
Бир соатдаги меҳнат унумдорлиги	250 дона катта тери
Қабул қиласиган умумий қувват	14,4 квт
Габарит ўлчамлари, мм	3520 x 1125 x 1410
Массаси	– 3200кг



1-расм. ММГ-1800-К маркали ўтказмас мездрилаш машинасининг умумий кўриниши


Иккилаш

«Charm-attor» МЧЖда Давлат стандартларига мувофиқ терилар қалинлигига қараб икки ва ундан ортиқ қатламларга бўлинади. Агар тери иккига бўлинса, натижада икки қатlam пайдо бўлиб, юза қатлами қалинлиги ўхшаш бўлади. Иккинчи мездра қатлами қалинлиги турлича бўлиши мумкин. Икки қатlamга ажратиш асосан поябзалнинг устки қисми учун чарм ишлаб чиқаришга мўлжалланади. Терининг қалинлигига қараб иккига бўлиш лентали машиналарда бажарилади. Жуда тез харакат қиладиган темир аррадан иборат бўлиб, валлар орқали бу темир аррага яриммаҳсулот берилади. Яриммаҳсулот кўпинча кул суви билан ишлов берилгандан кейин иккига бўлинади. Бу яриммаҳсулот, албатта бўккан бўлиши керак.

Бўкиш жараёнини амалга ошириш учун баъзи вақтларда яриммаҳсулот 10 г/л сода билан ишлов берилади. Иккига бўлиш натижасида терининг бахтарма томонида анча-мунча қолдиқлар пайдо бўлади. Бу қолдиқларни мездрага аралаштириб елим олишга юборилади.

«Charm-attor» МЧЖда иккига ажратишни ошлашдан кейин бажарадилар, натижада оладиган маҳсулот қуйидаги афзалликларга эга бўлади:

1. Терини бахтарма томонидан чиқадиган маҳсулоти 10–15 фоизга ошади.
2. Терининг юза томони текис бўлиб, қалинлиги бир хил бўлади.
3. Теридан ажратилган иккинчи қатlam қайтадан ошланмайди.
4. Агар иккига бўлинса, ишлаш жараёнида меҳнат унумдорлиги анча ошади.




2-расм. Лентали иккига ажратувчи машинанинг ишчи органининг жойлашиҳи;

а) иккиланган; б) чармнинг схемаси: 1—лентали пичоқ; 2—ёъналтирувчи; 3—устки вал; 4—рифли вал; 5—колчатли вал; 6—чарм; 7—стол; 8—тарашловч вал.

Терини элементларга ажратилиши

«Charm-attor» МЧЖда оғир чарм ёки поябзал тагчарми олинганда яриммаҳсолотлар чепракламайди. Яриммаҳсолотни топографик участкаларга бўлинади, чепраклаш тери тўқималик пайтида ёки терини ошлагандан кейин бажарилади.

Чепрак, асосан терининг умумий юзасининг 46 % ини, бўйин терисининг 28 % ини, биқин терисининг 26 % ини ташкил этади. Кўпинча чепракка дум териси ҳам қўшилади, яъни дум терисини ажратиб олишмайди. Ишлов бериш учун кўпинча бўйин ва биқин териларини қўшишади. Чепрак билан бўйин терисини қўшилганини балиққа ўхшатишади.



Andrey Saryushkin | zizzi.livejournal.com | tadabbi.ru

Чепракдан дум терисини олиб ташланса, буни крупон деб аташади. Крупон деган қисм бу терининг энг аъло сифатли, қалинлиги бир хил бўлган ва бутун теридан бўйин, биқин ва дум қисмини олиб ташланганига айтишади.

Териларни контурлаш

Терилар ишлов берилган пайтда асосан механик операциялардан кейин, қўлтиқ ости терилари, қўл, бўйин, дум терилари ҳар томондан чўзилиб, кесилиб қирқимлар ҳосил қилиши мумкин.



Бу ортиқча қисмлар кейинги ишлов беришни қийинлаштиради, шунинг учун ҳам кейинги ишлов беришдан олдин териларни контурларини текислаш учун қўл пичоқи билан ортиқча нарсалар кесиб ташланади. Бу жараённи тери юзасини тозалаш пайтида ҳам бажариш мумкин.

«Ulkan-Laziz» МЧЖда тери тўқимаси яриммаҳсулоти пикелланади. Пикеллаш сабабли, ошлашнинг бошида хром эритмаларининг асослиги пасаяди ва хром бирикмалари билан оқсил ўртасида боғланиш секинлашади, улар дерма қалинлиги бўйлаб тез ва текис тарқалади.

Ошловчи эритмасига юқори асосли эритма қўшилиши билан коллаген билан хром бирикмаларининг боғланиши ошади. Боғланиши тезлатиш мақсадида ошлаш жараёнига натрий карбонат қўшилади. Тери тўқимасини ошлашда, ошланганлик рўй бергунча ошлаш олиб бориш зарур.

Хом ашёнинг тури ва оғирлигига қараб, хром бирикмалари билан ошлаш турли хил варианtlарда олиб борилади. Биринчи вариантда хром бирикмалари билан ошлаш икки асосли эритма ёрдамида амалга оширилади. Пикеллаш жараёни тугашида, тери тўқимасининг pH қиймати 4–4,5 бўлиши керак. Суюқлик коэффициенти ошлашда 0,7–0,8 бўлиши керак. Пикеллаш тугаши билан барабанга (24–27 %) асослик-даги ошловчи бирикма ва хромпик эритмаси солинади. 1,5–2 соат ошлашдан кейин, асослиги 47–50 % бўлган хром эритмаси, 20 дақиқа оралиғи билан уч марта натрий сульфит солинади. Ошлаш жараёни тугагандан сўнг ошланганлик аниқланади, яъни ошланган чармнинг пишиш ҳарорати аниқланади. Бунда дерманинг

тортилишига рухсат этилмайди. Бу вариант бўйича ошлашдан кейин чарм яриммаҳсулотини ётқизиш 12 соатдан кам бўлмайди.

«Ulkan-Laziz» МЧЖда иккинчи вариант бўйича ошлаш ҳарорати 28–37 °C, суюқлик коэффициенти – 0,4, муддати 7 соат. Биринчи вариантдагидек, бунда ҳам ошлаш икки асосли эритмада (33 ва 50 %) олиб борилади. Иккинчи вариантнинг биринчи вариантдан фарқи, юқори асосликдаги эритма солингандан кейин, натрий сульфит эритмаси эмас, балки 50 дақиқа оралиғи билан уч марта натрий карбонат солинади.

Ошлашнинг тугаши пишиш ҳарорати билан аниқланади ва у ҳам 90 °C дан кам бўлмаслиги керак. Ошлашдан кейин бу вариант бўйича ётқизиш шарт эмас.

Қорамоллар терисидан пойбазлнинг устки қисми учун, астарли ва астарсиз эластик чармлар ишлаб чиқаришда, хром усули билан ошлашда куйидаги вариант ўтказилади.

Пикеллаш жараёнидан сўнг, барабанга тери тўқимасининг оғирлигига нисбатан 0,3 % дан 0,5 % гача хромпик эритмаси солинади. Айланиб турган барабанга 20 дақиқадан кейин хром оксидига нисбатан 1,1–1,3% микдорида 20–24% асосликдаги хром ошловчи бирикмалар солинади.

2–2,5 соат барабан айлантирилади ва 1,1–1,3 % микдорида хром оксида хисобида 38–42% асосликдаги хром ошловчи бирикмалари солинади. Кейин тери тўқимасининг бўялиши текширилади. Агар тери тўқимаси бутун қалинлиги бўйлаб бўялган бўлса, барабанга кристалл ҳолатидаги натрий гипосульфити, тери тўқимасининг массасига нисбатан 2 % олти валентли хромни уч валентли хромга қайтариш учун солинади.

Ошлашдан сўнг ошлаганликни текшириш учун намуна олинади, терининг тортилиши рухсат этилмайди. Ошлашдан сўнг терини ётқизиш шарт эмас, яриммаҳсулот 55–60 % намлигчча валикли машиналарда сиқилади.

Ягона услугга асосан, хром усули билан ошлашни 18–22°C ҳароратда бошлиш рухсат этилади, ошлаш жараёнида яриммаҳсулотнинг барабан деворларига урилишидан ҳарорат ошади. Бунда хром бирикмалари билан коллагеннинг боғланиши ошади ва ошлаш муддати қисқаради. Ошлашнинг биринчи дақиқаларида бирдан ҳароратни ошириш керак эмас, чунки бунда чармнинг юза қатлами тортилиб қолади.

«Ulkan-Laziz» МЧЖда ошлашнинг охирида ҳароратни ошириш ишлаб чиқариш услубидан ҳам фойдаланилаяпти. Бу усулда ҳароратни 40 °C гача оширилиб, бу хром бирикмалари чарм қатламларига текис ёйилишини ҳамда уларнинг боғланишини тезлаштиради, бу эса ўз навбатида ошлашдан сўнг ётқизиш муддатини қисқартиради.

Баъзан қуруқ ошлаш қўлланилиб, унда пикелсиз тери тўқимаси, хром оксидининг концентрацияси 40–50 г/л ва суюқлиги кам бўлган (тери тўқимасининг массасига нисбатан 30%, яъни С.К–0,3) эритмада ошланади. Эритма бир марта барабанга солинади. Кам концентрацияли эритма билан

куруқ ошлашнинг фарқи, бунда ошлаш усулиниңг муддати қисқаради ва ошловчидан тўлиқроқ фойдаланилади.

Куруқ ошлаш усули ошловчиларнинг диффузиясига ёрдам беради, сабаби концентрланган хром тузлари эритмаларида молекуляр массаси катта бўлган заррачалар суюлтирилган эритмаларга нисбатан кам миқдорда ҳосил бўлиши ҳисобланади. Асосли хром бирикмаларда ички сферага CO_4^{2-} -гурухининг киришида нейтрал ва анион комплекслар ҳосил қиласи. Шунинг учун куруқ ошлашда, суюлтирилган эритмалар билан ошлашга нисбатан, чарм юза сиртини тортилиш хавфи камаяди, шу нуқтаи назардан қуруқ ошлаш усулида пикелсиз тери тўқимасини тўлиқ кулсизлантиришга эришиш талаб қилинади.

Ошлаш жараёнидан олдин, одатда тери тўқимаси, минерал кислота билан нейтрал туз иштирокида пикелланади.

Кейинги йилларда Ullkan-Laziz» МЧЖда тўлиқ кулсизлантирилган ва юмшатилган тери тўқимаси дихром кислота билан натрий хлориди иштирокида ишлов берилаяпти, сўнг асослиги 18–22 % ли хром экстракти билан ошланади. Бу эритмага хромни қайтариш ва ошловчи эритманинг асослигини ошириш учун натрий сульфити қўшилади. Ошлаш 5–6 соатда тугайди.

Пикелсиз ошлашнинг перспектив усууларидан тери тўқимасини юмшатишдан кейин катионли дитсиандиамид смола билан ишлов беришdir. Смолани юмшатилган тери тўқимасига киритилиши унинг кислота сифимини камайтиради, дерманинг ғоваклиги ва ўтказувчанлиги ошади. Дермага хром бирикмалари осонгина диффузияланади, зарра ўлчами, уларнинг қовушқоқлик қобилияти ҳам ўзгармайди. Ошлашни 40–42% асосликдаги эритмада бошлаш мумкин. Тери тўқимасининг pH қиймати ошлашдан олдин pH=5 дан юқори, шунга мувофиқ, ошлаш тезлиги бирдан ошиб, муддати қисқаради.

«Osiyo-mo`ynasi» МЧЖда мўйнани бўяшдан олдин ўтказиладиган тайёрлов жараёнлари

«Osiyo-mo`ynasi» МЧЖда мўйнани бўяшдан олдин ўтказиладиган тайёрлов жараёнларининг мақсади:

- ҳайвон мўйна жун қопламларини сифатли бўяшидан иборат. Бунга эришиш учун қўйидаги шароитлар яратиш лозим:
- бўёқни жун ичига чуқурроқ киритиш.
- бўёқларни жун структурасида яхши мустаҳкамлаш.

Бундай мақсадларга тайёрлов жараёнлар: нейтраллаш (ўлатма ишқорлаш) ва дорилаш ёрдамида эришилади.

«Osiyo-mo`ynasi» МЧЖда ўлатма нейтралаш

Жараён мақсади - мўйна териларини турли моддалар билан турли режимларда ишлов беришдан иборат, яъни жун ва терига керакли pH


қийматини бериш, шу билан бирга кейинги ўтказиладиган жараёнлар боришини осонлаштиришдан иборат.

Бунда жун ҳар хил ёғ ифлосликлардан ва бошқа иллатлардан тозаланади ва кейинги бўяш жараёнида бўёқ моддаларининг диффузияланишини осонлаштиради.

«Osyo-mo`ynasi» МЧЖда жараённи ўтказиш шартлари

Жун оқсиллари яъни кератинлар, ишқорли муҳитга жуда сезгир бўлғанлиги учун улар бу шароитда тез гидролизга учрайди. Жун дермага қараганда тез гидролизланади. Ишқорлар таъсири остида баъзи шароитларда коллаген структураларини чуқур ўзгартиришга олиб келиши мумкин, бу эса, ўлатма нейтраллашда мақсад қилиб қўйилмайди. Ишқор таъсирида жун кератинидаги цистинли кўприкнинг дисульфид боғланиши бузилади. Бу жараён қуидаги схема орқали тасвирланади.

Дисульфид боғланишини бузилишини, биринчи навбатда терининг мальпигенли қатламида кузатиш мумкин, бу жун билан дерма боғланишини бузилишига олиб келади.



цистин қолдиги


Сульфонли кислоталар қолдиги

Шунинг учун, жараённи ўтказиш учун шундай реагентлар ва ишлов бериш шароитларини танлаш керакки, жун қоплами бунда заарланмасин ва унинг дерма билан боғланиши бузилмасин.

«Osyo-mo`ynasi» МЧЖда ўлатма нейтралловчи ишқорли моддалар тавсифи

Бу жараён учун ишқорли моддалар ишлатилади, улар ҳар хил хоссаларни намоён қиласди.

$FeSO_4$ билан дорилашда (протравление) ўлатма нейтралловчининг ютилиши ошади, хромли дорилашда ютилиш камаяди. Хромли дорилашда ютилиш камайиши, хроматлар ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлиб у дорилаш қобилиятига эга эмаслиги билан тушунтирилади.



Хромли дорилашда, ўлатма нейтраллашни олиб бориш мақсадга мувофиқ эмас. Терилар айниқса, хром билан ошланган ва пикел билан ишлов берилган бўлса, ўлатма нейтраллашни олиб бориша эҳтиёт бўлиш керак бўлади.

Ўлатма нейтраллаш жараёни бошқа жараёнлар билан ўзаро боғлиқлигини оладиган бўлсак, бу жараён ҳамма терилар учун мажбурий технологик жараён бўлмай, балки баъзи жун қоплами яхши бўялмайдиган қўпол жунли терилар учун ўтказилади. Баъзан бу жараён келгуси жараённи секинлаштириши мумкин, мисол учун дорилаб ишлов бериша бу жараённи ишлаб чиқариш услубидан олиб ташлаш мумкин. Масалан: дорилашда хромпик ва FeSO_4 қўлланилганда, улар жун қопламига ҳар хил ютилади.

1. Жадвал

Дориловчиларнинг жунга ютилиш характери

Ишлов бериш характери	Дориловчиларнинг ютилиши, %	
	Хромпик	Темир сульфат
Ишқорли	37,9	5,4
Ишқорли	37,9	8,7

Ўлатма нуксонларига жун қопламининг тўкилиши ва унинг ялтироқлигининг йўқолиши киради.

«Osiyo-to`ynasi» МЧЖда ўлатма нейтраллаш жараёнининг бошқа жараёнлар билан боғлиқлиги

Ҳамма терилар учун бу жараён мажбурий технологик жараён бўлиб, киритилмаган. Бу жараён, баъзи мўйна ҳайвонларини қўпол жунларини бўяшни яхшилаш мақсадида ўтказилади. Баъзан бу жараён келгуси жараённи секинлаштириши мумкин, мисол учун дорилаб ишлов бериша бу жараённи қўллаш шарт эмас.

2. Жадвал

Ўлатма нейтраллашда жунга дориловчиларнинг ютилиши

Ишлов бериш ҳарактери	Дориловчиларнинг ютилиши, %	
	Хромпик	Темир сульфат
Ўлатма нейтраллашсиз	77,7	5,4
Ишқорли ўлатма нейтраллаш	37,9	8,7

Хромли дорилашда ўлатма нейтраллаш жараёнини олиб борилиши мақсадга мувофиқ эмас.

«Osiyo-to`ynasi» МЧЖда жараённи амалда олиб борилиши

«Osiyo-to`ynasi» МЧЖда ўлатма нейтраллаш жараёни икки усулда: шўнғитиб ёки суркаб ишлов бериш билан олиб борилади. Шўнғитиши усули суркаш усулига қараганда кўпроқ қўлланилади ва у баркасларда суюқлик коэффициенти -12, ҳарорат 25°C ни ташкил қилиб, жараён муддати 2 соатгача давом этади. Ваннада аммиакли сувнинг (NH_4OH) концентрацияси 5-6 г/л дан кўп бўлмаслиги керак. Бу жараёндан кейин терилар ишқорлардан тозаланиши учун, яхшилаб сув билан ювилади ва улар миқдори назорат қилинади (фенолфталеин билан то нейтрал реакциягача). Суркаш усули билан ишлов бериш асосан иссиқкўзан, сугур, тулки мўйна терилари учун қўлланилади ҳамда улардан ўхшатиб ранглар олишда фойдаланилади. Ваннада Na_2CO_3 нинг концентрацияси 20 дан 50 г/л гача, NH_4OH ники 3 дан 20 г/л гача, жараён муддати 3-4 соатни ташкил қиласди. Кейин терилар ётқизиб қўйилиб, сўнг қуруқ ва хўл қипиклар билан ишлов берилади.

Рангини ўхшатиб бўяшда (имитация) ўлатма нейтраллашни олиб боришда, фактат таг жунлар тароқ билан ювилади. Натижада жун тепа қисми баланд, момик жун эса, паст рангда рангланади.

Ўлатма нейтралловчилар таъсир этиши даражаси бўйлаб кучлидан пастга қараб қўйидаги қаторда жойлашади.

NaOH -энг кучли реагент ўлатма нейтралловчи ҳисобланади.

Юқори концентрацияли эритма жун ва дерма учун хавфли бўлиб, унинг хоссаларини ёмонлашувига олиб келиши мумкин, ваҳоланки унинг унча катта бўлмаган (дозаси) миқдори эса, жун қопламини ялтиллашини кучайтиради.

NH_4OH яхши ўлатма нейтралловчи бўлиб, у ёғсизлантириш хусусиятига эга. Мўйна дермасига салбий таъсир кўрсатмайди. У ўювчанлиги ва ўткир ҳидлиги учун ишга ноқўлай ҳисобланади.

Na_2CO_3 ўлатма нетралловчи сифатида энг кўп қўлланилади. Жунни яхши ёғсизлантиради. Дермага ёмон таъсир кўрсатмайди, яллтилашига ҳам таъсир этмайди. $\text{Na}_2\text{CO}_3 + \text{NH}_4\text{OH}$ аралашмаси билан ишлов беришда яхши натижаларга эга бўлиш мумкин, шу сабабли улар аралашмаси амалда кўпроқ қўлланилади. Баъзан аралашмага водород пероксиди солинади (ўлатма билан қисман жун қопламини оқлаш учун).

Ўлатма нейтраллашнинг нуқсонларига жун қопламининг тўкилиши, ялтироқлигини йўқолиши ва тепа жун қопламини ўралиши киради.

«Osiyo-to`ynasi» МЧЖда бўяши учун ярим маҳсулотлар ва мўйнани бўяши усуллари

Мўйнани бўяш учун яриммаҳсулотлар, яъни оксидланувчи бўёқлар қўлланилади. Бунда кўп ҳолларда ёруғликка чидамсиз ранг ҳосил бўлиб, тери тўқимаси ёмонлашиб, эгилувчанлик паст бўлсада, хозирги кунда бу турдаги бўёқлар кўп қўлланилаяпти. Оксидланувчи бўёқлар ўзи бўёқ ҳисобланмайди, улар ярим маҳсулот бўлиб, бўяш жараёнида оксидланади ва

ҳақиқий бўёкларга айланади. Буларга мўйна учун қора, кулранг, сариқ ва жигарранг бўёклар мисол бўла олади.

Оксидланувчи бўёклар билан мўйнани бўяшда шўнғитиш ва шуваш усуллари қўлланилади.

Бўёвчи эритма таркиби қўйидаги компонентлардан ташкил топади

1). Бир ёки бир неча яриммаҳсулот, Керакли ранг самарасини бериш учун бир ёки бир неча ярим маҳсулотлар яъни оксидланувчи бўёклар ишлатилади.

2). Оксидловчилардан, кўпроқ ҳолларда водород пероксида (H_2O_2), камроқ ҳолларда натрий пероксида (Na_2O_2) ишлатилади .

Жараённи олиб боришда ҳарорат $25-35^{\circ}C$ оралиғида бўлади. pH муҳит нейтрал муҳитга якин бўлади. Мўйна корхоналарига водород пероксидининг 30%-ли эритмаси, яъни пергидрол келтирилади. Ярим маҳсулот билан пергидролнинг сарфи 1:1 муносабатда олинади.

3). Ишқордан аммиакли сув (NH_4OH) ишлатилади. Бу ишқор тузли бирикмалардан эркин ҳолатдаги бўёвчи асосларни сиқиб чиқариш учун ишлатилади.

4). Ҳўллайдиган модда – сирти актив моддалардан (САМ) кўпроқ ҳолларда ОП-10 ва ОП-7 ишлатилади. САМ рангларни яхши ва текис ёйилишига ёрдам беради.

5). Ош тузи (бўкишга қарши ишлатилади).

Амалда бўяш шўнғитиш ва шуваш усулларида олиб борилади.

Мўйнани шўнғитиб бўяш усули баркасларда олиб борилади. Суюқлик коэффициенти 12-20 ни ташкил этади. Бўяш учун бўёклар $80-90^{\circ}C$ ҳароратли юмшоқ сувда эритилади ва марлидан ўтказилади. Ишчи эритманинг pH аммиак билан 8-8,5 га етказилади. Жараён ҳарорати $35-38^{\circ}C$ бўлганда, мўйна терилари солиниб, унга 30-40 дақиқа ишлов берилади ва пергидрол қўйилади. Ишлов бериш муддати 3-6 соатни ташкил қиласди.

Шуваш усули билан мўйна териларини бўяшда унинг оқ тери тўқимаси сақланиши керак бўлганда амалга оширилади. Шуваш усулида паст толали мўйналарни юқори сифатли мўйна қилиб (имитация) ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Концентрланган бўёқ эритмаси мўйнанинг баҳтарма томонига шётка билан суртилиб 4-10 соат ётқизилиб қўйилади ва улар қуритилади.

«Osijo-to`ynasi» МЧЖда шуваш усулининг аэрографли, трафаретли, резеврли бўяш усуллари

Аэрографли бўяш маҳсус машиналарда компрессорларда олиб борилади.

Аэрографли бўяш усули қўйидаги схема орқали олиб борилади.

1) Нейтраллаш жараёни ўтказилади унда суюқлик коэффициенти -15 да ва эритма ҳарорати $38^{\circ}C$ ни ташкил қилиб жараён 2 соат давом этади. Нейтраллаш ваннаси 10 мл/л аммиак эритмасидан иборат.

2) Дорилаши. (ювишдан кейин олиб борилади): Суюқ.коэф. – 15, эритма ҳарорати 30°C , жараён муддати 3 соатни ташкил қиласиди. Дорилаш эритмасининг таркиби хромпик ва сирка кислотасидан иборат.

3) Бўяши жараёни. Суюқ.коэф. – 15, эритма ҳарорати $32\text{-}35^{\circ}\text{C}$, жараён муддати 1-1,5 соатни ташкил қиласиди. Бўяш эритмаси таркиби мўйна учун қора Д бўёқ, мўйна учун жигарранг А бўёқ, мўйна учун сариқ Н бўёқ, амиак ва пергидроллардан иборат.

Аэрографли бўяш, жун қопламини юқори қисмини ювиб, сиқиб, мўйнанинг жун қоплами ва тери тўқимасини пардозлаб бўлгандан кейин олиб борилади.

Бўяш эритмаси таркиби: мўйна учун қора бўёқ Д, мўйна жигарранг бўёқ А, мўйна сариқ ранг бўёқ Н, амиак пергидрол, пирогаллоллардан иборат.

Эритма бўёқ сепувчи ёрдамида мўйнани бутун майдони бўйича пуркалади.

4) Қисман қуритиши ва жун қоплами билан тери тўқимасини пардозлаш.

Аэрографли бўяш асосан имитация қилинадиган мўйна терилари учун қўлланилади.

Трафаретли бўяши маҳсус металл листлар ёрдамида амалга оширилади. Металл листлар расм қилинган тешиклардан иборат. Бўяш учун терилар текис ёйилади ва трафарет шундай қўйиладики, бунда унинг марказий чизиги терининг чизигига мос тушиши керак. Кейин маҳсус шётка ёки бўёқ сепувчи ёрдамида трафарет билан ёпилмаган терининг жун қопламига бўёқ эритмаси шувалади.

Трафаретли бўяшда юқори концентрацияли бўёқ эритмаси қўлланилади. Бу усул ёрдамида бир ва икки рангга эга бўлиш мумкин. Трафаретли ранглашдан кейин терилар ётқизиб қўйлади, қуритилади ва жун қоплами пардозланади. Трафаретли усулига қўй мўйнасини қоплонга ўхшатиб бўяш мисол бўла олади.

Резервли бўяши деганда, жунни чиройли қилиб имитациялашда қўлланилади. Бунда соч учига, қўргошин хлориди, хлорид кислота, картошка уни ва ҳўлловчи моддалардан иборат эритма шётка билан суртилади. Кейин терилар қуритилиб дориланади ва оксидловчилар билан бўялади. Пардозлаш операцияларидан кейин жун қоплами рангланади, жуннинг умумий қисмидан уч қисми эса, бўялмай қолади.

Тингловчилар учун топширик

1. Тайёрлаш механик технологик операциялари чарм маҳсулотининг сифатига қандай таъсир этади?
2. Механик операцияларга нималар киради?
3. Кул суви суюқлигининг таркиби нималардан иборат?

4. Charm-attor» МЧЖда териларга кул суви билан суртиш усулининг афзалликлари ва качиликлари?
5. Терини қалинлиги бўйича бўлиш нима мақсадларда амалга оширилади?
6. Charm-attor» МЧЖда тери юзасини кимёвий усул билан тозалаш услубини ёритиб беринг?
7. Мездралашнинг моҳияти нимада?
8. Тери бўкишининг икклаш опрециясига боғлиқлигини тушунтириng.
9. Пикеллаш моҳиятини тушунтириб беринг.
10. Қайси ҳолларда тери коллагени билан хром биримларининг боғланиши ошади?
11. Қайси параметрларга биноан ошлаш турли хил вариантларда олиб борилади?
12. Ошлаш жараёни тугагандан сўнг ошланганлик даражаси қандай усул билан аниқланади?
13. Хром усули билан ошлаш неча ҳароратда бошлаш рухсат этилади?
14. Пикелнинг таркибм нималардан иборат?
15. «Osyo-mo`ynasi» МЧЖда мўйнани бўяшдан олдин ўтказиладиган тайёрлов жараёнларининг мақсади нималардан иборат?
16. «Osyo-mo`ynasi» МЧЖда ўлатма нейтралаш қандай амалга оширилади?
17. Ўлатма нейтралаш жараёнининг мақсади?
18. «Osyo-mo`ynasi» МЧЖда жараённи ўтказиш шартлари нималардан иборат?
19. «Osyo-mo`ynasi» МЧЖда ўлатма нейтралловчи ишқорли моддаларни тавсифлаб беринг.
20. «Osyo-mo`ynasi» МЧЖда ўлатма нейтраллаш жараёнининг бошқа жараёнлар билан қандай боғлиқликка эга?
21. «Osyo-mo`ynasi» МЧЖда жараённи қандай амалда олиб борилади?
22. Ўлатма нейтраллашнинг нуқсонларини санаб беринг.
23. «Osyo-mo`ynasi» МЧЖда бўяш учун ярим маҳсулотлар ва мўйнани бўяш усуллари санаб беринг.
24. Бўёвчи эритма таркиби қандай компонентлардан ташкил топади?
25. Мўйнани шўнғитиб бўяш усули қанақаени аппаратларда олиб борилади?
26. «Osyo-mo`ynasi» МЧЖда шуваш усулининг аэрографли, трафаретли, резеврли бўяш усулларини тушунтириб беринг.

**“ЎЗЧАРМСАНОАТ” УЮШМАСИ ТАРКИБИДАГИ
КОРХОНАЛАРНИНГ ТАЙЁРЛАШ ВА ЧАРМ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШНИНГ ПАРДОЗЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ**

«Charm-attor» МЧЖ ишлаб чиқаришида пардозлаш жараёнлари

Ишнинг мақсади: “ЎЗЧАРМСАНОАТ” уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг тайёрлаш ва чарм ишлаб чиқаришнинг пардозлаш жараёнлари билаан танишиш

Ишнинг баёни: «Charm-attor» МЧЖ ишлаб чиқаришида пардозлаш жараёнлари

Тўлдиришнинг мақсади - ишлов бериладиган чарм яриммаҳсулотининг топографик қисмлари бўйича қалинлигини ва зичлигини текислаш, унинг юзасига керакли эластиклик, силлиқлик бериб, емирилишга чидамлилигини ошириш билан бирга мустаҳкамлик беришдан иборат.

Чарм яриммаҳсулотининг бу хусусиятларга эга бўлиши, ишлатилган тўлдирувчилар, қўлланилган технология ва унинг жараёнга қандай тайёрланганлиги орқали эришиш мумкин. Пойафзалнинг остки қисми учун чармни тўлдирувчилар билан ишлов беришда, чарм янги хусусиятлар ва хоссаларга эга бўлади. Яъни, олинадиган тайёр чарм маҳсулоти, ўзининг тўлиқилиги, эластиклиги, иссиқликка, терга, сувга, емирилишга чидамлилиги, торайишга мустаҳкамлик хусусиятлари билан ажралиб туради.

«Charm-attor» МЧЖ ишлаб чиқаришида чарм яриммаҳсулотининг айrim хоссаларини ўзгартиришга таъсир этувчи тўлдирувчилар. Қуритиш жараёнида ҳамма чармлар қисқаради (тораяди). Хром чармлари 3,0% гача, остки қисми учун чармлар 9% гача қисқаради. Буни камайтириш, асосан қўлланиладиган тўлдирувчиларга, мойловчи материалларига, қуритиш усулига ва чўзиш жараёнларига боғлиқ.

1. Турли хил тўлдирувчилар ёрдамида торайишни камайтириш мумкин, ва у тўлдирувчилар табиатига боғлиқдир.
2. Торайиш баъзида майдони бўйлаб, баъзида эса, қалинлиги бўйлаб кузатилиди.

«Charm-attor» МЧЖда тўлдириш жараёнида тўлдирувчи моддалар чармнинг толалараро бўшлиғига кириб, унинг юза структурасига шимилади, бунда тери тўқималари сирти зичланади, намлик йўқолиши билан уларни яқинлашиши қийинлашади, структура элементлари тўғриланади. Намлик йўқолганда, эса эгилувчанлик қийинлашади.

Тўлдириш жараёни қуидаги чарм турлари учун ўтказилади:

- пойафзалнинг остки қисми учун чармлар;
- техник чармлар;
- пойафзалнинг устки қисми учун хром чармлар;

«Charm-attor» МЧЖ ишлаб чиқаришида тўлдирувчи сифатида қуидаги моддалар ишлатилади:

1. Анорганик моддалар BaCl_2 , BaSO_4 , NaCl , MgSO_4 , каолин, алюминий аччиқ тошлари, Na_2SO_4 ва бошқалар.
2. Органик моддалар (глюкоза, шинни, глицерин, оқсил моддалар, танидлар, синтетик ошловчилар).
3. Синтетик полимерлар (полимерларнинг сувли дисперсиялари, аминосмолалар) гидролизланган полиаприлонитрилнинг турли маркали препаратлари).

«Charm-attor» МЧЖ ишлаб чиқаришида рант туридаги (ип-елимли усулда мустаҳкамланадиган) чарм ишлаб чиқариш услугига асосан ярим маҳсулот ишқорланган кальцийли сода, алюминийли аччиқтошлар, сульфат магний, патока (шинни) ва глюкозалар билан тўлдирилади.

Шинни ва магний сульфатнинг гигроскоплиги туфайли, тагчарм деталларидан пойафзал ишлаб чиқаришда, уларни қуриб ва торайиб қолишдан сақлайди. Бундан ташқари пардозлашда бу деталларни қирқиши осонлашади. Магний сульфат билан тўлдирилган дермада эркин ҳолдаги танидлар коагуляцияланади.

«Charm-attor» МЧЖ ишлаб чиқаришида чарм яриммаҳсулотини анорганик моддалар билан тўлдириш унинг иссиқликка чидамлилигини оширади. Алюминийли аччиқтошларни тўлдириш жараёнида ишлатиш энг юқори самараларни беради. Алюминий тузларини ошлашда қўллаш унча самара бермайди, бироқ уларни бошқа ошловчилар билан биргаликда тўлдириш жараёнида қўллаш, коллаген структурасида жойлашган танид заррачалари орасида қўндаланг боғланишлар ҳосил қиласди. Бу эса, ўз навбатида чармнинг қисқаришини камайишига ва терининг пишиш ҳароратини оширишга олиб келади. Бундан ташқари, чармнинг ошланганлик коэффиценти 6-10 бирликка ортади, ювилиб кетувчилар микдори эса, 1,5-2,0 % га камаяди.

«Charm-attor» МЧЖ ишлаб чиқаришида тўлдириш жараёнини амалда осма барабанларда олиб борилади. Бунда сиқилган чарм осма барабанга солингандан сўнг унга иссиқ ҳаво ($65-70^{\circ}\text{C}$) юборилиб, қуруқ ҳолда тўлдирувчилар сепилади (MgSO_4 , $\text{AlK}(\text{SO}_4)_2$) ва 20 дақиқадан кейин шинни қўйилади, тўлдириш муддати 1 соат. Ҳозирги вақтда тагчарм ишлаб чиқаришда чарм яриммаҳсулотини шинни, глюкоза ва шунга ўхшаш моддалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ эмаслиги ва иктиносидий жиҳатдан мақбул эмаслиги аниқланган.

Ҳозирги вақтда чарм ишлаб чиқаришда синтетик полимерлар, чарм яриммаҳсулотини тўлдириш ва тўйинтиришда кенг қўлланилмоқда. Бунда

чармнинг хоссаларига нафақат синтетик полимерларнинг табиати, балки уларнинг дерма структурасига қай тартибда киритилганинига ҳам катта боғлиқдир.

Баъзан чарм яриммаҳсулотини полимерлар билан органик эритувчилар муҳитида тўлдиришда улар эритмага шўнгиттирилиб, герметик усулда ёқиладиган аппаратларда олиб борилади. Эритувчилар сифатида газолин, бензин, керосин, хлорланган углеводородлар, бензол, толуол, скапидар, уайт-спирт ва бошқалар қўлланилади.

«Charm-attor» МЧЖда яриммаҳсулотни тўлдириш олдидан, уни шинни ва магний сульфатсиз полимерлар билан ишлов бериш, жуда яхши натижаларни берган.

«Charm-attor» МЧЖ ишлаб чиқариши технологиясидаги бу усул жуда оддий бўлиб, самарали ва мураккаб аппаратларни талаб қилмайди. Гидрофил тўлдирувчилар сифатида, ҳам тўлдирувчи, ҳам ошловчи хусусиятига эга бўлган мочевина, тиомочевина ва меламиналарнинг метилол ҳосилалари қўлланилиши мумкин. Бу тўлдирувчиларнинг яна бир яхши хусусиятларидан бири шуки, улар поликонденсация жараёнида танид ва синтанлар билан ўзаро бирикиб, чармдан ювилиб кетувчи ошловчиларнинг микдорини кескин камайтиради. Бунда, бир вақтнинг ўзида боғланган ошловчи моддаларнинг микдори ошади. Меламиннинг метилол ҳосилалари билан тўлдирилган таг чармнинг ишқаланишга, терга ва сувга қаршилиги кескин ортиб, қимматбаҳо танидларнинг сарфини қисқартиришга имкон яратади.

«Charm-attor» МЧЖда КУ (карбамид уротропин) препарати билан тўлдириш жараёни, уротропин ва кислотанинг ўзаро таъсиридан формалдегид ҳосил бўлишига асосланган. КУ препаратини ҳосил қилишда, кислотанинг бир қисми уротропинни формалдегидга айланишига сарф бўлади.

Хозирги кунда тагчарми сунъий материаллар билан алмаштирилайти (чармга ўхшаш резина, полиуретанлар ва бошқалар), лекин юмшоқ чармлар ишлаб чиқариш бирмунча қисқарган. Бунга асосий сабаб, ошловчи ва тўлдирувчи сифатида қўлланиладиган кимёвий материалларнинг асосий қисми бошқа МДХ ва хорижий мамлакатларидан катта валюта ҳисобига сотиб олинишидир. Шу мақсадда, республикамизда мавжуд бўлиб, унинг корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳаллий препаратларни қўллаш хозирги кун муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шу билан бир қаторда чарм хом ашёларидан унумли фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Пойафзал ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган арраланган (тери тўқимасини иккиласдан ҳосил бўлган иккинчи ағдарма) чармлардан турли мақсадларда ишлатиш учун, улардан унумли фойдаланиш устида катта ишлар олиб борилаятди. Хромли чармларни катта чарм хом ашёларидан «Charm-attor» МЧЖ ишлаб чиқаришида тадбиқ қилингандан бери арраланган чармлар ресурслари ошмоқда.

Гигиеник ва физико-механик хоссалари бўйича табиий чарм, пойафзални устки қисми учун муҳим аҳамиятга эга ва у юқори баҳоланади.

Табиий чарм, сунъий чармга нисбатан оёқ шаклига мослаша олади, кўп марталик деформацияга (ёруғликка) мустаҳкам, чарчаш қаттиқлиги юқори бўлади.

Гигиеник хусусиятларидан энг характерли хоссаларидан бу чармнинг сув буғларини ютиш ва ўтказиш қобилияти ҳисобланади. Бироқ чармнинг топография қисмлари хоссалари бир хил эмас ва юза нуқсонларига хам эга бўлади. Бу камчиликлар чармни анча исроф бўлишига, айниқса, улардан пойафзал тайёрлашда ҳосил бўлади.

Агар моделлар аро чиқиндилар пойафзалчиларга боғлиқ бўлса, терининг чет қисмлари ва юза нуқсонлари учун чиқиндилар (18%) чарм ишлаб чиқарувчилар муаммоси бўлиб ҳисобланади. Бу эса, чарм ишлаб чиқаришда унинг топографик қисмлари бўйлаб текис хоссаларга эга бўлишини ва сифатини яхшиланишини талаб қиласди.

Кейинги вақтларда «Charm-attor»да комплекс хусусиятларга эга бўлган, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам ошловчи, ҳам бўёвчи ёки ҳам ошловчи, ҳам ёғловчи, ёки ҳам ошловчи, ҳам оқартирувчи самарали маҳсус синтетик ошловчи тўлдирувчилар ёки тўйинтирувчилар кўлланила бошланди. Пойафзалнинг устки қисми учун мўлжалланган хром билан ошланган чарм ярим маҳсулотларини тўлдириш учун, одатда ошловчилар массасига нисбатан 5-6% синтетик ошловчилар ишлатилиди.

«Charm-attor» МЧЖда сувга эрувчан смолалар билан чармни тўлдириш. Пойафзалнинг устки қисми учун чарм ишлаб чиқаришда катта чарм хом ашёлари ишлатилиб келинмоқда. Бизга маълумки, хом ашё майдони ва вазни бўйича қанча катта бўлса, терининг топографик қисмлари бўйлаб хоссалари шунча нотекис бўлади. Булардан олинган чармларнинг хоссалари, уларнинг майдони ва қалинлиги бўйлаб ҳар хил бўлади. Шу сабабли, терига ишлов бериш жараёнида ошланган чарм яриммаҳсулотларини турли хил сувда эрувчан полимерлар билан тўлдириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда бу полимерлар чарм ярим маҳсулотининг бўш говакли структурасига сайланма жойлашиш хусусиятига, яъни полимерлар чарм ярим маҳсулотининг этак қисмларига кўпроқ, ёпқич қисмларига камроқ жойлашади. Бу билан ишлаб чиқариладиган тайёр чармнинг хоссалари майдони ва қалинлиги бўйича текисланади.

Ошга тўйинтириш жараёнида чарм ярим маҳсулоти юза сирти зичланади ва бунда сайланма ошлаш юз бермайди.

Ошловчи аминокислоталар билан чарм яриммаҳсулотини тўлдириш яхши натижаларни беради. Аминокислоталар ошлаш ва ошга тўйинтиришда сайланма тўлдириш хусусиятига эга. Бундай чармларни силлиқлаш (жилвирлаш) осонлашади.

«Charm-attor» МЧЖ да булғори ва таглик чармлар ишлаб чиқаришда асосан поликонденсация йўли билан олинган синтетик ошловчилар ишлатилиди. Бу синтетик полимерлар билан ишлов берилган чармлар емирилишга чидамлилиги, сув ўтказувчанлигининг пасайиши, топографик қисмлари бўйлаб бир хил хоссага эга бўлишилиги, кимёвий реагентлар ва

микроорганизмлар таъсирига чидамлилиги, яхши тўлиқлиги билан ажралиб туради.

Реакционактив синтетик полимерлар моддалар билан ошлаш жараёнида уларни чармга киритишда улар нафақат коллаген билан балки, коллаген билан боғланган ошловчи моддалар билан ҳам боғланишлар ҳосил қиласди. Кўлланиладиган полимерлар ва ошловчи моддалар табиатига қараб ҳар хил мустаҳкамликка эга бўлган, кимёвий боғланишларга ҳам олиб келадиган боғланишлар ҳосил қиласди.

Тингловчилар учун топширик

1. Тўлдиришнинг мақсади нимадан иборат?
2. Чарм яриммаҳсулотининг комплекс хусусиятларга эга бўлиши, ишлатилган тўлдирувчилар, кўлланилган технология орқали қандай эришиш мумкин?
3. «Charm-attor» МЧЖ ишлаб чиқаришида чарм яриммаҳсулотининг айrim хоссаларини ўзгартиришга тўлдирувчилар қандай таъсир этади?
4. «Charm-attor» МЧЖ ишлаб чиқаришида тўлдирувчи сифатида қандай моддалар ишлатилади?
5. «Charm-attor» МЧЖла қандай ассортиментдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади?
6. Нима учун алюминий тузларини ошлашда қўллаш унча самара бермайди?
7. «Charm-attor» МЧЖ ишлаб чиқаришида тўлдириш жараёнини қандай аппаратларда олиб борилади?

**“ЎЗЧАРМСАНОАТ” УЮШМАСИ ТАРКИБИДАГИ
КОРХОНАЛАРНИНГ МЎЙНА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ТАЙЁРЛОВ
ОЛДИ ВА ОШЛАШ ЖАРАЁНЛАР. “ЎЗЧАРМСАНОАТ”
УЮШМАСИ ТАРКИБИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ МЎЙНА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШНИНГ БЎЯШ ВА ПАРДОЗЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ.**

«Меховая мода» чиқариш корхонасининг тайёрлов олди жараёнлари

Ишнинг мақсади: «ЎЗЧАРМСАНОАТ» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг мўйна ишлаб чиқаришнинг тайёрлов олди ва ошлаш жараёнлари билаан танишиш

Ишнинг баёни: «Меховая мода» чиқариш корхонасининг тайёрлов олди ва ошлаш жараёнлари

Мўйналар асосан ташқи қўриниши белгиларига қараб таснифланади, чунки турли мўйна ҳайвон терилари бир-биридан жуда фарқ қиласди. Бунга боғлиқ равишда, мўйна, жун қопламишининг ҳолатига, рангига, ўлчамлари, нуқсонлари, иммитациясига қараб бўлинади. Мўйнанинг ҳамма турлари бўйича таснифланадиган ягона стандарт мавжуд эмас. Бунинг сабаби шундаки, мўйна саноатида элликдан ортиқ турдаги ҳайвон териларига ишлов берилади. Бу териларнинг хоссалари биологик белгиларига қараб, жуда бир-биридан фарқ қиласди. Бундан ташқари мўйна сифатига хом-ашёга бирламчи ишлов бериш ва ишлаб чиқариш усувлари таъсир кўрсатади.

Мўйна ишлаб чиқариш жараёнларида мўйнанинг тери тўқимаси билан бирга жун қопламишининг хоссалари ҳам ўзгаради. Ишлов беришда тери тўқимаси юмшоқлик, пластиклик хусусиятига эга бўлади ва унинг сувга, терлашга, кимёвий моддалар ҳамда микроорганизмлар таъсирига чидамлиги ошади.

Мўйнабоп қўй терилари, жуни калта қилинган, табиий ёки рангланган ҳолда ишлаб чиқарилади. Жун қопламишинг тепа қисмига маҳсус ишлов берилади ва бунинг ялтироқлиги ошиб, юқори қисми тўғриланади.


«Меховая мода» чиқариш корхонасида эса босқичли пикеллаш усули ишлатилади. Бунда кислота билан ишлов бериш бир неча босқичда олиб борилиб, 1 г/л концентрацияда бошланиб, 8 г/л концентрацияда тутатилади. Кўп жойларда шу билан пикеллашни ачитиш усулига алмаштириши мумкин.

«Меховая мода» чиқариш корхонасида арпа суви билан ишлов бериш. Бу усул анча қийин ва мураккаб бўлиб, бунда биокимёвий жараёнлар боради. Бу усулга ўхшаган усувларни нон ачитқилари билан ҳам ишлов

бериш дейилади. Баъзи вақтларда "киселлаш" деб хам юритилади. Бу усул қўй, эчки ва моллар терисини ишлов беришга ишлатилмайди. Чунки пикеллаш усули жорий этилгандан кейин, у кваслаш усулини сиқиб чиқарди. Ҳозирда бу усул асосан қорақўл терилари ва олмахон терисини ишлов беришда ишлатилади. Кваслаш усулининг афзаликлари шундаки, бу усул натижасида юқори сифатли маҳсулот олиниб, унинг механик мустаҳкамлиги пасаймайди ва терининг пластиклиги сақланиб қолади.

Ачитиш усулининг камчиликлари булар асосан жараённинг давомийлигини, озиқ-овқат маҳсулотларининг сарфланиши, ҳамда жараённи назорат қилинишнинг қийинчилиги ҳисобланади. Кваслаш суюқлиги қўйидагича тайёрланади. Жуда ҳам майдаланмаган арпани 40°C даражадаги сувга эритиб, уни 12 соат ушлаб турилади. Натижада бу маҳсулот ачиыйди. Кейин унга ош тузи билан бирга ўн қўшилади ва ачиш натижасида оқсиллар ва углеводлар парчаланиб органик карбон кислоталар ҳосил қиласи.

Натижада сут кислотаси 3-5 г/л ва газ ҳолатидаги маҳсулотлар ҳосил бўлади. Бундан ташқари қандли моддалар қўйидагича парчаланилди:



1 - Рasm. Арпа унидан қорақўл териларини ачитиш жараёнида мураккаб органик кислоталарини ҳосил бўлиш схемаси.

Бундан ташқари ачитки суюқликка бактериялар актив фаолият кўрсатиб спиртлар ва мағор қолдиқлари ҳосил қиласи. Ярим маҳсулотни ачитиш натижасида:

1. Ферментлар таъсир этади.
2. Органик кислоталар таъсирида пикелланади.
3. Тери тўқимаси юмшаяди.

Фибриллар эса алоҳида-алоҳида ажралади. Бунга газларнинг пайдо бўлиши қўшимча ёрдам беради. Бундан ташқари ачитишда натижасида жун билан тери тўқимасидаги боғланиш сусаяди ва бу ачитиш жараёнини тугашини билдиради.

«Меховая мода» чиқариш корхонаси технологик жараёнларнинг асосий параметрлари

1. pH муҳити. Бунга асосан pH 7 га яқин бўлиши керак, чунки агар pH камайиб, кислотали муҳит бўлиб қолса ферментларнинг активлиги пасаяди.
2. Ҳарорат бу асосан 37-40°C орасида бўлиши керак. 30° дан пасайса ёки 40° дан кўтарилса бактерияларга салбий таъсир этади.
3. Жараён давомийлиги. Жараён давомийлиги тери тўқимаси микроструктурасини ўзгартиради ва унинг мустаҳкамлигини пасайтиради ёки тери билан жун оралиғидаги мустаҳкамликни сусайтиради. Муҳитда ош тузининг қўшилиши органик кислоталар таъсирида терининг бўкиб қолишидан сақлайди.

«Меховая мода» чиқариш корхонасида ачитишни амалда олиб борилиши ва назорати

Ҳар доим кваслаш жараёнида суюқлик коэффициенти, ҳарорат, кислоталар миқдори ва бактерияларнинг активлигини назорат қилиш керак. Тери тайёр бўлганлигини фақат органолептик усул билан текширилади. Қоракўл териларининг ағдарма томони оқ тусда бўлиб, уни қатлаб сиққандা оқ чизик пайдо бўлади. Текширишни иккинчи усули тери тўқималари билан жунни мустаҳкамлигини билиш учун, теридаги қўлтиқ ости жунлари ёки оёқчалар, бўйинлардаги жунни тортиб билиш мумкин. Агар ачитиш жараёни тугаган бўлса, жунни мустаҳкамлиги бу жойларда сусаяди. Ачитиш эритмасида кислоталар миқдори кам бўлса, у жараён охиригача етказилмайди ва тери сифати пасаяди. Бунга эҳтиёт бўлиб минерал кислоталардан оз миқдорда қўшиш керак.

Ачитиш эритмасига ферментлар кўпайиб кетса тери тўқималари ва жун орасидаги боғланиш сусайиб кетади. Бу анча нуқсонларга олиб келиши мумкин. Бу ҳолатни яхшилаш мақсадида жуда кам миқдорда туз қўшиб, муҳитни ўзгартириш мумкин.

«Меховая мода» чиқариш корхонасида ошлаш. Мўйна яриммаҳсулоти ошлаш, чармни ошлашдан бир неча фарқлари мавжуд. Маълумки, мўйна терилари юқори даражада юмшоқлик ва пластикликка эга бўлиши керак. Ошлашдан кейин, терилар қисман қайишқоқликка эга бўлиши мумкин, мўйнани ошлаш жараёнида эса, унинг пластиклик хусусиятлари сақланган бўлиши шарт. Шунинг учун бу терилар пикеллаш жараёнида кислота билан яхши тўйинтирилади. Бундай пикеллашда терилар пластиклик ва чўзилувчанликка эга бўлади. Бироқ мўйнани ошлашда, концентрланган сульфат кислота эритмасига ишлов берилиб, пикеллаган териларнинг хром бирикмалари билан боғланиши секинлашади, чунки бунда оқсил кислота билан жуда туйинган. Одатда, бундай ҳолатда, пикеллаган терилар ошлашдан олдин натрий карбонати ёки гипосульфити билан нейтралланади. Гипосульфит билан нейтраллашда, текис нейтралланиш ва тери тўқимаси юқори пластиклик хусусиятига эга бўлади.

Гипосульфит билан ишлов беришда $S_2O_3^{2-}$ ионларнинг бир қисми, хром ички сферасига кириб, никобланган комплекслар ҳосил қиласди.

Мўйнани ошлашда эпидермисдан ошловчиларнинг дермага ўтиши қийинлигини ҳисобга олиш керак. Дермага ошловчи терининг турли қатламидан киради. Бу эса хром бирикмаларини тери қатламлари бўйлаб нотекис ёйилишига, пластикликни, йиртилишига мустаҳкамлигини камайтиришга, майдони бўйлаб тортилишига олиб келиши мумкин. Булардан ташқари соч билан ошловчини ўзаро боғланиш хусусиятларини ҳисобга олиш керак, чунки мўйна сифатини белгиловчи соч қопламини ташқи кўринишини ўзгартириши мумкин.

Эслатиб ўтилган мўйна хусусиятларини сақлаб қолиш мақсадида ошлашни асослиги кичкина эритмада, хром эритмаларининг паст концентрациясида олиб борилади. Одатда дерманинг пишиш ҳарорати $70-75^{\circ}\text{C}$ етганда мўйнани ошлаш тутатилади.

Хром бирикмалари билан мўйнани ошлашда, уни ошлаш хусусиятини ошириш мақсадида, якка услугга асосан уротропиндан фойдаланиш назарда тутилган. Ошлаш жараёнида ҳосил бўлган хром уротропин комплекслар коллаген билан жадалрок боғланиб, тери тўқимасини иссиқликка чидамлигини оширади.

Қоракўл, мерлушка териларини ошлаш, 15-20 % асосликдаги хром бирикмалари эритмасида олиб борилади. Ошлашнинг охирида пишиш ҳарорати $65-68^{\circ}\text{C}$. Қоракўл териларни ошлаш асослиги паст эритмада олиб борилса ҳам, тайёр яриммаҳсулот, етарли юмшоқлик ва чўзилувчанликка эга бўлмайди. Шу сабабли қоракўлни ошлашни бошқа усувларини ишлаб чиқиши давом этаяти. Истиқболли усувлардан пикеллаш ва хром бирикмалари билан ошлашни дициандиамид смоласи билан ишлов бериш билан алмаштириш мумкин. Бундай ишлов беришда терилар юмшоқ бўлиб, майдонининг чиқиши ошади, пишиш ҳарорати 70°C атрофида бўлади.

Кўриб чиқилган усувлардан ташқари, услуг бўйича ошлаш ва пикеллаш жараёнини қўшиб ўтказиш кўзда тутилган.

Бу усул билан ошлангандан кейин ишлов берилган ошловчи эритмада 60-70% миқдорда хром бирикмалари бўлади, шу сабабли, келгусида эритмалардан фойдаланиш мақсадга мувофикдир. Одатда ишлатилган эритмалар, хром билан ошлашдан кейин камида 5 марта фойдаланилади, концентрациясини талабига қараб оширилади.

«Osiyo-mo`ynasi» МЧЖда мўйнани бўяшдан олдин ўтказиладиган тайёрлов жараёнлари

«Osiyo-mo`ynasi» МЧЖда мўйнани бўяшдан олдин ўтказиладиган тайёрлов жараёнларининг мақсади:

- ҳайвон мўйна жун қопламларини сифатли бўяшидан иборат. Бунга эришиш учун қуйидаги шароитлар яратиш лозим:
 - бўёқни жун ичига чуқурроқ киритиш.
 - бўёқларни жун структурасида яхши мустаҳкамлаш.

Бундай мақсадларга тайёрлов жараёнлар: нейтраллаш (ўлатма ишқорлаш) ва дорилаш ёрдамида эришилади.

«Osiyo-mo`ynasi» МЧЖда ўлатма нейтраллаш


Жараён мақсади - мўйна териларини турли моддалар билан турли режимларда ишлов беришдан иборат, яъни жун ва терига керакли рН қийматини бериш, шу билан бирга кейинги ўтказиладиган жараёнлар боришини осонлаштиришдан иборат.

Бунда жун ҳар ҳил ёғ ифлосликлардан ва бошқа иллатлардан тозаланади ва кейинги бўяш жараёнида бўёқ моддаларининг диффузияланишини осонлаштиради.

«Osiyo-mo`ynasi» МЧЖда жараённи ўтказиш шартлари

Жун оқсиллари яъни кератинлар, ишқорли муҳитга жуда сезгир бўлғанлиги учун улар бу шароитда тез гидролизга учрайди. Жун дермага қараганда тез гидролизланади. Ишқорлар таъсири остида баъзи шароитларда коллаген структураларини чуқур ўзгартиришга олиб келиши мумкин, бу эса, ўлатма нейтраллашда мақсад қилиб қўйилмайди. Ишқор таъсирида жун кератинидаги цистинли кўпrikнинг дисульфид боғланиши бузилади. Бу жараён қуйидаги схема орқали тасвирланади.

Дисульфид боғланишини бузилишини, биринчи навбатда терининг мальпигенли қатламида кузатиш мумкин, бу жун билан дерма боғланишини бузилишига олиб келади.




Сульфонли кислоталар қолдиғи

Шунинг учун, жараённи ўтказиш учун шундай реагентлар ва ишлов бериш шароитларини танлаш керакки, жун қоплами бунда заарланмасин ва унинг дерма билан боғланиши бузилмасин.

«Osiyo-to`ynasi» МЧЖда ўлатма нейтралловчи ишқорли моддалар тавсифи

Бу жараён учун ишқорли моддалар ишлатилади, улар ҳар хил хоссаларни намоён қиласиди.

FeSO₄ билан дорилашда (протравление) ўлатма нейтралловчининг ютилиши ошади, хромли дорилашда ютилиш камаяди. Хромли дорилашда ютилиш камайиши, хроматлар ҳосил бўлиши билан боғлик бўлиб у дорилаш қобилиятига эга эмаслиги билан тушунтирилади.



Хромли дорилашда, ўлатма нейтраллашни олиб бориш мақсадга мувофиқ эмас. Терилар айниқса, хром билан ошланган ва пикел билан ишлов берилган бўлса, ўлатма нейтраллашни олиб боришда эҳтиёт бўлиш керак бўлади.

Ўлатма нейтраллаш жараёни бошқа жараёнлар билан ўзаро боғлиқлигини оладиган бўлсак, бу жараён ҳамма терилар учун мажбурий технологик жараён бўлмай, балки баъзи жун қоплами яхши бўялмайдиган қўпол жунли терилар учун ўтказилади. Баъзан бу жараён келгуси жараённи секинлаштириши мумкин, мисол учун дорилаб ишлов беришда бу жараённи ишлаб чиқариш услубидан олиб ташлаш мумкин. Масалан: дорилашда хромпик ва FeSO₄ қўлланилганда, улар жун қопламига ҳар хил ютилади.

1. Жадвал

Дориловчиларнинг жунга ютилиш характеристи

Ишлов бериш характеристи	Дориловчиларнинг ютилиши, %	
	Хромпик	Темир сульфат
Ишқорли	37,9	5,4
Ишқорли	37,9	8,7

Ўлатма нуқсонларига жун қопламининг тўкилиши ва унинг ялтироқлигининг йўқолиши киради.

«Osiyo-to`ynasi» МЧЖда ўлатма нейтраллаш жараёнининг бошқа жараёнлар билан боғлиқлиги

Ҳамма терилар учун бу жараён мажбурий технологик жараён бўлиб, киритилмаган. Бу жараён, баъзи мўйна ҳайвонларини қўпол жунларини бўяшни яхшилаш мақсадида ўтказилади. Баъзан бу жараён келгуси жараённи секинлаштириши мумкин, мисол учун дорилаб ишлов беришда, бу жараённи қўллаш шарт эмас.

Ўлатма нейтраллашда жунга дориловчиларнинг ютилиши

Ишлов бериш характери	Дориловчиларнинг ютилиши, %	
	Хромпик	Темир сульфат
Ўлатма нейтраллашсиз	77,7	5,4
Ишқорли ўлатма нейтраллаш	37,9	8,7

Хромли дорилашда ўлатма нейтраллаш жараёнини олиб борилиши мақсадга мувофиқ эмас.

«Osíyo-mo`ynasi» МЧЖда жараённи амалда олиб борилиши

«Osíyo-mo`ynasi» МЧЖда ўлатма нейтраллаш жараёни икки усулда: шўнғитиб ёки суркаб ишлов бериш билан олиб борилади. Шўнғитиши усули суркаш усулига қараганда кўпроқ кўлланилади ва у баркасларда суюқлик коэффициенти -12, ҳарорат 25°C ни ташкил қилиб, жараён муддати 2 соатгача давом этади. Ваннада аммиакли сувнинг (NH_4OH) концентрацияси 5-6 г/л дан кўп бўлмаслиги керак. Бу жараёндан кейин терилар ишқорлардан тозаланиши учун, яхшилаб сув билан ювилади ва улар миқдори назорат қилинади (фенолфталеин билан то нейтрал реакциягача). Суркаш усули билан ишлов бериш асосан иссиқкўзан, суғур, тулки мўйна терилари учун кўлланилади ҳамда улардан ўхшатиб ранглар олишда фойдаланилади. Ваннада Na_2CO_3 нинг концентрацияси 20 дан 50 г/л гача, NH_4OH ники 3 дан 20 г/л гача, жараён муддати 3-4 соатни ташкил қиласи. Кейин терилар ётқизиб қўйилиб, сўнг қуруқ ва хўл қипиклар билан ишлов берилади.

Рангини ўхшатиб бўяшда (имитация) ўлатма нейтраллашни олиб боришда, факат таг жунлар тароқ билан ювилади. Натижада жун тепа қисми баланд, момик жун эса, паст рангда рангланади.

Ўлатма нейтралловчилар таъсир этиш даражаси бўйлаб кучлидан пастга қараб қуидаги қаторда жойлашади.

NaOH -энг кучли реагент ўлатма нейтралловчи ҳисобланади.

Юқори концентрацияли эритма жун ва дерма учун хавфли бўлиб, унинг хоссаларини ёмонлашувига олиб келиши мумкин, ваҳоланки унинг унча катта бўлмаган (дозаси) миқдори эса, жун қопламини ялтиллашини кучайтиради.

NH_4OH яхши ўлатма нейтралловчи бўлиб, у ёғсизлантириш хусусиятига эга. Мўйна дермасига салбий таъсир кўрсатмайди. У ўювчанлиги ва ўткир ҳидлиги учун ишга ноқўлай ҳисобланади.

Na_2CO_3 ўлатма нетралловчи сифатида энг кўп кўлланилади. Жунни яхши ёғсизлантиради. Дермага ёмон таъсир кўрсатмайди, ялтилашига ҳам таъсир этмайди. $\text{Na}_2\text{CO}_3 + \text{NH}_4\text{OH}$ аралашмаси билан ишлов беришда яхши

натижаларга эга бўлиш мумкин, шу сабабли улар аралашмаси амалда кўпроқ қўлланилади. Баъзан аралашмага водород пероксида солинади (ўлатма билан қисман жун қопламини оқлаш учун).

Ўлатма нейтраллашнинг нуқсонларига жун қопламининг тўкилиши, ялтироқлигини йўқолиши ва тепа жун қопламини ўралиши киради.

«Osayo-to`upasi» МЧЖда бўяш учун ярим маҳсулотлар ва мўйнани бўяш усуллари

Мўйнани бўяш учун яриммаҳсулотлар, яъни оксидланувчи бўёқлар қўлланилади. Бунда кўп ҳолларда ёруғликка чидамсиз ранг ҳосил бўлиб, тери тўқимаси ёмонлашиб, эгилувчанлик паст бўлсада, хозирги кунда бу турдаги бўёқлар кўп қўлланилаяпти. Оксидланувчи бўёқлар ўзи бўёқ ҳисобланмайди, улар ярим маҳсулот бўлиб, бўяш жараёнида оксидланади ва ҳақиқий бўёқларга айланади. Буларга мўйна учун қора, кулранг, сариқ ва жигарранг бўёқлар мисол бўла олади.

Оксидланувчи бўёқлар билан мўйнани бўяшда шўнғитиш ва шуваш усуллари қўлланилади.

Бўёвчи эритма таркиби қуидаги компонентлардан ташкил топади

1). Бир ёки бир неча яриммаҳсулот, Керакли ранг самарасини бериш учун бир ёки бир неча ярим маҳсулотлар яъни оксидланувчи бўёқлар ишлатилади.

2). Оксидловчилардан, кўпроқ ҳолларда водород пероксида (H_2O_2), камроқ ҳолларда натрий пероксида (Na_2O_2) ишлатилади .

Жараённи олиб боришда ҳарорат $25-35^{\circ}C$ оралиғида бўлади. pH мухит нейтрал мухитга якин бўлади. Мўйна корхоналарига водород пероксидининг 30%-ли эритмаси, яъни пергидрол келтирилади. Ярим маҳсулот билан пергидролнинг сарфи 1:1 муносабатда олинади.

3). Ишқордан аммиакли сув (NH_4OH) ишлатилади. Бу ишқор тузли бирикмалардан эркин ҳолатдаги бўёвчи асосларни сиқиб чиқариш учун ишлатилади.

4). Ҳўллайдиган модда – сирти актив моддалардан (САМ) кўпроқ ҳолларда ОП-10 ва ОП-7 ишлатилади. САМ рангларни яхши ва текис ёйилишига ёрдам беради.

5). Ош тузи (бўкишга қарши ишлатилади).

Амалда бўяш шўнғитиш ва шуваш усулларида олиб борилади.

Мўйнани шўнғитиб бўяш усули баркасларда олиб борилади. Суюқлик коэффициенти 12-20 ни ташкил этади. Бўяш учун бўёқлар $80-90^{\circ}C$ ҳароратли юмшоқ сувда эритилади ва марлидан ўтказилади. Ишчи эритманинг pH и аммиак билан 8-8,5 га етказилади. Жараён ҳарорати $35-38^{\circ}C$ бўлганда, мўйна терилари солиниб, унга 30-40 дақиқа ишлов берилади ва пергидрол қуилади. Ишлов бериш муддати 3-6 соатни ташкил қиласди.

Шуваш усули билан мўйна териларини бўяшда унинг оқ тери тўқимаси сақланиши керак бўлганда амалга оширилади. Шуваш усулида паст толали мўйналарни юқори сифатли мўйна қилиб (имитация)ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Концентрланган бўёқ эритмаси мўйнанинг бахтарма томонига шётка билан суртилиб 4-10 соат ётқизилиб қўйилади ва улар қурилилади.

«Osayo-mo`ynasi» МЧЖда шуваш усулининг аэрографли, трафаретли, резервли бўяши усуллари

Аэрографли бўяш маҳсус машиналарда компрессорларда олиб борилади. Аэрографли бўяш усули қуйидаги схема орқали олиб борилади.

1) Нейтраллаш жараёни ўтказилади унда суюқлик коэффициенти -15 да ва эритма ҳарорати 38°C ни ташкил қилиб жараён 2 соат давом этади. Нейтраллаш ваннаси 10 мл/л аммиак эритмасидан иборат.

2) Дорилаш. (ювишдан кейин олиб борилади): Суюқ.коэф. – 15, эритма ҳарорати 30°C , жараён муддати 3 соатни ташкил қиласди. Дорилаш эритмасининг таркиби хромпик ва сирка кислотасидан иборат.

3) Бўяши жараёни. Суюқ.коэф. – 15, эритма ҳарорати $32-35^{\circ}\text{C}$, жараён муддати 1-1,5 соатни ташкил қиласди. Бўяш эритмаси таркиби мўйна учун қора Д бўёқ, мўйна учун жигарранг А бўёқ, мўйна учун сариқ Н бўёқ, аммиак ва пергидроллардан иборат.

Аэрографли бўяш, жун қопламини юқори қисмини ювиб, сиқиб, мўйнанинг жун қоплами ва тери тўқимасини пардозлаб бўлгандан кейин олиб борилади.

Бўяш эритмаси таркиби: мўйна учун қора бўёқ Д, мўйна жигарранг бўёқ А, мўйна сариқ ранг бўёқ Н, аммиак пергидрол, пирогаллоллардан иборат.

Эритма бўёқ сепувчи ёрдамида мўйнани бутун майдони бўйича пуркалади.

4) Қисман қуритиши ва жун қоплами билан тери тўқимасини пардозлаш.

Аэрографли бўяш асосан имитация қилинадиган мўйна терилари учун қўлланилади.

Трафаретли бўяши маҳсус металл листлар ёрдамида амалга оширилади. Металл листлар расм қилинган тешиклардан иборат. Бўяш учун терилар текис ёйилади ва трафарет шундай қўйиладики, бунда унинг марказий чизиги терининг чизигига мос тушиши керак. Кейин маҳсус шётка ёки бўёқ сепувчи ёрдамида трафарет билан ёпилмаган терининг жун қопламига бўёқ эритмаси шувалади.

Трафаретли бўяшда юқори концентрацияли бўёқ эритмаси қўлланилади. Бу усул ёрдамида бир ва икки рангга эга бўлиш мумкин. Трафаретли ранглашдан кейин терилар ётқизиб қўйилади, қурилилади ва жун қоплами пардозланади. Трафаретли усулига қўй мўйнасини қоплонга ўхшатиб бўяш мисол бўла олади.

Резервли бўяши деганда, жунни чиройли қилиб имитациялашда қўлланилади. Бунда соч учига, қўрғошин хлориди, хлорид кислота, картошка уни ва ҳўлловчи моддалардан иборат эритма шётка билан суртилади. Кейин терилар қуритилиб дориланади ва оксидловчилар билан бўялади. Пардозлаш

операцияларидан кейин жун қоплами рангланади, жуннинг умумий қисмидан уч қисми эса, бўялмай қолади.

Тингловчилар учун топширик

1. «Меховая мода» чиқариш корхонасида арпа суви билан ишлов бериш қандай амалга оширилади?
2. Ачитиш усулининг камчиликларини санаб беринг.
3. Ачитиш усули неча температурада неча соат давом этади?
4. Арпа унидан қоракўл териларини ачитиш жараёнида мураккаб органик кислоталарини ҳосил бўлиш схемаси келтириб тушунтириб беринг.
5. «Меховая мода» чиқариш корхонасининг технологик жараёнларини асосий параметрлари айтиб беринг.
6. «Меховая мода» чиқариш корхонасида ачитишни амалда олиб борилиши ва назорати ҳақида тушунча беринг.
7. «Меховая мода» чиқариш корхонасида ошлаш жараёнини тавсифлаб беринг.
8. Қоракўл териларини ошлаш, қандай асосликдаги хром биримлари эритмасида олиб борилади?
9. «Osiyo-mo`ynasi» МЧЖда мўйнани бўяшдан олдин ўтказиладиган тайёрлов жараёнларининг мақсади нималардан иборат?
10. «Osiyo-mo`ynasi» МЧЖда ўлатма нейтралаш қандай амалга оширилади?
11. Ўлатма нейтралаш жараёнининг мақсади?
12. «Osiyo-mo`ynasi» МЧЖда жараённи ўтказиш шартлари нималардан иборат?
13. «Osiyo-mo`ynasi» МЧЖда ўлатма нейтралловчи ишқорли моддаларни тавсифлаб беринг.
14. «Osiyo-mo`ynasi» МЧЖда ўлатма нейтраллаш жараёнининг бошқа жараёнлар билан қандай боғлиқликка эга?
15. «Osiyo-mo`ynasi» МЧЖда жараённи қандай амалда олиб борилади?
16. Ўлатма нейтраллашнинг нуқсонларини санаб беринг.
17. «Osiyo-mo`ynasi» МЧЖда бўяш учун яrim маҳсулотлар ва мўйнани бўяш усуллари санаб беринг.
18. Бўёвчи эритма таркиби қандай компонентлардан ташкил топади?
19. Мўйнани шўнғитиб бўяш усули қанақаени аппаратларда олиб борилади?
20. «Osiyo-mo`ynasi» МЧЖда шуваш усулининг аэрографли, трафаретли, резеврли бўяш усулларини тушунтириб беринг.

1-Кўчма машғулот

Мавзу: “Ўзчармпойабзal” уюшмаси таркибидаги корхоналарининг чиқиндилари, уларни қайта ишлаш, рекуперация ва экологик муаммолар.

Ишдан мақсад: “Ўзчармпойабзal” уюшмаси таркибидаги корхоналарининг чиқиндилари, уларни қайта ишлаш, рекуперация ва экологик муаммоларини ўрганишдан иборат.

Чарм ва мўйна ишлаб чиқариш саноатининг атроф-муҳитга таъсири

Бугунги кун долзарб муаммоларидан, хом ашёдан рационал фойдаланиш, чиқиндисиз ва кам чиқиндили илғор технология яратиш, энг муҳими эса атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда маҳнат шароитларини яхшилаш ҳисобланади.

Малумки, хайвон териларига маҳсус ишлов бериш натижасида мўйна олиш ва ундан турли хил ҳалқ истеъмол моллари; бош кийимлар, ёқалар, пальто ва ошқалар тайёрлаш, мўйна ишлаб чиқаришнинг асосий мақсадидир. Ҳайвон териларини мўйнага айлантириш жараёни эса жуда мураккаб, уларнинг кўпчилиги узок давом этиб, кўп меҳнат талаб қиласиган, териларга ишлов беришда ишлатиладиган кимёвий моддалар заарли, оқсмил ва бошқа чиқиндилар миқдорикўп, оқава сувларнинг ифлосланиши сезиларли даражададир. Шунинг учун мўйна саноатини такомиллаштиришнинг муҳим йўлларидан бири – ферментларни қўллашдир. Мўйна ишлаб чиқаришда, ачитиш жараёнида ферментлар жуда катта аҳамиятга эга. Уларни мўйна тери тўқимаси структурасини яхшилаш ҳамда ивitiш, соч қопламини ёғсизлантириш жараёнларида ишлатиш мумкин. Бу эса, яриммаҳсулот ва чиқадиган тайёр маҳсулот сифатининг яхшиланишига, хом ашёдан рационал фойдаланишга, меҳнат шароитларини яхшилаб, оқака сувлар ҳажми ва ифлосланишнинг камайишига олиб келади.

Кейинги йилларда мўйна ишлаб чиқариш саноатларида мўйнани бўяшда оксидловчи бўёқлар заҳарли бўлиб, бу бўёқлар Билан бўяшни олиб бориш кўп босқич ва кўп ва кўп меҳнат талаб қиласиган. Натижада, оқава сувлар ҳажми камайиб, ишлаб чиқариш шароитлари ёмонлашади. Бўяш жараёнларида бошқа бир қатор бўёқ турларини қўллаш. Оксидловчи бўёқлардан фойдаланмасликка шароит яратади. Шу жумладан, кислотали бўёқлар қўллаш орқали оксидловчи бўёқларга хо сбир қатор камчиликлардан (заҳарлилик, кўп босқич ва кўп меҳнат талаб қилинишидан, оқава сувлар ҳажми камайишидан) холи бўлишга эришилди. Шунингдек, кислотали бўёқлар экологик жиҳатдан тоза бўлиб, бўяшдан сўнг фойдаланилган бўёқ эритмасини бир неча марта ишлатишга ва сувни тежашга имкон беради.

Сув хавзаларини муҳофаза қилишнинг муҳим йўлларидан бири-оқава сувларни тозалайдиган ишончли усусларни ишлаб чиқиш ва қўллашдан иборат. Бугунги кунда бир мунча рационал бўлиб, баъзи жараёнлар, масалан,

ивитиш, ошлаш-мойлаш, бўяш ва бошқа жараёнларнинг оқава сувлари учун алоҳида канализация системалари ўрнатиш бўлиб ҳисобланади. Бу система кимёвий моддаларни алоҳида ажратиб олишга имкон беради ҳамда оқава сувлар ҳажмининг камайишига сув ва бошқа кимёвий моддалардан оптималь фойдаланишга, шунингдек юқори иқтисодий самарадорликка олиб келади.

Ҳозирги вактда энг актуал масалалардан бири атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳисобланади.

Чарм ва ўйна саноати атроф-муҳитни ифлослайдиган корхоналардан ҳисобланади. Чарм ва мўйна корхоналари чиқинди сувлардан тозалаш муҳим аҳамиятга эга.

Чарм ва мўйна корхоналарида чиқинди сувлар, тозалаш усулларига қараб З гурухга бўлинади:

1. Хром бор чиқинди сувларга
2. Бўёғи бор чиқинди мувларга
3. Ивитиш, ювиш, ёғизлантириш жараёнлари сиқинди сувларига.

Бу чиқинди сувларни таркибиغا қараб механик ва маҳсус тозалаш усуллари ўтказилади.

Механик тозалашда, чиқинди сувлардаги эримайдиган муаллак моддалар тозаланади. Янада бу тозалашда чиқинди сувлардан жун ва мездра бўлаклари хам тозаланади.

Тозаланган сувлар биологик тозалашдан ўтиши керак, яъни суюқлик синтетик сирт актив моддалардан тозаланди ва бу учун флотация усули кўлланилади.

Чиқинди сувлар сифатига талаб катта бўлганлиги сабабли реконструкция қилинадиган ва Янги қуриладиган корхоналарга тозалаш иншоотларига катта эътибор бериш лозим.

Тозалаш усуллари мураккаб бўлганидан ишлатиладиган суюқлик ҳажмини камайтириш тадбирларини қабул қилиш керак.

Ишлов берилган суюқлик таркибида САМ, хром тузлари, бўёқлар, мой моддалари бу сувларни кўп марталаб жараёнларда дозаларини нормаллаштириб ишлатиш тайёр маҳсулот сифатига таъсир кўрсатмайди.

Бугунги кунда оқава сувларни сирт фаол моддалардан тозалашда катта эътибор бериilmокда.

Биокимёвий тургун моддаларга эга бўлган оқава сувларнинг узлуксиз оқиши сув хавзаларининг ифлосланишини оширади, бу эса корхоналарнинг шу жумладан чарм заводларининг оқава сувларини тозалаш даражасини оширишни талаб қиласди. Анион актив сирт фаол моддаларнинг биокимёвий жараёнларга таъсир қилишини ўрганиш алтел сульфатлар ва алкел сульфатлар тўлиқ ва тез парчаланишини кўрсатади. Алтел хром сульфатларининг фаол ва оқава сувларининг йўқ қилиш билан бирга 30-40% парчаланади.

Шунинг учун оқава сувларга алкил сульфатларининг сульфатларининг концентрацияси 40 мл/л га рухсат берилса, сульфатлар учун 10 мл/л ни ташкил қиласди.

«PENG-SHENG» ЎКда ишлов берилган хром шарбатларидан олинган хромдан фойдаланиш

Хромли қирқим ва қириндилардан ҳалигача унумли фойдаланишмаяпти. Хром қириқимларини камайтириш мумкин. Хромли қириндилар ИК (кожемит) учун ишлатилади. Бироқ унинг бир канча қисми баъзи бир сабабларга кўра ишлатилмайди.

Ошсизлантириш усулини қўллаб, бир томондан хром тузларидан иккинчи томондан коллаген массасидан унумли фойдаланиш мумкин. Коллаген массасидан елим, желатин ёки уй паррандилари учун озуқа учун фойдаланса бўлади.

Ошсизлаш учун бир неча усуллар таклиф қилинади.


Оқава сувларини оксидлаш усули билан тозалаш

Оксидлаш учун водород пероксида (H_2O_2) тавсия қилинади. Бунда коллаген оксидланади лекин хром чармларидан 4,7% Cr_2O_3 (хром оксидини) ажратиб олиб бўлмайди. Оксид микдорини ошириш билан чармнинг дерма қатламлари парчалана бошлайди ва унинг ички қатламларига улар кира олмайди.

Олдиндан иккита қўшма кислоталар (шавул кислота 20г/л + сульфат кислота 50 г/л) билан ишлов бериб, кейин оксидлар билан ошсизлашда яхши натижаларга эришиш мумкин бўлади. Бу усул билан чармнинг таркибига 0,13 % Cr_2O_3 микдор колгунча ошсизлашга эришилади. Бу колган микдор коллаген билан жуда мустаҳкам боғланган ва унинг шаклланишига ҳеч таъсир кўрсатмайди, ҳамда бу микдорни ажратиб ҳам бўлмайди.

Ишқор ёрдамида ошсизлаш усули.

Хромли қириндини оҳак билан ишлов берилади ва хром тузлари $Cr(OH)_3$ ҳолатга айланади. Кейин эса уни сульфат кислота ёрдамида чармдан ажратиш мумкин.



Хром сульфатни сода ёрдамида нейтралланади. Нейтралланган коллагендан елим ва желатин қайнатишга узатилади.

Сульфат кислота билан хром сульфат аралашмасидан хромпик (бихромат) қўшиб, хром экстракти тайёрлаш ҳам мумкин.

Ишлов берилган хром шарбатларидан олинган хромдан фойдаланиш. Ишлатилган ошловчи эритмалар чиқиндисини канализацияга узатишади. 12-15 % ишлатилган хромдан концентрацияси 3 г/л бўлган (Cr_2O_3 ҳисобида) Чиқинди сувни канализацияга ташлаш рухсат этилади. Лекин концетрация Cr_2O_3 ҳисобида 5-7 г/л ни ташкил қиласи. Бунда ошлаш учун ишлатиладиган хром тузларининг 20 % исроф бўлади.

Олдиндан тозаланган аралашмаларга ишчи реагент қўшиб қўп марта фойдаланиш мумкин.

Чарм ишлаб чиқаришда 150 дан ортиқ кимёвий материаллар ишлатилади. Кўпгина суюқлик жараёнларда кимёвий материалларни яrim фабрикатга яхши диффузия бўлиши учун, кимёвий реагентларнинг концентрацияси қўпроқ қилинади. Лекин бу шунга олиб келадики, эриган кимёвий моддалар эритмага қолади. Натрий сульфиднинг ишлатиш даражаси 40 %, $\text{Ca}(\text{OH})_2$ 25% ва хром бирималарининг 60 %га тенг бўлади. Бундан келиб чиқадики, колган эритмаларга эҳтиёж туғилади. Бу эритмани керакли концентрацияга келтириб чарм ишлаб чиқаришда фойдаланади. Бу билан сув ҳам тежаб қолинади.

Тайёрлов жараёнлар учун сарф бўладиган сувнинг кўп ишлатиб, яъни чиқинди сувларини 83 % ини ташкил қиласи. Сувни эҳтиёж қилиш энг асосий вазифа бўлиб ҳисобланади, айниқса ҳозирги замонда. Бунинг бир неча йуллари мавжуд:

1. Услуб буйича суюқлик коэффицентини минимал қийматгача келтириш;
2. Мумкин қадар бир неча суюқлик жараёнларни биргаликда олиб бориш;
3. Ювишни оқава сувда эмас, аниқ суюқлик коэффицентида олиб бориш;
4. Ишлатилган эритмалар қайта фильтрлаб, pH системасини, ҳароратни тартибга (корректировка) қилиш, кимёвий материалларни концентрациясини кераклича ишлатиш;
5. Ёпик циклни ташкиллаштириш - ишлатилган суюқликлар шундай тозаланадики, қайта технологик эҳтиёж ишлатилади.

Чарм ишлаб чиқариш корхоналарида суюқликлардан, кимёвий материаллардан ташқари эриган оқсил моддаларни ажратиб олиш мумкин, бунинг учун эритма мухит $\text{pH} = 4,0$ гача етказилади.

Ажратилган оқсил моддалар нейтралланиб, дизенфекцияланиб, ҳайвон, моллар озуқасига аралаштирилиб берилади.

Ҳозирги вақтда чарм ишлаб чиқариш корхоналарга эритмаларга ва суюқликларни қайта ишлатишга катта аҳамият берилади.

«АНКА» МЧЖ ошловчи цехларда эритмалардан қайта фойдаланиш

1. Ишлатилган суюқлик ошлашдан кейин маҳсус жамлагичларга тушади, бундан кейин ўлчагичларга ўтади ва хлорид натрийнинг, H_2SO_4 , Cr_2O_3 борлиги таҳлил қилинади, эритма услуб бўйича керакли концентрацияга келтирилиб пикеллаш ва ошлаш учун барабанларга узатилади.


Бир эритмани 10 марта қайта ишлатганда ҳам териларнинг аналитик ва физика-механикавий хоссалари ўзгармайди.

2. Жамлагичларда колган Cr чўкмаси (III) валентли хром гидроксид чўкмаси кўринишида бўлади.

Хром гидроксиди асосини ишқор билан 100 % гача етказадилар. Чўкма H_2SO_4 кислотасида эритилади, бу эритма кейинги партияларни ошлаш учун ишлатилади.

Ишлатилган эритма 1 сетка орқали автоматик 3 клапанга ва 4 элакдан ўтиб, кўпикни оладиган қурилмаси бор бўлган жамлагичга 5 тушади. 2 ва 6 pH метрлар эритманинг pH ни назорат қиласди. Шу этапдаги эритма терини ошлаш учун ишлатиш мумкин.

Ишлатилган эритмаларни механик тозалаш схемаси: 1-таркибини корректировка қиласдиган резервуар, 2-барабан 3-тебранувчи решетка 4-ишлатган эритма тўплагичи.



Хромни регенерация килиш учун насос билан резервуар 7 га ўтказилади. У ерда хромга гидроксид Са ва полиэлектролит тушганда, у гидроксид кўринишида чўкмага тушади. Хром гидроксиди 8 тўплагичга ва 10 вакуум фильтрга тушади, ундан кейин 9 вакуум насос фильтратни 11 шнек ёрдамида 12 резервуарга узатади, шу резервуарга чўкманинг эриши учун H₂SO₄ кислотаси солинади. Кальций сульфати 13 циклонда ажратилади ва Cr(SO₄)₃ эритмаси эса резервуар 14 га тўпланади ва ошлаш учун қайта ишлатилади.

Кул сувида ювиш ва жунсизлаштиришда 40 % CaSO₃ ва 25% Ca(OH)₂ ишлатилади. Колган моддалар эритмада колади. Шунинг учун ҳозирги вақтда уларни механик тозалагандан кейин қайта ишлатиш кенг қўлланади.

«Charm-attor» МЧЖ ишлаб чиқаришда тозаланган чиқинди сувлардан қайта фойдаланиш

Чарм ва мўйна ишлаб чиқариш корхоналарининг хусусий томони шундаки, бу корхоналарда жуда кўп сув ишлатилади ва шунча сув чиқиндига чиқади.

Ҳозирги вақтда бизда ва чет элларда сувни тозалаш, уларни камроқ чиқиндиларга чиқариш, ифлосланишига йўл қўймаслик муҳим муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Чиқинди сувларни қайта ишлатиш микдори жуда кам. 100 метр куб нефть ишлаб чиқариш учун 42 метр куб сув сарф бўлади.

Куй пустини ишлаб чиқаришда кетадиган сувнинг микдори 100 метр куб.1 тонна хом ашёга тугри келади. 1 тонна жунни тозалашда 150 метр куб сув сарф бўлади.

Сувнинг сифати ишлаб чиқарадиган терининг сифатига таъсир қиласди. Техник сувнинг юмшоклиги 6-7 моль/л булиши шарт. Ҳозирги вактда технологик сувларни бутунлай рецеркуляция килиш устидан изланишлар олиб борилмокда.

Бунинг учта варианти мажуд:

1. Чиқинди сувларнинг pH=9 гачасини нейтрализация килиш, фаоллаштирилган лойқа билан биологик тозалаш.
2. Механик тозалаш, решеткалар ёрдамида.
3. Турли кимёвий моддалар билан кимёвий тозалаш.

Заводдаги чиқинди сувлар канализациядан ўтгандан кейин иқинди сувларни тозалаш қурилмасига ўтади, ундан кейингина сув ҳавзаларига қутилади. Лекин бунда рухсат этилган концентрация чегараси (ПДК) га қатъий риоя қилиш шарт.

Модда	ПДК мг/л	Модда	ПДК мг/л.
Аммиак	2.0	сульфинол НП-3	0.1
Анилин	0.1	фенол	0.001
Бензол	0.1	формалин	0.1
Темир(III)	0.5	натрий хлор	20
α-нафтол	0.1	хром(III)	0.5
β-нафтол	0.4	хром(YI)	0.1

Катта шаҳарларда чарм заводлари ва мўйна фабрикасининг чиқинди сувлари, шаҳар канализациясида тозалангандан кейингина сув ҳавзаларига юборилади.

«Osoyo-Charm-Fayz» МЧЖ чиқинди сувлари тавсифи

Чарм ва мўйна корхоналарининг чиқинди сувлари заҳарли бўлади. Уларнинг таркибида эрийдиган ва эримайдиган моддалар бўлади. Бундай моддаларга, кальций хлорид ва гидроксид, кальций сульфид, Cr(III) бирикмалари, оқсил моддалар, сирт фоал моддалар (САМ), мойловчи моддалар, ранглар киради.

Концентрацияланган заҳарли реактивларни меъёридан кўп оқар сувларга ташланса ва вентиляцион системалардан ҳавога газларнинг

чиқарилиши, атроф - муҳитнинг ифлосланишига олиб келади. Бу эса корхона атрофидаги ерларнинг унумдорлигига ва ҳайвонот оламига зарарли таъсир этиши мумкин.

Ҳозирги вақтда саноатнинг ҳамма тармоқларида сув захираларидан тўғри фойдаланиш ва мавжуд сув ҳавзаларини ифлослантирмаслик масалалари муҳим аҳамиятга эгадир.

Кўнчилик саноати корхоналаридан чиқаётган оқава сувлар ўта заҳарлилиги ва кимёвий моддалар концентрациясининг жуда юқорилиги билан фарқланади. Оқаванинг ўта ифлослиги ва кимёвий таркибининг мураккаблиги уни тозалаш усулларини танлашни қийинлаштиради. Айниқса, хром тузлари, танидлар сувни ўзига хос тарзда ифлослантириб, уларни тозалаш йўлларини ўрганиш заруратини келтириб чиқаради.

Танидларнинг чиқинди сувдаги миқдори ва ошловчи хоссага эга бўлмаган моддаларнинг сувда бўлиши, маълум миқдорда сувдаги кислород миқдорини камайишига сабаб бўлади. Танидлар билан ошлангандан кейинги қолдик, эритма таркибида сақланмайдиган бир қанча кимёвий моддалар бўлади. Булар ўз навбатида микробиологик парчаланишини қийинлаштиради. Танидлар қийин биологик оксидланадиган моддалар туркумига киради. Тозалangan оқава сувлар балиқ ҳавзаларига юборилади. Бунда ошловчи моддаларни рухсат этиладиган концентрацияси (ПДК) чегараси 10 мг/л дан ошмаслиги зарур.

Синтетик ошловчи моддалар қўламини ортиши билан, чиқинди сув таркибида феноллар миқдорининг купайишини олдини олиш муаммоси пайдо булди. Сув таркибида фенолларнинг бўлиши, балиў ва бошқа микроорганизмларга кучли таъсир қиласи. Ҳозирги вақтда чарм заводларининг сув тиндириш ҳавзаларида фенол миқдори ўртacha 20-40 мг/л ни ташкил қиласи. Фенолнинг мумкин бўлган концентрация чегараси кўпчилик ҳавзаларида биологик тозалаш натижасида 15 мг/л, бўлади. Лекин кўпчилик сув ҳавзалари учун у 0,001 мг/л га teng.

Чарм ишлаб чиқариш корхоналарида танид моддаларини сақлаган сувларни тозалашнинг самарадор усулларидан бири флотациядир. Синтетик юқори молекуляр флокулянтларга нисбатан табиий флокулянтлар кўпроқ ишлатилади. Бу уларнинг молекуляр массасининг катталиги билан тушунтирилади.

Синтетик флокулянтлар молекуласига турли ўринбосарлар ва функционал гурухлар киритиб, уларнинг кимёвий таркибини, фазовий тузилишини, зарядини ва шу билан бойитиш қобилиятини ижобий ўзгартириш мумкин.

Акрил ва метакрил кислотаси асосида олинган, сувда эрийдиган сополимерлар янги синф полиэлектролитлар бўлиб, суспензияларни коллоид - кимёвий хоссаларини ўрганиш учун ишлатилади. Макромолекуладаги манфий зарядланган карбоксил гурух қолдиги унга юқори адсорбцион ва адгезион хоссаларни беради.

Чиқинди сувларни характерлашда кўйидаги кўрсатгичлардан фойдаланилади:

Оксидлаш - чиқинди сувлардаги тез оксидланадиган чиқиндиларнинг оксидланишига керак бўлган кислород микдори. ККТ - кислороднинг кимёвий талаби - чиқиндиларнинг бутунлай оксидланишига кетадиган кислород микдори (мг/л).

КБТ 5 - кислороднинг биокимёвий талаби - аэроб бактериялар иштирокида чиқинди сувлардаги органик моддаларнинг оксидланишига зарур бўлган кислород микдори. Мг/л оксидланиш 20 суткада тугалланади. Амалий тажрибада 5 сутка олиб борилади.

Чиқинди сувларнинг ифлосланиши жунсизлаштириш усулига боғлиқ. Жунни сақлаб қолмасдан жунсизлаштиришда, жуннинг гидролизланган кератин маҳсулотларининг ишлатилган суюқликка тушиши ККТ ва КБТ нинг кескин кўтарилишига сабаб бўлади.

Ҳозирги вақтда ҳар бир жараён, яъни кул сувида ювиш, ошлаш ва ҳоказо жараёнлар, учун алоҳида канализация қилиш кўзда тутилмоқда.

Бундан мақсад ҳар бирта жараёндан кейин алоҳида кимёвий моддаларни ажратиб олиш мақсад қилиб қўйилади.

Зарарли ва заҳарли чиқиндиларни корхоналардан чиқариб, хавфсиз жойга чиқарии

Атмосфера ҳавосига чиқаётган чанг заррачалари 0,01 микрондан 100 микронгача бўлган чанг зарралари чанг чўқтиргич камераси ёрдамида ушлаб қолинади. Газ исини тозалаш асосан катализаторлар ёрдамида тозаланади. Уларнинг таркиби асосан 20% мис хлорид, 50% алюминий хлорид, 50% толуол эритувчисидан иборатdir.

Корхоналар атмосфера ҳавосига чиқараётган заҳарли аралашмаларга мувофиқ уларни жойлаштириш 5 гурухга булинади:

1. Жуда заҳарли аралашмалар чиқарувчи корхоналар аҳоли яшайдиган жойдан 1000 метр узокликда жойлаштирилиши керак;
2. Ўта заҳарли корхоналар 500 метр узокликда қурилиши керак.
3. Ўртacha заҳар чиқинди чиқарувчи 300 метр;
4. Кам чиқинди чиқарувчи корхоналар 100 метр;
5. Нормал ишловчи корхоналар 50 метр узокликда жойлаштирилиши керак.

Чиқинди сувларни механик тозалаш

Механик тозалашнинг асосий мақсади чиқинди сувларидағи қўпол моддаларни (мездра, жунни) ажратиб олишdir.

Қўпол моддалар ажратиб олинганидан кейин чиқинди сувлар тиндиригичларга юборилади. Бунда зичлиги 1 гр/мл даги моддалар чўкмага тушади, зичлиги 1 гр/мл дан кичик бўлса, сув юзасига чиқади.

Механик тозалаши

Панжаралар 600 да қилиб қурилган канализация трубаларида ўрнатилган бўлиб, катта нарсаларни ўзида сақлаб олади. Панжараларни қўл билан ёки механик йўл билан тозаланади.

Қум ушлагичлар диаметри 0,5 мм ва ундан катта бўлган минерал бўлакчаларни ушлаб қолади. Кўпинча сув ҳаракати горизонтал бўлганда бўйлама типдаги қум ушлагичлар қўлланилади. Чикиндилар шу тоғорачалар остида чўкиб қолади. Сувнинг ҳаракати тезлиги 0,2-0,3 м/с.

Элаклар панжаралардан ўтган қаттиқ чикиндиларни ушлаб колади. Бу курилма ярим айланга шаклида бўлиб, 150 бурчак остида жойлашган метал элакдан тайёрланган фильтр ўрнатилади.

Тиндиргичлар

Дисперланган бўлакчаларни кислотали ҳамда ишкорли сувларнинг араласиши натижасида ҳосил бўлган пағаларни ушлаб қолади. Ёки бошқа хил тозалашмалардан ўтади. Тиндиргичдаги чукма кириб оладиган механизм ёрдамида олинниб, шахтага юборилади.

Чикинди сувларни механик тозалагандан кейин, сувда эримайдиган моддалар микдори камаяди, ишқорли муҳит камаяди, чукма тушгандан кейин КБТ 5 % га камаяди.

Лекин шунга қарамай, эрийдиган моддалар микдори кўп бўлганлиги сабабли, чикиндини яна тозалаш зарурати туғилади.

Кимёвий тозалаши


Кимёвий тозалашда коллоид бўлакчалари коагулянтлар билан Fe(III) ва Al (III) валентли бирикмалар ёрдамида чўкмага туширилади. Бу тузлар гидролиз натижасида кам эрийдиган оксидлар қўўрининишида паға бўлиб чўкмага тушади.

Коагулянтлардан ташқари флокулятитлар ҳам ишлатилади, флокулятитлар полиэлектролитлар бўлиб, ўзида ионлашган гурухларни ўзида саклайди. Флокулянтлар жуда кам микдорда солинади, яъни қаттиқ фаза массасига нисбатан 0,02-0,03% солинади. Ювиш ва кул сувида ювиш жараёнларидан кейинги чикинди сувларни анионли флокулянтлар тозалаш қулайдир. Флокулянтларнинг заряди қанча катта бўлса шунча тез коллоид бўлакчалар чўкмага тушади.

Чикинди сувларни кимёвий тозалашда катта микдордаги чўкма ҳосил бўлади. Кимёвий тозалашда қуйидаги жиҳозлар керак: дозатор, аралаштиргичлар, коагуляция ва чўкма учун резервуарлар.

Кимевий тозалашда чикинди сувлардан сульфидларни тозалашда ҳам катта роль ўйнайди чунки сульфидлар биологик тозалашни қийинлаштиради.

Кул сувида ювиш жараёнидан кейин сульфидларни йўқотиш учун бир неча усуллардан фойдаланилади. Темир (II) сульфиди ёки хлдорид билан оксидлангандан кейин чиқинди сувлар билан механик тозалашдан, тиндиргичдан ўтиб тозалангани маҳсус камерада йифилади ва унга ишлатилган травил эритмаси (таркиби 200 г/л FeSO_4 ва 20 г/л H_2SO_4) солинади. Солингандан кейин қуидаги реакция содир бўлади.




Тиндиргичларда рН=6-7 бўлганда FeS ва CaSO_4 ҳамда каогуляцияга учраган оқсилилар чўкмага тушади. Чўкма - вакуум фильтрга берилгандан кейин сувсизлантирилади.

Катализаторлар ва кўпик синдирувчилар иштироқида ҳаво кислороди билан оксидланганда аэраторларда ҳаво спиралсимон ҳаракатига келтирилади. Бунда ҳавонинг сарфи 100 м.куб/г. З соат шундай ишлов берганда сульфидлар миқдори 10 г/л дан 10 мг/л гача камайиши мумкин. Сульфид натрий сульфатгача оксидланади, кальций гидрооксид эримайдиган кальций сульфадга утади.

Аэрация

Кул сувида ювиш жараёнидан кейинги чиқинди сувларда сулфидларни H_2SO_4 кислотаси билан ажратиб олинади. Бунда сульфидлар регенерация бўлади уни қайтадан ишлатиш мумкин.

Ишлатилган эритма (1) механик тозалангандан кейин герметик аэраторларга (6) берилади. Унга ўлчагичлардан (4) H_2SO_4 кислотаси, Na_2SO_4 айланиб сўрғич колонка (4) дан ўтади. Сўрғич колонкага NaOH эритмаси бериладаи. Водород сулфиди H_2S бу колонкадан ўтгандан кейин яна оҳак сувида ишлов беришда ишлатилади.



Бундай курилма сульфид натрийни ажратишга ва унинг сарфи 50 % га кисқартиришга ёрдам беради. Кимёвий тозалашни ўтгандан кейин биологик тозалашдан ўтади.

Биологик тозалаши

Биологик тозалаш микроорганизмлар ёрдамида олиб борилади. Улар эриган органик моддаларни минераллестиради. Бактериянинг тўпланган жойи биопленка ёки актив лойқани ҳосил қиласди. Биологик тозалашда фаол лойқа билан тозалаш асосида органик аралашмаларни аэробик оксидлаш керак.

Микроорганизмлар энергия манбааси килиб чиқинди сувлардаги минерал ва органик бирикмаларни ишлатилади. Органик бирикмалар парчалангандан кейин CO_2 , H_2O микробиологик хужайралар фаол лойқа катта реакцияли юзани ҳосил қиласди. Бу юза биокимёвий активликка, коагуляция қилиш хусусиятига ҳамда кичик заррачаларни пагаларга йиғиши хусусиятига эга.

Микроорганизмларни яшаси учун кислород керак. Кислород ҳаводан олинади. Унинг сарф бўлиш миқдори 1куб.м га 30 г.

Биологик ховузлар чиқинди сувлар биологик тозалашдаги энг оддий курилма бўлиб ҳисобланади. Тозалаш унуми об-ҳаво шароитига қараб ўзгаради.

Биологик фильтрлар чиқинди сувларни аэроб тозалашда эски қурилма бўлиб ҳисобланади. Биологик фильтр айланга шаклидаги резервуарлар бўлиб ҳисобланади. Чиқинди сувлар инерт моддалардан ўтгандан кейин бактериал парда ҳосил қиласи. Бу парда чиқинди сувлардаги органик моддаларни минераллайди. Микробиолок оксидланиш учун керак бўлган ҳавони чиқинди сувлар билан бирга ёки пастдан берилади. Бир неча вақтдан кейин ҳосил бўлган биомасса лойқа кўринишида пастга тушади. Биофильтрлар тўхтовсиз ишлайди. Ҳозирги вақтда биологик фильтрларни асосан поливинилохлориддан ишланади. Улар иқлим ўзгариши билан ҳам, чиқинди сувларнинг таркиби ўзгариши билан ҳам ўзгармайди.

Биологик фильтрларни ўтказувчанлик хусусияти бир кунга 1 м.куб сув учун 70 кг КБТ тўғри келади.

Биологик тозалашни оксидлаш зовурлари ҳам олиб борилади. Оксидловчи зовурлар тирик формасида бўлиб устида бирта ёки бир нечта айланадиган аэраторлари билан қурилиши ва фойдаланиши учун кетадиган сарф ҳаражатлар, унчалик катта эмас.

Актив лойқани яна ҳам активлаш учун бир неча технологик усуслар активловчи резервуарлардан боғлик бўлади.

Бу усулар қўйидагилардан иборат:

1. Активаторларга ҳаво компрессорларидан майин ҳаво пуфакчалари кўринишида юборилади.

2. Ҳаво активлаш резервуарларнинг ичидағи моддаларни аралаштиради, ундаги кислород актив лойқа микроорганизмлар учун аэро муҳитини яратади. Ҳавонинг сарфи актив лойқани биокимёвий активлигига боғлиқ. Чарм ишлаш корхоналарида ҳавонинг сарфи 1м.куб сув учун 30м.куб тўғри келади.

Аэролаш вақтида актив лойқа ўз ўзидан пайдо бўлади. Актив лойқанинг қулай миқдори аэролаш усулига чиқинди сувларнинг ифлосланиш турига активлаш резервуарларнинг тузилишига боғлиқ. Аэролаш системасидан ортиқча лойқани олиб ташлаб унинг концентрациясини эса (2-6 г/л) доимий тутиб туриш керак. Чиқинди сувлар тиндиргичларга актив лойқа билан бирга юборилади. Лойқалари тиниб чўкмага тушгандан кейин сув ҳовузларига юборилади.

Ҳозирги вактда лойқанинг қайта ишлашига катта аҳамият берилмоқда. Чарм ишлаб чиқариш корхоналарида чиқинди сувларни тозалашда кўп миқдорда лойқа ҳосил бўлади. Оҳак сувида терига ишлов бериш жараёнидан кейинги чиқинди сувларни тозалаганда ҳосил бўладиган лойқа таркибида асосан $\text{Ca}(\text{OH})_2$ бўлади. Ошлаш жараёнидан кейинги лойқа таркибида эса, хром оксида ва ошловчи моддалар бўлади. Катта механикавий чиқиндиларда 20 % қуриган моддалар таркибида бўлади. Шунинг учун улар сувсизлантирилади. Лойқанинг бошқа турларининг таркибида 1-3% қуруқ модда бўлади. Сувсизлантириш учун ерда 0,5-1,0 метр чуқурликдаги резервуарлар қилинади шу резервуарларда қуритилади. Қуритиш вақти ҳавонинг ҳароратига боғлиқ. Механик йул билан сувсизлантирилганда

вакуумда фильтр, фильтр-пресс, панжарали фильтрлар ва центрифугалардан фойдаланилади. Ишлатиладиган лойка

кишлоқ хўжалигида ўғит сифатида ишлатиш мумкин. Лойқанинг биомеханизацияси бир тоннасидан 70-80 м.куб биогаз олиш мумкин. Бу газнинг таркибида метан моддаси кўп бўлади.

Флотация

Флотация чиқинди сувларни тозалашда энг унумли усули бўлиб ҳисобланади. Тозалаш қуйидаги схема кўринишида олиб борилади:

Бир сутка давомида тиндирилади, сўнг 1-2 мг/л полиэлектролит қўшиб коагуляция қилинади. Ундан кейин 50-60 мин флотацион камерада ишлов берилади. Чиқинди сувларни босим остида хаво билан туйинтирадилар. Кейин босим пасайтирилгандан кейин хаво диаметри 10,5мкм пуфакча куринишида ажралиб чикади. Флотация ККТ ни 74-77 % га, лойка 98-99% га камайтирилади.

Сувни ётиқ циклда ишлов берииш

Хозирги вактда технологик сувларни бутунлай рецерукулация килишда изланишлар олиб борилмокда. Уч вариант таклиф килинган бўлиб:

Биринчи вариант: Чиқиндисувларни pH=9 гача нейтрализация килиш актив лойка билан биологик тозалаш актив кумир ёрдамида аралашмаларни адсорбция килиш электробилиз билан димиризация килиш.

Иккинчи вариант: Аралашмаларни седиментация йули билан нейтрализациялаш ва ажратиб олиш билан музлатиб олиш йули билан димиризация ва актив кумир билан адсорбция килинади.

Учинчи вариант: Ca(OH)₂ нинг чуктирилиши, сульфидларнинг катализитик оксидланиши панжарадан фильтирлаш, чиқинди сувларни аралаштириш яъни pH=9 гача нейтрализациялаш. 5 сутка давомида рециркулацион траншеяларда ёки актив лойка билан 12 соат давомида биологик тозалаш ва фильтрация килиш электродиализ ёки осмос усули билан тузсизлантириш.

Тингловчилар учун топширик

1. Ошсизланиш унумидан ишлаб чиқариш амалиётида қандай фойдаланса бўлади.
2. Ишлов берилган хром шарбатларидан олинган хромдан фойдаланиш.
3. Ишлов берилган шарбатларидан хромни регенерация қилиш усулларига мисоллар ёзинг.
4. Хром чиқиндилари деганда нимани тушунасиз?
5. Ошсизланиш унумини тушунтириб беринг.

6. Ошсизланиш унумида оксидлаш усулини қўлланилишини тушунтиринг.
7. Ишқор ёрдамида ошсизлаш усулини тушунтириб беринг.
8. Ишлатилган эритмани тозалаб кўп марта фойдаланишининг афзаликлари ва камчиликларини тушунтиринг.
9. Чарм ва мўйна ишлаб чиқаришда сувни эҳтиёж қилиш йўлларини айтиб беринг.
10. Таннидларнинг чиқинди сувда қолиб кетиши нималарга олиб келади.
11. Синтетик ошловчиларнинг чиқинди сувда колиб кетиши нималарга олиб келади.
12. Заарли ва заҳарли чикиндиларни корхоналардан чиқариб хавфсиз жойга чиқариш ҳақида нима биласиз?
13. Флотация усули билан чиқинди сувларни тозалаш усули тушунтириб беринг.
14. Ёпиқ циклда сувни ишлов бериш деганда нимани тушунасиз?
15. Аэролаш усули билан чиқинди сувларни тозалашни тушунтириб беринг.

“ЎЗЧАРМПОЙАБЗАЛ” УЮШМАСИ ТАРКИБИДАГИ КОРХОНАЛАР ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИ ВА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ.

Ишнинг мақсади: “Ўзчармпойабзал” уюшмаси таркибидаги корхоналар технологик жараёнлари ва операцияларининг қиёсий таҳлили билан танишиш

Ишнинг баёни: Уюшма техник-иқтисодий ютуқлари ва истиқболли инновацион ва инвестициявий йўналишлари

Ўзбекистонда 12 миллионга яқин чорва бор. Бу кўрсаткич Қозоғистонда 10,6 миллион, Қирғизистонда 3,8 миллион, Туркманистанда 8 миллионтани ташкил этади. Шундан ҳам кўриниб турибдики, келгусида марказ ташкил этсан, бошқалардан хом ашё харид қилиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин.

Кўп ҳолатларда маҳсулотларимизни Туркия билан солиштиришади. Лекин уларда ислоҳотлар 1984 -2014 йилларда амалга оширилганини ҳисобга олсан, ҳеч бир ютуққа тезлик билан эришиб бўлмаслигига гувоҳ бўламиз. Уларнинг тажрибасини амалиётга жорий этиш ва вақтдан ютиш учун иккита туркиялик мутахассисни ишга таклиф қилдик. Улар кўмагида бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш мўлжалланган.

Тери хомашёсини қайта ишлашни таъминлаш, юқори қўшимча қийматга эга тайёр чарм-пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқариш, маҳаллий маҳсулотларни ташки бозорларга олиб чиқиш ҳажмини ошириш ва тармоққа тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилган мақсадли дастурларни амалга ошириш жараёнида мамлакатимизнинг чарм-пойабзал ва мўйна тармоғида 235 та инвестицион лойиҳа амалга оширилади. Лойиҳаларнинг умумий қиймати 431,9 миллион доллар бўлиб, шундан 198,6 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Қайд этиш жоизки, айни вақтда тизимда бир минг бир юздан ортиқ ташкилот мавжуд бўлиб, уларнинг 500таси уюшмага аъзо бўлган. 2017 йилда тизим корхоналарида 12 миллион жуфт маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2018 йилда 51,1 миллион жуфтга етди. Жорий йилда эса янада улкан марра забт этилиши кутилмоқда. Ҳозирда 20 давлатга экспорт амалга оширилмоқда.

Охирги икки йилда 16 та терини қайта ишловчи корхонада модернизация ишларини амалга оширишда кўмак берилди.

Бунда асосий урғу Италиядан энг замонавий ускуналар харид қилишга қаратилди. Шу мақсадда улардан тўртинчи авлод жиҳозлари олиб келинди. Агар Туркияда учинчи авлод жиҳозлари ишлаб турганини ҳисобга олсан,

сифати анча юқори маҳсулот чиқаришни бошлишимиз ойдинлашади. Хусусан, Нукус шаҳридаги йирик корхона қарийб 10 йилдан буён ярим тайёр тери маҳсулоти экспорт қилиб келарди. Энди эса Италиядан олиб келинган ускуналар кўмагида тайёр тери ва ундан замонавий пойабзал ишлаб чиқармоқда. Натижада тизимда замонавий чармдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган кластер пайдо бўлди. Ҳозир тайёр чарм ишлаб чиқариш линияси ишга тушди.

Йил охирига қадар маҳсулот тайёрлашни бошлаймиз. Шу орқали келгусида ташқи бозорларга, хусусан Европа бозорига кириб боришга замин яратилмоқда.

Ҳозирги кунда экспорт географияси ва ҳажми, шартномалар қиймати, хорижий бозорларга айнан юқори қийматли тайёр маҳсулотларни етказиб бериш ҳисобига экспорт структураси ўзгармоқда.

Агар рақамларга назар ташласак, 2017 йилда экспортдан келган тушум 105,1 миллион долларни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг якуни билан 197 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиниши кутилмоқда.

Ўсиш суръати 2017 йилга нисбатан 1,9 баробарга кўп. 2025 йилга келиб эса экспорт кўрсаткичлари 1,5 миллиард доллардан ошиши мўлжалланмоқда.

«Ўзчармсаноат» уюшмаси томонидан тайёрланган қарор лойиҳасида импорт қилинувчи оёқ кийимлар учун бож ставкасини 10 фоиз ўрнига 30 фоиз этиб белгилаш таклиф этилгани ва бу таклиф кўпчиликнинг норозиликларига сабаб бўлгани, ҳозирги қонунчиликда бож ставкаси неча фоизни ташкил этаётгани борасида савол билан мурожаат қилинди.

«Ҳақиқатдан ҳам қонунчиликка таклиф сифатида киритган лойиҳамиз ижтимоий тармоқларда катта муҳокамаларга сабаб бўлди.

Хўш, нима учун шу пайтга қадар биз бу масалани кўтармай келдик. Бунга сабаб, 2017 йилда пойабзал ишлаб чиқарувчи корхоналаримиз томонидан бор йўғи 12 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилган.

2018 йил 3 майдаги «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Президент қарори қабул қилиниши натижасида тадбиркорларга солиқдаги, божхона тўловларидағи имтиёзлар тақдим этилди. Натижада соҳада катта ўзгаришлар кузатилди ва ўтган йилнинг ўзида 58,1 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилди.

Соҳа тез ўсиб бормоқда, биз ўтаётган йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 80 миллион жуфтга етказишни режалаштирилган.

Ҳар қандай мамлакат ўзининг ишлаб чиқарувчиларини ҳимоя қиласди.

«Ўзчармсаноат» уюшмаси таклиф қилган 30 фоизлик бож ставкаси амалга киритилганда, импорт қилинувчи ҳар бир жуфт оёқ кийим учун тахминан 3-5 доллар атрофида бож тўловлари амалга оширилган бўлар эди.

Фахриддин Бобоев шунингдек, амалдаги қонунчилик бўйича импорт қилинувчи оёқ кийимлар учун бож миқдорини маълум қилди. Унга қўра, ҳозирда 20 фоизлик бож ставкаси амалга киритилган ва импорт қилинаётган

ҳар бир жуфт оёқ кийим учун 2 доллардан кам бўлмаган миқдорда бож олинмоқда.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан берилаётган солиқ ва божхона имтиёзлари узоқ муддатга мўлжалланмаган. «Президентимиз қарори бўйича, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун белгиланган имтиёзлар 2023 йилнинг 1 январига қадар амалда бўлиши белгиланган», дейди Фарҳод Нурмуҳаммедов.

—Худудимизда етиштирилган қоракўл ва белорусдан келтирилган норка терисидан аёллар, болалар ва эркакларга бош кийимлар тикамиз, —дейди корхона директори Шамсиддин Тошмуродов. — Айни вақтда уларни тури 15 хилга етди. Шунингдек, ҳарбийларга уст кийимлар, аёллар ва болаларга нимчалар, пальтолар ҳам тайёрлаймиз. Теридан қилинган ёстиқ ва жойнамозлар ҳам кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Айни вақтда ишлаб чиқариш сифатини янада ошириш учун Туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликни йўлга қўймоқчимиз. Улардан келтириладиган технологиялар кўмагида қоракўл билан бир қаторда қўй терисига ҳам ишлов бериш ва маҳсулот тайёрлашни мўлжаллаб турибмиз. Чунки, юртимизда қўй териси ҳам жуда кўп.

Шу ўринда биз тадбиркордан “қўй териси билан қоракўлни нима фарқи бор? Уларга ишлов бериш жараёни қандай кечади?” дея сўраганимизда албатта фарқи борлигини тушунтириди.

Қўй терисини териси ва жуни қоракўлга нисбатан қалин бўлади. —дейди Ш. Тошмуродов. Шунинг учун қўй терисини қайта ишлаш жараёни узоқ давом этади. Қоракўлга ишлов бериш унча қийин эмас. Арпадан ёрма қилиб, шу билан ишлов берамиз. Ҳаммаси экологик тоза бўлиб, кимёвий ҳеч нарса кўшилмайди. Қўй терисидан ҳарбийларга пальтолар, завод ва фабрика ишчиларига маҳсус нимчалар тикамиз. Улар табиий жараёнда жуда иссиқ бўлиб, танани совукдан яхши сақлайди.

Қайд этиш жоизки, айни вақтда корхона қошида қоракўлчиликда янги навларни яратиш борасида наслчилик ишлари ҳам олиб борилмоқда. Натижалар эса қувонарли. Қоракўлнинг йўқолиб бораётган юзлаб тури қайта тикланиши кутилмоқда.

Яна бир гап айни вақтда тизимда экспорт географияси ва ҳажми, айниқса, хорижий бозорларга айнан юқори қийматли тайёр маҳсулотларни етказиб бериш ҳисобига экспорт структураси ўзгармоқда. Агар рақамларга назар ташласак, 2017 йилда экспортдан келган тушум 105,1 миллион долларни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг якуни билан 197 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиниши кутилмоқда Ўсиш суръати 2017 йилга нисбатан 1,9 баробарга кўп бўлиб, 2025 йилга келиб эса экспорт кўрсаткичлари 1,5 миллиард доллардан ошиши прогноз қилинмоқда.

Атрофимиздаги қўшни давлатларда тери-чарм соҳасига эътибор биздаги каби кучли эмас. Шунингдек, уларда технологиялар ҳам етарли эмас. Яна бир гап, хом ашё базаси ҳам биздаги каби кўп эмас. Бизда эса бу борада имкониятлар ва имтиёзлар етарли. Келинг, қуруқ гапдан кўра, аниқ ҳисоб-

китоблар билан гаплашамиз. Мисол учун, Ўзбекистонда **12 милионга яқин чорва бор**. Бу кўрсаткич Қозогистонда 10,6 милион, Қирғизистонда 3,8 милион, Туркманистанда 8 миллионтани ташкил этади. Шундан ҳам кўриниб турибдики, келгусида марказ ташкил этсақ, бошқалардан хом ашё харид қилиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин.

Кўп ҳолатларда маҳсулотларимизни Туркия билан солиштиришади. Лекин уларда ислоҳотлар 1984—2014 йилларда амалга оширилганини ҳисобга олсак, ҳеч бир ютуққа тезлик билан эришиб бўлмаслигига гувоҳ бўламиз. Уларнинг тажрибасини амалиётга жорий этиш ва вақтдан ютиш учун **иккита туркиялик мутахассисни ишга таклиф қилдик**. Улар кўмагида бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш мўлжалланган.

Тери хом ашёсини қайта ишлашни таъминлаш, юқори қўшимча қийматга эга тайёр чарм-поябзал маҳсулотларини ишлаб чиқариш, маҳаллий маҳсулотларни ташки бозорларга олиб чиқиш ҳажмини ошириш ва тармоққа тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилган мақсадли дастурларни амалга ошириш жараёнида Ўзбекистоннинг чарм-поябзал ва мўйна тармоғида 235 та инвестицион лойиҳа амалга оширилади. Лойиҳаларнинг умумий қиймати 431,9 миллион доллар бўлиб, шундан 198,6 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Қайд этиш жоизки, айни вақтда тизимда бир минг бир юздан ортиқ ташкилот мавжуд бўлиб, уларнинг 500 таси уюшмага аъзо бўлган. 2017 йилда тизим корхоналарида 12 миллион жуфт маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2018 йилда 51,1 миллион жуфтга етди. 2019 йилда эса янада улкан марра забт этилиши кутилмоқда. Ҳозирда 20 давлатга экспорт амалга оширилмоқда.

“ЎЗЧАРМСАНОАТ” уюшмаси тасарруфидаги терини қайта ишлаш ва қорақўл териларига ишлов бериш корхоналари

Корхона номи	Асосий фаолият тури	Корхона	
		Манзили	Телефон рақами
"Жалолитдин саноат савдо" МЧЖ	Терини қайта ишлаш	Наманганская область, г.Наманган, ул.Косонсой, дом 8.	+99890 554-21-12
ООО "PREMIUM LEATHER"	Терини қайта ишлаш	Ферганская область, г.Коканд, квл. А.Хукандий.	+99890 509-40-04
ООО "NAFIS CHARM"	Терини қайта ишлаш	Наманганская область, Уйчинский район, Жийдакапа ЛФИ, ул.Заводская.	+99869 234-12-52 +99890 552-07-10
ООО "IMPERIAL LEATHER INVEST BIZNES"	Терини қайта ишлаш	Ферганская область, г.Коканд, квл. А.Хукандий.	+99890 556-99-99
ООО "NIGORA-	Терини	Ферганская область, г.Коканд,	+99890 565-20-

Чарм ва мўйна ишилаб чиқаришда инновацион технологиялар

DADIDO”	қайта ишлаш	ул.Уста бозор, дом 4.	25
ООО “RAVNAQ NIHOL TERI”	Терини қайта ишлаш	Ферганская область, г.Маргилан, ул.Саккокий, дом 7б.	+99890 582-95-80 +99893 647-40-05
ООО “QARSHI LEATHER”	Терини қайта ишлаш	Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар, Шайхали қўргони, Қарши Косон йўли, 7км.	+99897 200-15-32 +99895 680-60-06
ООО “TARON KLAASSIK”	Терини қайта ишлаш	Ферганская область, Дангаринский район, г.Дангара, ул.Севинч, дом 1.	+99890 556-41-69
“TOSHKENTIM KO’RKIM” МЧЖ	Терини қайта ишлаш	Тошкентская область, Ахангаранский р-н, Промышленная зона	+99895 528-82-75
ООО “MM GOODWILL”	Терини қайта ишлаш	Ташкент, шаҳар Алмазарский район, ул. Сағбан, дом 221.	+99898 130-67-66 +99897 735-10-01
ООО "SURXONDARYO CHARM"	Терини қайта ишлаш	Сурхондаринская область, Жаркурганский р-н, ул.Узбекистан, дом 14.	+99894 204-17-55
ЧП "ТАБИУ CHARM"	Терини қайта ишлаш	Ташкент, шаҳар Алмазарский р-н, ул.Гулсарой,23	+99871 248-00-20 +99894 408-02-93 +99898 360-28-00
ООО "UNIQUE LEATHER LINE"	Терини қайта ишлаш	Жиззак, Промзона	+99895 504-57-91
ООО "NUKUS CHARMPOYABZAL"	Терини қайта ишлаш	Қорақалпоғистон Республикаси Нукус ул. Т.Кайитбергенов, дом 23.	+99861 224-09-77
ООО "ULKAN LAZIZ"	Терини қайта ишлаш	Ташкент, шаҳар Бектемирский р-н, ул.Ауэзов, дом 3.	+99893 396-89-24 +99897 411-61-05
ООО "DONIYOR BIZNES SAVDO"	Терини қайта ишлаш	Хорезмская область, г.Ургенч. Ул.Хонка, 2/3	+99862 565-17-44
ООО "ORIENT TECHNOLOGY"	Терини қайта ишлаш	Ташкент,шахарул.А. Темур,дом. 95А	+99890 176-14-26 +99898 147-70-70
ООО "YULDUZ"	Терини қайта ишлаш	Хорезмская область, Кушкупирский р-н, ул.Замахшарий, дом 34.	+99862 329-56-28
ЧП "BARAKA LEATHER"	Терини қайта	Наманган вилояти, Уйчи тумани, Юксалиш МФИ	+99898 771-70-05

Чарм ва мўйна ишилаб чиқаришда инновацион технологиялар

	ишлиаш		
ООО "HAVAR INTERPRAYZIZ"	Терини қайта ишилаш	Ташкент, шаҳар Яшнабадский р-н, ул.Паркент, дом 263.	+99871 296-66-30 +99890 185-60-30
ООО "KATTAKURGAN CHARM"	Терини қайта ишилаш	Самаркандская область, г.Каттакурган, ул.А.Кадири, дом 82.	+99898 364-75-55
ООО "LUX LEATHER"	Терини қайта ишилаш	Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Гулистан худуди, Чимкент йўли кўчаси, 114А-уй.	+99893 546-66-88
«TOSHKENT CHARM SAVDO» МЧЖ	Терини қайта ишилаш	Тошкент шаҳар, Фарғона йўли кўчаси, 2-тор кўча, 109-уй.	+99893 450-11-15
"ANAS TRANS SERVICE" МЧЖ	Терини қайта ишилаш	Наманган вилояти, Уйчи тумани, Ахунбобоев кўчаси.	+99897 230-55-00
«HAMKOR NUR SAVDO» МЧЖ	Терини қайта ишилаш	Тошкент вилояти, Охангарон тумани, Саноат худуди, В6 участкаси.	+99897 470-99-81
“ДАВР” МЧЖ	Терини қайта ишилаш	Фарғона в Кўқон шаҳар, Туркистон кўчаси, 2-G уй	+99890 556-00-95 +99891 155-08-35
ИП ООО "PENG SHENG CHARM"	Терини қайта ишилаш	Сирдаринская область, Сирдаринский р-н, пос.Хакикат,по трассе Бетонка,1.	+99899 868-85-90
ООО "MAX CHARM EXPORT"	Терини қайта ишилаш	Сирдаринская область, Околтинский р-н, Мустакиллик махалласи, ул.Гузаллик, дом.14	+99867 235-54-68 +99891 162-27-29
ООО "ANGREN CHARM INVEST"	Терини қайта ишилаш	Ташкентская область, г.Ангрен, ул.Ахангаран, дом 21.	+99870 663-16-18
“BEST STANDARD LEATHER” МЧЖ	Терини қайта ишилаш	Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Саади кўчаси, 27-уй.	+99890 955-55-11
“SHINING IMPEX” OK	Терини қайта ишилаш	Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Новза-Қозиробод кўчаси, 8-уй.	+99890 930-50-01 +99871 279-78-70
"CHINA SANAY STORY CO.LTD"	Терини қайта ишилаш	Тошкент вилояти Ангрен шаҳри Охангарон кўчаси Саноат зонаси	+99890 138-00-18 +99893 375-56-58
"GRAND BUSINES SOLUTIONS" МЧЖ	Терини қайта ишилаш	Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Проспект Бунёдкор 15/1 уй	+99890 327-39-34 +99871 150-06-59
Uz-Turk Charm	Терини қайта	Жиззах вилояти Жиззах шаҳри Олмазор махалласи	+99890538-12-20

Чарм ва мўйна ишилаб чиқаришда инновацион технологиялар

	ишлиаш	Мустақиллик кўчаси	
"SANFA LEATHER' МЧЖ	Терини қайта ишилаш	Фарғона вилояти, Фарғона шахри, Кимёгарлар кўчаси 3-ий.	+99871 232-12-20
"DONG DA" МЧЖ	Терини қайта ишилаш	Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар, Мустақиллик кўчаси, Промзона.	+99897 755-44-92 +99893 503-90-00
"VODIY SINOTEKS LIDER" ҚҚ	Терини қайта ишилаш	Фарғона в Марғилон шаҳар, Озода, 54	+99891 111-17-26
"SIRDARYA CHARM" МЧЖ	Терини қайта ишилаш	Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, Ҳақиқат қишлоғи, Ҳақиқат маҳалла, трасса Бетонка 1.	0367 377-33-33 0367 377-11-88 +99867 377-44-44
МЧЖ "GOLD LEATHER EXPORT IMPORT"	Терини қайта ишилаш	Наманганская область, Касансайский район, Ёшлик КФИ.	+99897 255-19-35
"ABU ALI ABDULLA" МЧЖ	Терини қайта ишилаш	Тошкент шаҳар Фозилтепа 24а уй	+99890 357-14-82 +99897 333-34-25
"LEATHER NATURAL" МЧЖ	Терини қайта ишилаш	Тошкент шаҳар Учтепа тумани Курувчи 5-тор кўчаси 16 уй	
"QUMARIQ POLIETILEN KLASSIK" ҲК	Терини қайта ишилаш	Фарғона вилояти Учкўприк тумани Кумариқ шаҳарчаси Ариқбўй кўчаси	+99897 966-11-19 +99891 155-61-23
"SAM SUNIY DERI" ҚҚ МЧЖ	Терини қайта ишилаш	Самарқанд вилояти Самарқанд шахри Фарход қўрғони	+99897 925-56-71
"CHEMICAL GLOBAL TRADE" МЧЖ	Терини қайта ишилаш	Тошкент шаҳар Сергели тумани Саадий кўчаси 27 уй	+99890 999-53-59
"TASHKENT LEATHER INDUSTRY" МЧЖ	Терини қайта ишилаш	Тошкент шаҳар Сирғали тумани Саади кўчаси 27 уй	+99899 857-70-70
"ABSOLUTE PROMTEX" МЧЖ	Терини қайта ишилаш	Тошкент шаҳри, Фозилтепа кўчаси, 8-уй	+99893 583-92-39
"NUR FAYZ EXPORT" МЧЖ	Терини қайта ишилаш	Тошкент шаҳар, Яшнаобод тумани, Оҳанграбо кўчаси 3 уй	+99899 888-74-11 +99893 616-88-28
"ANTIK ASL CHARM" МЧЖ	Терини қайта ишилаш	Наманган шаҳар, Марғилон кўчаси 218-уй	+99893 923-25-30
LAMINAT DÉCOR TRADE МЧЖ	Терини қайта ишилаш	Тошкен шахар Шайхонтохур тумани . Лабзак куча 32А уй	+998903200770

Чарм ва мўйна ишилаб чиқаришда инновацион технологиялар

"SAMARKAND ARSEL PRODUKT" МЧЖ ХК	Терини қайта ишлаш	Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Кимёгарлар қўрғони ОАЖ Химзавод ҳудуди	+99890 503-14-62
МП "БОТИР"	Қоракул	Кашкадаринская область, Касанский р-н, г.Пулати, Бунёдкор МФИ	+99890 440-88-55
ООО "ABDUL AZIZ BUXORO QORAKOL"	Қоракул	Бухарская область, г.Бухара, ул.М.Анбар, дом 61.	+99890 612-86-20
СП "SARABEL-DIAMET KARAKUL"	Қоракул	Навоийская область, Конимех р-н, село Янгигазган	+99836 223-80-81
ОК "MEXOVAYA MODA"	Қоракул	Бухара в ул.Пиридастгир, 14.	+99891 416-17-79
«SHAMCHIROK TO'RTKOL» МЧЖ	Қоракул	Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл тумани, Ифтихор кўчаси, 62-уй.	+99895 533-05-01
ООО "SHERMAT SHAXRIZODA JAXONGIR"	Қоракул	Бухарская область, Пешку р-н, Пешку КФИ.	
"ROMITAN QORAKO'L" МЧЖ	Қоракул	Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Бобир МФЙ Алпомиш кўчаси	
"KOJA MEX EKSPRESS" МЧЖ	Қоракул	Бухоро вилояти Когон тумани Тутқунда МФЙ	+99890 710-01-11
"SULTANI BASIT FURS" МЧЖ	Қоракул	Тошкент шаҳар Учтепа тумани 14 мавзе 26 уй 1-хонадон	+99890 944-85-30 +99890 911-85-31

Тингловчилар учун топширик

1. Ўзбекистонда ванча чорва мавжуд?
2. “ЎЗЧАРМСАНОАТ” тизимида нечта ташкилот мавжуд ташкилот мавжуд?
3. “ЎЗЧАРМСАНОАТ” уюшмаси нечта давлатга маҳсулотларини экспорт қиласди?
4. «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қачон қабул қилинган?

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- мазкур мустақил таълим ишларини бажариш орқали тингловчилар бир бал билан баҳоланадилар.

Мустақил таълим мавзулари

1. Чарм ва мўйна саноатида замонавий жиҳозларнинг ўрни.
2. Чарм ва мўйна физик-механик ва кимёвий хоссаларига таъсир этувчи омиллар.
3. Замонавий пойабзал саноости жиҳозлари.
4. Чарм буюмларини физик-механик хоссаларига таъсир этувчи омиллар.

ГЛОССАРИЙ

Иборалар	Ўзбек тилида изоҳ	Инглиз тилида изоҳ
Чарм	Ҳайвон терисининг дерма қисми бўлиб, унинг структура элементларининг физикавий, механик ва кимёвий хоссалари ўзгартирилган бўлади.	The derivative of the animal leather is mainly fibrous structure, its physical, physicochemical and chemical properties are varied.
Мездралаш жараёни	Жараёнда терининг бахтарма томонида қолган ортиқча ёғ ва тери ости қатламини йўқотишидир	It is the loss of excess fat and subcutaneous tissue on the leather of the leather.
Ивитиш	Хом ашёни сувда ишлов бериш (кўп ҳолларда электролитлар қўшиш) ивитиш дейилади.	Water treatment of whitish-raw material (in many cases electrolytes is added) is called raising.
Ошлаш	Чарм саноатида энг муҳим жараён, яъни физик-хисобланади. Ошлаш жараёнида терининг дерма структуралари шакилланади, натижада тери чармга айланади.	The most important process in leather industry is physical-chemical process. In the process of removal, skin skins form, resulting in leather.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хукуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрь “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чукурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4186-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар

20. Maksudov S.S. Charm buyumlar texnologiyasi, 1-2 jild, T.: TTYESI, 2004. – 231 р.

21. Островская А.В., Абдуллин И.Ш. Химия и технология кожи и меха. Учебное пособие, Казан. гос. технол. ун-т. Казань, 2006. - 139 с.

22. S.N. Sadirova “Charm va mo’yna xom ashyolariga dastlabki ishlov berish” T.: Yangi asr avlodi. 2010. - 272 b.

IV. Интернет сайтлар

23. <http://edu.uz>.
24. <http://lex.uz> .
25. <http://bimm.uz> .
26. <http://ziyonet.uz> .
27. <http://natlib.uz> .
28. <https://uzts.uz/> .